


R 496  
1980/6



Трустол  
6  
1980





1

2





# САФАРБАР КУНЛАР

**В**АҚТНИНГ суръати ниҳоятда тез. Кремль соати янги — ўнинчи беш йилликни якунловчи 1980 йилнинг кириб келганини билдириб, занг урганидан буён унча кўп вақт ўтмагандек, ҳолбуки, календарь варақлари иккинчи ярим йиллик бошланганини маълум қилмоқда. Бутун совет халқи каби, республикамиз меҳнатқашлари сиёсий-маънавий ҳаётда, меҳнатда катта ғалабаларни қўлга киритмоқдалар, ўнинчи беш йиллик ҳал қилувчи йилининг улуғвор, юксак режаларини муваффақиятли тарзда амалга оширмоқдалар. Серкуёш диёримиз ярим йил мобайнида босиб ўтган йўлни Ўзбекистон ишчилари, деҳқонлари меҳнатини бир лаҳза ҳаёл назаридан ўтказайлик, ярим йил муваффақиятларини сарҳисоб қилиб кўрайлик.

1979 йил Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққани учун Ўзбекистон ССРнинг КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланиши республикамиз меҳнатқашларига янги куч, битмас-туганмас ғайрат бахш этди. Республикаимиз айни юксак мукофотга еттинчи марта муносиб кўрилди. Бу эса КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш, мамлакатимиз экономикаси ва муҳофаза қувватини кучайтириш, совет кишилари турмуш фаровонлигини ошириш йўлидаги умумхалқ курашида фаоллик кўрсатаётган Ўзбекистон республикасига берилган юксак баҳо — Қорақалпоғистон АССР, Сурхондарё ва Тошкент областлари, 4 шаҳар, 13 район ва 56 меҳнат коллективи ҳам КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлди.

Биринчи ярим йилликнинг ҳар куни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан катта аҳамиятга молик воқеаларга бой. Ўзбекистондаги ССР Олий Совети ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар партия ва халқ бузилмас бирлигининг янги ифодаси сифатида тарихга кирди. Республикаимиз меҳнатқашларининг Владимир Ильич Ленин 110 йиллик юбилейини муносиб қутиб олиш арафаларидаги жўшқин, фидокорона меҳнати улуғ доҳийга-умумхалқ муҳаббатининг жонли тисмоли бўлди. Бутуниттифоқ ленинча шанбадан эса ҳар галгидек озод меҳнатнинг шоҳидона байрамига айланиб кетди.

Ўнинчи беш йиллик якунловчи йили мамлакатимизнинг КПСС XXV съезидан кейинги беш йиллик тараққиётга якун ясайди. «Бу — коммунистик қурилиш йўлида бундан кейин қиладиган ҳаракатимизнинг стратегиясини белгилаб берадиган партия XXVI съезидан актив тайёргарлик йилдир, — деди ўртоқ Леонид Ильич Брежнев. — ...Лениннинг юбилейи эса партия билан халқнинг бутун ишига янги илҳом бахш этмоқда. Биз ғоят бой революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари билан қуролланиб олганмиз. Биз кун сайин янги тажриба ҳам орттирмаймиз».

Бинобарин, бу йилги зарбдор меҳнат мамлакатимиз, республикамиз бутун беш йиллик тараққиёт муваффақиятларини янада бойитмоғи керак. Ўнинчи беш йилликнинг интиҳоси янги — ўн биринчи беш йилликнинг ибтидосидир, ёки, Леонид Ильич Брежнев 1979 йил Ноябрь пленумидаги ёрқин нутқида образли ифодалаб берганидек, «кейинги беш йиллик қуриладиган базадир».

Ўн биринчи беш йиллик яна ҳам миқёсли, яна ҳам улуғвор бўлиши аниқ. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун 1980 йил биринчи ярми ҳисобот ра-

қамларини кўздан кечирайлик: уларнинг мазмунидан биз қувонамиз, ҳаяжонланамиз, фахрланамиз, совет Ўзбекистони кўп миллатли оиласи ўз қаҳрамонона меҳнати натижасида муъжизалар яратаётганини чуқур англаймиз. Зеро, Бекобод металлурглари ва Фарғона тўқувчилари, Ангрэн кончилари ва Бухоро газчилари, Оҳангарон цементчилари ва Марғилон ипакчилари, Тошкент машинасозлари ва Чирчиқ кимёгарлари вақтдан ўзиб меҳнат қилмоқдалар. Жилгалар бирлашиб, дарёга айланганидек, шахсий ғалабалар кўшилиб, умумий муваффақиятимизни таъминламоқда.

«Ленинча яшаймиз, ишлаймиз ва курашамиз!» жанговар шиори социалистик мусобақанинг тобора кенг қўлоқ ёйишига сабаб бўлди, ижтимоий фаолиятимизнинг ҳамма соҳаларида меҳнатга коммунистик муносабатнинг янада барқарорлашувига ёрдам берди, коммунистик қурилишимизда асил ленинча жўшқин меҳнати, асил ленинча ишчанлик ва уюшқоқлик кайфиятини туғдирди. Социалистик мусобақа тўлқинлари Ўзбекистон саноатининг бутун корхоналарини қамраб олди. Индустрияимиз меҳнат коллективлари беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида саноат ишлаб чиқаришини камда 7 процентга ўстиришни, меҳнат самарадорлигини ошириш ҳисобига 80 процент кўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз асосий вазифалари деб биладилар. Тежамкорлик, халқ мулкини кўз қорачиғидек асраш, меҳнат унумдорлигини мунтазам тарзда ошириб бориш кўпгина коллективларга хос фазилатлардир. Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин 110 йиллик юбилейи — 22 апрель куни биргина пойтахтимиз Тошкентда 32 минг киши беш йиллик планни мuddатидан илгари, 1000 дан кўпроқ зарбдор эса икки беш йиллик планларини бажарганликлари ҳақида рапорт бердиларки, бу халқимиз фидокорона меҳнатининг чинакам намунасидир.

Ҳар куни радио, телевидение, газеталар Нукус ва Қарши, Янгийўл ва Термиз, Урганч ва Жиззах, Олмалиқ ва Гулистон меҳнатқашлари, бутун республикамиздаги барча шаҳарлар ва қишлоқларнинг ишчи ва деҳқонлари қўлга киритаётган ғалабалардан бизни бохабар қилиб турибди.

Ўзбекистон улкан қурилиш майдонига айланди. Ўнинчи беш йиллик мобайнида кўпгина янги заводлар, фабрикалар, цехлар ишга туширилди. Бу йил қурувчилар ва монтажчилар 5 миллиард 214 миллион сўмлик капитал маблағни ўзлаштирадилар! Улар 120 минг гектар янги ерни қишлоқ хўжалик тасарруфига киритадилар, кўпгина завод ва фабрикалар реконструкциясини ниҳоясига етказдилар, рангли металлургия, кимё, электр энергетика корхоналари қувватини кучайтирадилар. Сирдарё ГРЭСи, Бухоро, Андижондаги бир қанча тўқимачилик ва озик-овқат саноати корхоналари қурилишини жадаллаштирадилар. КПСС Марказий Комитети 1979 йил Ноябрь пленуми қарорларида, Леонид Ильич Брежневнинг сермазмун, ёрқин нутқида белгилаб берилган йўл-йўриқларни амалга ошира бориб, қурилиш ва монтаж ташкилотлари энг муҳим объектларда куч, ресурсларни концентрациялашга, қурилиш сифати, юксак суръатини таъминлайдиган талаб ва шартларга буюртмачилар ҳам, пудратчилар ҳам тўла амал қилишига эришмоқдалар. Қурувчиларнинг тобора қизгин тус олаётган мусобақаси пировард-натижада иш сифатининг аъло даражада бўлишини, сарфланган ҳар бир сўмнинг кўзланган мақсадга хизмат қилишини таъминлайди.

Ўзбекистон бугун қудратли энергетик ва илмий-техник ишлаб чиқариш имкониятига эгадир. Мавжуд резервларни ахтариб топиш йўлидаги барча интилишлар асосини ана шу имкониятни рўёбга чиқаришдек эзгу мақсад ташкил этади. Ёқилғи-хом ашё базаси, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, энергетика ҳамда кимё, электр техникаси тармоқлари тараққиёти тезлаштирилмоқда.

Транспорт ва алоқа ташкилотлари коллективлари, илмий-техшириш муассасалари коллективлари ҳам фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ўзбекистон колхозчи ва совхозчилари, чорвадорлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш йўлида ҳормай-толмай, оқилона кураш олиб бормоқдалар. «Оқ олтин»нинг олтин қўлли ижодкорлари эса она-Ватанга 5 миллион 850 минг тонна — рекорд пахта ҳо-

сили етказиб берадилар. Қудратли қишлоқ хўжалик машиналари билан қуролланган деҳқонларимиз чигитни вақтида ундириб олдилар. Ҳозир эса ҳосил учун курашнинг энг масъулиятли даври. «Асад — экиннингни яса!» Деҳқон изнидаги кечаю кундуз пахта ташвиши билан банд. Турсуной Охунова, Манноп Жалолов, Жавод Кучиев сингари таниқли пахта усталари, улар сифидаги донишманд деҳқонлар парваршидаги пайкалларни кўрганда, саховатли кузнинг салобати, осмон ўпар хирмонлар кўз ўнгимизда яққол гавдаланади.

Ўзбекистон партия ташкилоти пахта учун курашнинг доимий илҳомчиси, чинакам раҳбаридир. Бинобарин, бу йил ҳам деҳқонларимиз 5 миллион 850 минг тонналик «оқ олтин» хирмони учун кураш синовидан муваффақиятли ўтадилар, уларнинг ақл-заковати, илми, сабот-матонати тўла намоеён бўлади. Зеро, пахтакор — коммунист ижодкор. Коммунизм ғояларининг амалга ошишини, оламда тинчлик, дўстлик янада барқарор бўлишини таъминлашга сафарбар этилган ижодкор. Пахтакорларимиз кейинги икки-уч йил давомида пахта парварши учун ниҳоятда ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам рекорд ҳосил етиштирмоқдалар, ҳосилдорлиқни муттасил тарзда ошириб бормоқдалар — совет кишининг асл фазилатларини: мустақкам ғоявий-сиёсий эътиқодини, коммунистик иродаси ва донишмандлигини, чинакам ватанпарварлигини ёрқин кўрсатмоқдалар. Республикаимиз меҳнатқашлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1980 йилда ҳосил ўрм-ийғимини, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашни ва 1980—1981 йиллар даврида чорва қишлоқ муваффақиятли ўтказилишини таъминлаш юзасидан кўшимча тадбирлар тўғрисида» деб чиқарган қарорини қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни кўнгилдагидек адо этиш, ҳосил ўрм-ийғимини ҳеч нобудгарчиликсиз ўз вақтида ўтказиш, 1980 йилда давлатга дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планларини тўла ошириб бажариш, 1980—1981 йиллар даврида чорва қишлоқини мақсадга мувофиқ тарзда ўтказишни таъминлаш дастуриламал сифатида қабул қилганлари бундан далolat бериб турибди.

Ўзбекистоннинг ипак фасли баракали келди. Республикаимиз пиллакорлари илмий-техник революция даври афзалликларидан фойдаланган ҳолда, ўз қалб кўрлари, заковатларини офтоб нурини, ер меҳрию сув сеҳрини ипакка айлантирдилар. Пилла карвонларига пахта карвонлари уланадиган кунлар эса яқинлашмоқда.

Бу меҳнат ғалабалари фан, техника, маданият яна бир поғона юксакликка кўтарилганини, серкуёш республикамиз ҳаёти кундан-кун фаровон бўла бораётганини тасдиқлаб турибди. Ўзбекистон адиблари, композиторлари, рассомлари, публицистлари давр ҳақиқатини ёрқин ифодалаб берадиган, ривожланган социализм жамияти ҳаёт тарзини бадий бўёқларда барқарор этадиган ва тараннум этадиган асарлар яратмоқдалар, кўп миллатли совет адабиёти хазинасини бойитишга ҳисса қўшмоқдалар. Республикаимиз пойтахти Тошкентда «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқаро озодлиқ учун!» деган эзгу шиор остида ўтказилаётган анъанавий анжуман — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси киносанъаткорларининг VI халқаро кинофестивали муваффақиятли ўтди, халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини янада мустақкамлаш учун маънавий восита бўлди.

Бундай маънавий-маданий, ижтимоий-сиёсий воқеалар, халқимизнинг улуғ меҳнат ғалабалари ўнинчи беш йиллик ҳал қилувчи йили биринчи ярми мазмунли, самарали бўлганини яққол кўрсатмоқда. Дарҳақиқат, она-Ватанимиз, серкуёш Ўзбекистонимиз янада қамол топмоқда, янги тарихий юксакликларга кўтарилмоқда. Республикаимиз меҳнатқашлари йиллик план ва социалистик мажбуриятларни тўла-тўқис адо этиш, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездини муносиб меҳнат ғалабалари билан қутиб олиш учун коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида мардлик, фидокорлик намуналарини намойиш қилмоқдалар.

...Календарь варақлари янги туғилган кунларни ижодга, курашга сафарбар этмоқда. Бутун совет халқи, шу жумладан, совет Ўзбекистони меҳнатқашларининг ҳар куни бизни ленинча юксак мурод-мақсадимиз — коммунизм сари яқинлаштирмоқда.

Ўнинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йили биринчи даври мобайнида совет кишиларининг маънавий-сиёсий даражаси, меҳнат шижоати, мардлик матонати янада юксалди, социалистик мусобақа байроғи тагин ҳам баландроқ кўтарилди. Чирчиқдаги Капролактам ишлаб чиқариш комплексини қуриб фойдаланишга топшириш билан боғлиқ тадбирлар, бу муҳим қурилиш тақдирига масъул ишчилар, хизматчилар ўртасида олиб борилган идеологик-сиёсий ишлар кўзланган натижани бергани бунинг далилидир. Қурувчилар 80 минг тонна камёб маҳсулот — капролактам ишлаб чиқарадиган бу ноёб йншоотни яқин кунларда фойдаланишга топшириш учун ҳозирлик кўрмоқдалар. Комплекснинг ишга туширилиши Ўзбекистон саноати замона суръатига муносиб тарзда тараққий топаётганини кўрсатади.

Суратларда: 1. Комплекс — замонавий, гўзал, 2. Капролактам корхонасининг бош оператори коммунист Л. Ёкубов.

В. МОЛГАЧЕВ фотолари



# СПОРТ, ТИНЧЛИК,



Москвада

XXII

Олимпия

ўйинлари

Мирзаолим ИБРОҲИМОВ,

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети раиси

## САЛОМ, ОЛИМПИАДА!

Биз ҳаяжон билан қаршилаётган XXII Олимпия ўйинлари бошланадиган кунларга яқин қолди. Республикамиз партия, совет, касаба союзи, комсомол ва жисмоний тарбия ташкилотлари бу кунни муносиб кутиб олишга астойдил бел боғлаганлар ва улар замондошларимизнинг уйғун камол топишида жисмоний тарбия ва спортнинг муҳим аҳамият касб этишини яхши биладилар. Зотан, Олимпиада олдида қизиқ кетган ана шу тайёргарлик республикамизда оммавий жисмоний тарбия ҳаракатини бундан кейин ҳам янада юқори поғонага кўтаришга хизмат қилиши керак.

Ўзбекистон спорт республикаси сифатида йилдан-йилга шуҳрат қозонмоқда. Бунинг асосий сабаби физкультура ва спортни ривожлантириш масалалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг ҳаммиша диққат марказида бўлиб келаётган

лигидир. 1918 йилдаёқ Туркистон физкультура кенгаши тузилгани бежиз эмас. Республиканинг ҳамма катта шаҳарларида спорт тўғрақлари ташкил этилди, турли физкультура тадбирлари ўтказилди, мактабларда жисмоний тарбия таълими йўлга қўйилди. Йилдан-йилга шахсни уйғун камолга етказиш имкониятлари орта борди. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил этилган — 1924 йили мавжуд 296 спорт ташкилоти ўзида 30 мингга яқин спортчини уюштирган эди.

Ўзбекистон Компартиясининг I ва II съездлари қарорларида ишчи ва деҳқон ёшларни спортга кенг жалб этиш зарур, деб ўқтирилди. Бу эса республикамизда спортнинг янада кенг қулоқ ёйиши учун имконият яратди. Улуғ Октябрь революциясининг 10 йиллигига бағишлаб Биринчи умум Ўзбекистон спартакиадаси ўтказилди. Бир йилдан кейин эса Ўзбекистон спортчилари делега-

цияси СССР халқларининг Биринчи спартакиадасида қатнашиб, Закавказье Совет Федератив Социалистик Республикаси билан биргаликда тўртинчи, бешинчи ўринларни эгаллади.

Йиллар ўтди. Совет Ўзбекистони спорт соҳасида катта муваффақиятларни қўлга киритди. Ҳозир республикамиздаги спортчиларнинг умумий сони 2 миллион 700 мингдан кўпроқни ташкил этади, замонавий жиҳозланган спорт базалари ана шу спортчилар ихтиёридадир. Республикамизда биргина 1979 йилда 1 миллион 439 минг ГТО нишондори, 600 СССР спорт мастери, 3 минг спорт мастерлигига кандидат, 27 халқаро миқёсдаги спорт мастери тайёрланди. Кейинги йилларда Ўзбекистон спортчилари халқаро ва Бутуниттифоқ мусобақаларда 127 медални, шу жумладан, 62 олтин медални қўлга киритдилар. СССР халқларининг VII спартакиадасида республикамиз спортчилари умумкоманда ҳисобида

## ТОТУВЛИК АНЖУМАНИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
ойлик ижтимоий-сиёсий,  
адабий-бадний журнали



№ 6 (364)

Июнь

1980

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий  
Комитетининг нашриёти

1971 йилнинг ноябрида Швейцариянинг Лозанна шаҳридаги Халқаро олимпия комитети секретариатига Москва шаҳар меҳнаткашлар депутатлари Совети расмий мактуб йўллади. Мактубда, жумладан, шундай дейилган эди: «Москва аҳолисининг давлатимиз пойтахти Олимпия ўйинларининг ташкилотчи шахри бўлсин, деб билдирган самимий истагини эътиборга олган ҳолда ва замонавий олимпия ҳаракати тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Москва шаҳар меҳнаткашлар депутатлари Совети 1980 йилнинг XXII Олимпия ўйинларини Москва шаҳрида ўтказишни расмий равишда таклиф қилиш шарафига ноилдир. Шаҳар Совети спорт ўйинларини муваффақиятли ўтказиш, шунингдек, қатнашчилар, расмий шахслар ва меҳмонларни кутиб олиш учун нимаки зарур бўлса, барчасини ташкил қилишни ўз зиммасига олади».

Масала узоқ ва ҳар тарафлама пухта ўрганиб чиқилгач, Халқаро олимпия комитетининг 1974 йил октябрида Вена шаҳрида бўлиб ўтган 75-сессияси олимпия ўйинларини ташкил этиш ҳуқуқини дунёда биринчи социалистик давлатнинг пойтахти — Москвага беришга қарор қилди. Бу қарор ўзида Халқаро олимпия комитетининг тинчлик ва халқлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига шу қадар кўп ҳисса қўшган совет кишилари, совет жамоатчилиги Олимпия ўйинларини юксак савияда ташкил этиб, намунали ўтказадилар, деган ишончини ифода этди. Иккинчи томондан эса, бу қарор Совет Иттифоқида совет кишилари турмуш тарзининг узвий қисмига айланган спорт ва жисмоний тарбия фоят оммавий тус олиб кетганлигининг эътирофи этилишидир. Дарҳақиқат, мамлакатимизда ҳозирги пайтда оммавий машқларга мўлжалланган

спорт иншоотига эга бўлмаган бирон шаҳар ёки посёлка, колхоз ёки совхозни топиш қийин. Худди шунинг учун ҳам бугунги кунда совет спорти жаҳонда энг илғор мавқени эгаллаб турибди.

Совет кишилари, мамлакатимиз спорт жамоатчилиги Халқаро олимпия комитети қарорини мамнуният билан қарши олдилар ва сидқидилдан ишга киришдилар. 1980 йил ёзги Олимпия ўйинларини ўтказиш билан боғлиқ барча масалалар изчил ва пухта ҳал қилинди. Олимпия шаҳарчаси бунёд этилди. Жаҳондаги энг йирик Олимпия шаҳарчаларидан ҳисобланган бу комплекснинг умумий қурилиш майдони 107 гектардан иборат. Янги стадионлар, дунёда биринчи усти ёпиқ велосипед пойга майдони, кураш тушиладиган заллар, олимпиада қатнашчилари ва меҳмонлар учун меҳмонхоналар ҳамда маданий марказлар қад кўтарди. Москва, илгари олимпия ўйинлари ўтказилган бошқа шаҳарлардан фарқли ўлароқ Олимпиадага тайёргарлик ишлари қандай бораётганлигидан жаҳон жамоатчилигини мунтазам равишда хабардор қилиб борди, Халқаро олимпия комитети вакилларининг истак ва таклифларини хайрихоҳлик билан инобатга олди. Олимпия ўйинлари бошланишидан икки ярим ой илгари Москва XXII Олимпиадага тайёр эканлигини маълум қилди. Совет кишиларининг меҳмондўстлиги ва хайрихоҳлиги, Москва ўйинлари замонамиз олимпия ҳаракатида олға ташланган янги қадам бўлиши учун нимаки лозим бўлса, муҳайё этишга ҳаммиша тайёр эканликлари ўйинлар муваффақиятли ўтишига жаҳон жамоатчилигида тўла ишонч туғдирди. Олимпиадада қатнашиш истагини билдириш мuddатидан анча илгариёқ 105 миллий олимпия комитети ўйинларда иштирок этиш хоҳишини маълум қилди.



# ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

еттинчи ўринни эгалладилар, ҳолбуки, бундан аввалги спартакиадада тўққизинчи ўрин билан кифояланган эдик. Айни бир вақтда кечган XII спартакиада финал ўйинлари ва СССР чемпионатидан 19 олтин, 7 кумуш, 27 бронза медал билан қайтиди. Тошкентлик ёнандоз Наталья Бутузова СССР халқлари VII спартакиадасининг чинакам қаҳрамонига айланди: унинг муваффақиятлари 5 олтин медал билан тақдирланди. Мамажон Исмоилов, Валерий Дворянинов, Николай Норкин каби уч кураш чавандозлари, курашчи Комил Фатхуллин ҳам ўз соҳаларида энг юксак натижага эришдилар.

Республикамизнинг халқаро спорт алоқалари тобора мустаҳкамланмоқда, тараққий топтомоқда. Ҳозир Ўзбекистон жаҳондаги 62 мамлакат билан спорт алоқасига эгадир.

Дарҳақиқат, спорт халқимизнинг умумий бойлигига айланди. Қишлоқларимизни мисолга олайлик: бу ерда замонавий турар жойлар, маданият уйлари билан бирга спорт иншоотлари ҳам кундан-кунга кўпаймоқда. Қишлоқ спортчиларини бирлаштирган кўнгилли «Пахтакор» жамияти сафлари муттасил равишда тўлиб бормоқда. Ҳозир бу жамиятнинг 580 мингдан кўпроқ аъзоси бор. Утган йилнинг ўзидаёқ қишлоқларимиздан 50 СССР спорт мастери етишиб чиқди. Айтиш мумкинки, республикамиздаги ҳар бир район ўз спорт аъзоларига эга. Биргина Қашқадарё область Китоб райони жаҳон чемпиони Сайфиддин Ҳодиев, СССР чемпиони Хушвақт Рўзиқулов, СССР

свориндори Нормамат Йўлдошев, Ўзбекистоннинг олти марта чемпиони Риза Фозилов каби полвонларни камолга етказдики, биз бундан фахрланамиз.

Республикамизда кураш, чавандозлик, ёнандозликни тараққий эттиришга катта эътибор берилмоқда. Шунинг учун спортнинг ниҳоятда оммавийлашиб кетган бу миллий турлари билан 100 мингдан ортиқроқ спортчи шуғулланмоқда. Кураш Ўзбекистон спартакиадаси программасига киритилган, кураш бўйича УЗССР спорт мастери унвони таъсис этилган. Ҳосил байрамлари ва халқ сайилларида кураш, пойга фойза киритилмоқда. Бундан бир неча йил олдин спортнинг яна бир қадимий турини ёшарттирдик: қизларимиз чим устида чавгон билан шуғуллана бошладилар.

Андижонда Совет Иттифоқида дастлабки хотин-қизлар хоккей командаси—«Андижанка» тузилди. Бу команда Иттифоқ ва халқаро миқёсдаги бир қанча учрашувларда муваффақият қозонди, СССРнинг тўнғич чемпиони бўлди. Яқинда Европа чемпионатида Англия, Франция командалари билан куч синашди.

Баҳор ва ёз фаслининг дам олиш кунларида кўпчилик шаҳардан ташқарига, яъни санаторий, дам олиш уйлари ва пансионатларга ошиқади. Шунинг учун оммавий дам олиш манзилгоҳларини, истироҳат боғларини жисмоний чиниқиш марказига айлантириш ҳар томонлама муҳимдир. Меҳнаткашларнинг оммавий дам олиш зоналарини яратиш соҳасида Наманган область партия ко-

митети тўплаган иш тажрибаси диққатга сазовор. Партия, совет, жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этиш бўйича область комиссияси ўтган йилнинг фақат ёзги икки ойи мобайнида ярим миллиондан ортиқ кишининг дам олишига имконият яратдилар.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, республикамизда муайян олимпия аъзолари таркиб топди. Совет спортчилари илк марта 1952 йили Хельсинки олимпия ўйинларида иштирок этган эдилар. СССР терма командаси составида Ўзбекистон вакиласи Г. Шамрай ҳам бор эди. У гимнастика бўйича чемпиони бўлди. Кейинчалик сузувчилар—С. Конев, Н. Устинова, С. Бабанина, энгил атлетикачи В. Баллод, волейболчи В. Дуюнова, курашчи Р. Казак ўз маҳоратларини ёрқин намойиш қилдилар. Бабанина ва Устинова Токио олимпиядасида бронза медал билан қайтидилар. Тўрт йилдан кейин эса Дуюнова Мехикодан олтин медал олиб келди. 1972 йил Мюнхен олимпиядасида Ўзбекистон спортчилари ниҳоятда зўр муваффақият қозондилар. Уч вакиламиз—гимнастикани Эльвира Саъдий, волейболчи Вера Дуюнова, курашчи Рустам Казак олимпияда чемпионлари бўлдилар. Монреалдаги олимпия ўйинларида боксчимиз Руфъат Рисқиев кумуш, футболчимиз Владимир Федоров бронза медал билан тақдирландилар.

Ҳозир Ўзбекистонда спортнинг ҳамма олимпияда турлари оммалашмоқда. Бунинг учун биз қардош рес-

публикалардаги, айниқса, РСФСРдаги дўстларимизга ташаккур айтаемиз, чунки улар ўзбекистонлик спортчиларга ҳар томонлама, сидқидилдан ёрдам кўрсатмоқдалар. Совет Иттифоқи терма олимпиада командаси шубҳасиз қозонажак ғалабалар бутун дунёга бу йил Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 63 йиллигини нишонлайдиган Советлар мамлакатининг мислсиз камолотини, қардош совет республикалари социалистик экономикаси, маданияти, илм-фани умумий даражасининг юксаклигини намойиш этади.

Москвада ўтадиган XXII Олимпия ўйинлари тарихга тинчлик, дўстлик, спортнинг буюк байрами бўлиб киради. Ўзбекистоннинг таниқли спортчилари, уларнинг устодлари сайёрамиз ёшларининг бу улғу анжуманида муваффақият қозониш, ўз олимпия аъзоларини бойитиш йўлида бор куч-ғайратларини аямайдилар. Юртимиз спорти байроғини баланд кўтариб, мамлакатимиз спорти довуғини оламга таратишда муносиб ҳисса қўшадилар, деб айташга тўла асосимиз бор. Бир ғайратига ўн ғайрат қўшилган спортчиларимиз чин кўнгишдан хитоб қиладилар:

«Салом, орзиқиб қутилган Москва олимпия ўйинлари!

Сен жаҳон ёшлари онги ва қалбига эзгулик, биродарлик тимсоли бўлиб кирасан, совуқ уруш тарафдорларига миллион-миллион тинчликсевар кишилар бирликда берган қашатқич зарба ўлароқ, тинчликни барқарор этишга хизмат қиласан. Биз бунга аминимиз!»

Олимпия ўйинлари—давримизнинг энг йирик спорт мусобақаларидир. Лекин олимпиада тарихи фоят узоқ: Уйинлар эрамиздан аввалги 776 йилдан бошлаб ўтказила бошланган. Қадимги атлетлар спорт мусобақаларида жами 293 марта учрашганлар. Олимпия ўйинлари эрамизнинг IV асригача давом этиб келган. Уйинлар Алфей дарёси қирғоғида, юнонларнинг Олимпия шаҳрида ўтказилган. Шаҳар стадиони 50 минг томошабинни ўз бағрига сиғдирган. Дастлаб Уйинлар бир стадийга югуришдан иборат бўлган. (Бир стадий 192,27 метрга тенг. «Стадион» сўзи ҳам шундан келиб чиққан). Кейинчалик икки стадийга югуриш, кураш, беш кураш, мушглашиш, арава пойгаси қўшилиди. Олимпия ўйинларининг юксак чўққисига кўтарилган давр эрамиздан илгариги V асрга тўғри келади. Тарихдан маълумки, бу даврда юнон шаҳар-давлатлари истилочиларга қарши аёвсиз кураш олиб борган эди.

XIX аср охирида пайдо бўлган замонавий олимпия ўйинлари асосчиси машҳур француз педагоги ва жамоат арбоби, олижаноб инсон Пьер де Кубертэндир. У Олимпия ўйинлари моҳиятини ифодалаб: «Спорт, сен—тинчликсан», деб ёзди.

Уйинлар 1896 йилдан бошлаб ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиб келинмоқда. Мабодо бирор сабаб билан олимпиада ўтказилмай қолган тақдирда ҳам (1916, 1940, 1944 йиллардаги каби) тўрт йиллик муддат эътибордан соқит қилинмайди.

Ёзги Олимпия ўйинлари программасидан баскетбол, бокс, эркин ва классик кураш, велосипед спорти, волейбол, гимнастика, академик эшак эшиш, байдарка ва каноэда эшак эшиш, дзю-до, от спорти, энгил атлетика, елканли қайиқ спорти, сузиш, сувга сакраш, сув тўпи, қўл тўпи, замонавий беш кураш, ўқ узиш, стенда ўқ узиш, ёнандозлик, оғир атлетика, қиличбозлик, футбол, чим устида хоккей ўрин олган. Замонавий олимпия ўйинлари, Кубертэн сўзлари билан айтганда, башариятга «қозондик, тинч мусобақа ва жисмоний баркамоллик руҳини» сингдириш, халқларни маданий ҳамкорликка даъват этиши керак. Қадимда олимпия ўйинлари ўтказилаётган кунларда ҳар қандай уруш ва низолар тўхташилган, Уйинларнинг ўзи эса, тинчлик ва халқлар дўстлиги рамзи деб қаралган. Бизнинг кунларимизда эса олимпиаданинг аҳамияти яна ҳам бекиёсдир. Не-

гаки, олимпия ўйинлари муносабати билан олимпиада иштирокчиси бўлмиш ҳар бир мамлакат ўз спортчиларининг кучи, жасурлиги, матонатини кўрсатибгина қолмай, балки ўзи мансуб бўлган жамият эришган муваффақиятларни ҳам намойиш қилади.

Бизнинг мамлакатимизда Олимпия комитети 1951 йили ташкил топди ва ўша йили Халқаро олимпия комитети томонидан тан олинди. Шундан буён совет спорт ташкилотлари олимпия ҳаракати тараққийетиға салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар. Ватанимиз спортчилари турли халқлар ўртасида чинакам ўзаро ҳамжиҳатлик ва дўстлик руҳини барпо этиш йўлида куч-ғайрат сарфламоқдалар. Хельсинки, Мельбурн, Рим, Токио, Мехико, Мюнхен, Монреалда ўтказилган олимпия ўйинларида совет спортчилари юксак маҳорат намуналарини кўрсатиб, спорт ўйинлари натижаларининг умумий даражасини юксалтиришга катта ҳисса қўшдилар. Бизнинг спортчиларимиз олимпия мусобақаларига ўртоқлик, ҳалол спорт кураши, рақибларга эҳтиром руҳини бахш этдилар. Шу сабабли бутун дунё спортчилари Москвада ўтказиладиган XXII Олимпиадада иштирок этишга яқдиллик билан интиломоқдалар.

Олимпия хартиясида белгиланганидек, олимпия ҳаракатининг мақсади «ёшларни спорт воситасида энг яхши ҳамжиҳатлик ва дўстлик, дунёда энг яхши ва нисбатан тинчлик муҳити барпо этишга имконият яратиш ҳамда халқлар ўртасида ўзаро ҳурмат-эҳтиром вужудга келтириш учун олимпия принципларини жаҳон бўйлаб ёйишга интилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир. Шунинг эслатиб ўтиш жоизки, олимпия ўйинларини ўтказиш ҳуқуқи мамлакатга ҳам, давлатга ҳам берилмайди, бундай ҳуқуқни қўлга киритишга фақат шаҳарларгина ҳақли. Олимпия ҳаракати мустақил ва ўз вазифалари доирасида автономдир. Бу ҳаракатнинг олий органи Халқаро олимпия комитети бўлиб, олимпия ўйинлари ўтказиш билан боғлиқ барча ҳуқуқлар ҳам унинг ихтиёрида.

Олимпия ҳаракатининг инсоний принциплари давлатлар ва халқлар ўртасидаги замонавий муносабатларнинг асосий принциплари билан тўла равишда мосдир. Зотан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави давлатларни яхши қўшнардек тинч-тотувликда яшашга чақиради.

Хельсинки Кенгашининг якуновчи ҳужжатида спорт соҳасидаги мавжуд алоқалар ва ҳамкорлик-

ни кенгайтириш мақсадида давлатлар тегишли алоқалар ва мулоқотларни рағбатлантиражаклари қайд этилган. Бунга умумий халқаро қондалар асосида ўтказиладиган спорт учрашувлари ва мусобақаларининг барча турлари ҳам қиради.

1978 йили ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган Халқаро жисмоний тарбия ва спорт хартиясида жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шуғулланиш ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқи сифатида таърифланади ва барча давлатлар бу соҳада мутлақо беғараз туйғулардан озиқланадиган ҳамкорликни кенгайтиришга даъват этилади. Хартияда, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт халқларни, айни пайтда айрим шахсларни ўзаро яқинлаштириш, одамларни бир-бирининг қадрига етиш, бир-бирини тушуниш ва ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш борасида муайян таъсир кўрсатиши зарур, деб ўқтирилади. Жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилган ва замонавий олимпия ҳаракати асосини ташкил қилган ана шундай инсоний ақидаларга эид ўлароқ Ж. Картер бошлиқ АҚШ ҳукумати тутган позиция ҳақли равишда барча соф виждонли кишиларда қаттиқ норозилик уйғотди.

Бир йилдан зиёдроқ вақт давомида Оқ уй замонавий олимпия ҳаракатиға қарши очиқдан-очиқ жанг олиб бормоқда ва Москвада ўтказиладиган XXII Олимпия ўйинларини қандай йўл билан бўлмасин барбод қилишга уринмоқда. Бу билан АҚШ маъмурлари жаҳон жамоатчилиги кўзи олдида ўз обрўини тўқмоқдалар. Маълумки, АҚШ спортчиларининг олимпия ўйинларида иштирок этиш-этимаслиги масаласи 1950 йил 21 сентябрь қонунинда белгиланган. АҚШ Конгресси 1978 йилнинг 8 ноябрида ҳаваскорлик спорти тўғрисида қонун қабул қилди. Мазкур қонуннинг 104-модда, 3-параграфига мувофиқ АҚШнинг Олимпия ва Америка мамлакатлари ўйинларида қатнашишга дахлдор барча масалаларда бошқа бирон ташкилот эмас, балки АҚШ Олимпия комитети мутлоқ ваколатларга эгадир. Бошқача айтганда, АҚШ қонунчилиги ҳам олимпия ҳаракатининг сиёсатдан ташқари, мустақил характерга эга эканидан келиб чиқади. Шу йилнинг 12 апрелида Оқ уйнинг тазйиқи ва дўқ-пўписалари оқибатида АҚШ Миллий олимпия комитетининг Москва Олимпиадасига ўз спортчиларини юбормаслик тўғрисидаги қарори олимпия ҳаракатида мисли кўрилмаган шармандали воқеа бўлди. Гарчи жа-



## ЗАФАР

Бу йил совет фазогири Космонавтика кунини Ер атрофи орбитасида кўтиб олди. Космонавтикамизнинг шонли тарихи яна янги бир саҳифа билан бойиди. Тўққизинчи апрелда «Союз-35» космик кемасида икки совет граждани — кема командири подполковник Леонид Иванович Попов ва борт-инженер, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси Валерий Викторович Рюмин фазога парвоз қилдилар. Учиш программасида «Союз-5» кемасини «Салют-6» — «Прогресс-8» орбитал комплекси билан туташтириш, орбитал комплекс ичида зарур профилактика ва ремонт-тиклаш ишларини бажариш, илмий-техника экспериментларини давом эттириш, ернинг табиий ресурсларини ўрганиш ва ер атрофи космик фазосида медицина-биологик тадқиқотлар ўтказиш кўзда тутилган.

Парвознинг иккинчи куниде «Союз-35» космик кемаси орбитадаги «Салют-6» — «Прогресс-8» комплекси билан туташтирилди. Космонавтлар одам бошқарадиган «Салют-6» — «Союз-35» — «Прогресс-8» илмий-тадқиқот комплексиде иш бошладилар. Экипаж учиш программасига мувофиқ турли тадқиқот ва экспериментларни ўтказишга киришди. Айниқса, космонавтларнинг ернинг табиат бойликларини тадқиқ этиш ва атроф муҳитни ўрганишга кенг ўрин бериб, океанологлар, ўрмон ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг топшириқларига биноан ер юзи ҳамда жаҳон океани акваториясини визуал кузатиб бораётган-



Кема командири Леонид Иванович Попов.



Борт-инженер, СССР космонавт-учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Валерий Викторович Рюмин.

ликлари ғоят муҳим амалий аҳамиятга эгадир. «Прогресс-8» юк кемаси билан бажариладиган ишлар тугагандан сўнг 27 апрелда «Прогресс-9» автомат юк транспорт кемаси учирилди ва икки кундан кейин «Салют-6» — «Союз-35» орбитал

комплекси билан туташтирилди. Бу кема сарфланаётган материалларни ва турли юкларни «Салют-6» орбитал илмий станциясига етказиб берди. Учиш программаси муваффақиятли адо этилмақда.

ноб Картер «инсон ҳуқуқлари» тўғрисида сафсата сотишни жуда хуш кўрса-да, у Инсон ҳуқуқлари умумдекларациясини, Америка граждандарининг шахсий эркинлигини гарантияловчи АҚШ Конституциясига киритилган бешинчи тузатишни поймол қилди. Оқ уйнинг Москва Олимпия ўйинларига нисбатан тутган позицияси мавжуд халқаро мулоқотлар қоидаларини, шунингдек, АҚШ қонунчилиги нормаларини қўпол тарзда бузиш, деб баҳоланмоқда. Ҳар қандай ҳуқуқий асослардан маҳрум, халқлар манфаатларига зид бу позиция халқаро муносабатларнинг нормал тараққиёти учун жиддий хавф туғдиради.

Жаноб Картер Москва Олимпиадасига қарши уюштираётган юришнинг туб сабаблари нима-

1500 метрлик масофага югуриш бўйича донги чиққан енгил атлетикачи С. Улмасова (ўнгдан биринчи) олимпия мусобақаларида пешқадамликни қўлдан бермаслик учун тинимсиз машқларда ўзини чиниқтирмоқда.



да? Бу сабаблар турли-туман ва уларни бир қарашда аниқлаш ҳам қийин.

Маълумки, XX асрнинг 70-йиллари тарихга халқаро кескинликни юмшатиш ва тинч-тотув яшаш принциплари асосида халқлар ҳамда мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорликларини ривожлантириш йиллари бўлиб кирди. Сайёрамизнинг софниятли кишилари жаҳонда юз берган хайрли ўзгаришлар тўғрисида фикр юритар эканлар, СССР ва бошқа социализм мамлакатларининг юрифтаётган принципа, изчил ташқи сиёсатини эҳтиром билан тан олмоқдалар. Улар халқаро муносабатлар борасидаги ижобий силжишларни қонуний тарзда жаҳон сиёсий климинин соғломлаштиришда пойдевор бўлиб қолган Советларнинг Тинчлик программаси билан боғламоқдалар.

Бироқ тинчлик империалистлар ва уларнинг ҳокимият тепасида туриб ҳарбий-саноат доираларининг хоҳиши билан иш кўраётган содиқ малайларини қаноатлантирмаётир. Шу туфайли 70-йиллар охири ва 80-йиллар арафасида жаноб картерлар, бжезунскийлар ва бошқалар халқаро майдондаги ютуқлари ҳамда ютқиқларини ҳисоб-китоб қилиб, асаблари бўшашиб қолган кишилари шаллақиларча гангитиб, «совет хавфи» деган уйдирма билан кўрқитишга қарор бердилар. Улар совет-америка муносабатларига жиддий путур етказдилар, озод Эрон соҳилларида қилич яланғочлаб изғий бошладилар, Афғонистоннинг ички ишларига фаол аралашига қизғин киришдилар, Вашингтон — Пекин — Токио антикоммунистик иттифоқи тузишга бел боғладилар. Империалистларнинг малайлари Америка халқини чалғитиш ниятида «совет хавфи» деган тутуриқсиз уйдирмани ўйлаб чиқариб, тарғибот-ташвиқотни авж олдириб юбордилар, СССР замонавий қурол-яроғлар борасида устулик қилмоқда, биз ортда қолмаслигимиз керак, бинобарин, қуролланиш янада кучайтирилиши даркор, деб жар солмоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси маълум мақсад билан амалга оширилмоқда. АҚШда сайлов олди кампанияси қизиб кетган бир пайтда ҳарбий-саноат корчалонлари жаноб Картерни Оқ уйда яна тўрт йил муддатга сақлаб қолиш учун тиш-тирноқлари билан уринмоқдалар. Чунки Картер барча аввалги сайлов олди ваъдаларини унутиб, АҚШ иштаҳаси карнай ҳарбий доираларининг нафсини қондириш учун қўлидан келган ҳаракатини аямади. Сайловчилар Картердан ҳисобот беришни талаб этмасликлари учун эса, уларни ҳарбий сарф-харажатларнинг ўсиб кетганлиги, пулнинг

қадрсизланиши, ишсизлик, Америка жамиятидаги ижтимоий ва маънавий йўқотишларнинг барчасига «совет хавфи» сабаб деб чалғитмоқдалар, бирдан-бир нажот йўли — белни маҳкам боғлаб, «ватанпарвар» жаноб Картер кетидан эргаштирдир, деб уқтирмоқдалар. Шу билан бирга улар АҚШ иттифоқчилари тарафидан жаноб Картер шаънига айтилаётган танқидий фикрларни, СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан Вашингтон муносабатлари ёмонлашаётганидан иттифоқчилар норози эканликларини, «совуқ уруш» хандақларига қайтишни қўмсаётганликларини америкаликлардан яширмоқдалар. Айни пайтда уларга халқаро ҳамжиҳатликда ўз ўрнини сақлаб қолишни хоҳлаган бирон мамлакат амалда Москва Олимпиадасини бойкот қилишни қўллаб-қувватламаганини ҳам билдирмаётдилар.

Кўриниб турибдики, АҚШнинг ички сиёсатинга эмас, балки ташқи сиёсати ҳам инқирозга юз тутмоқда. Картер сиёсатининг тутуриқсизлиги ҳатто АҚШнинг энг содиқ иттифоқчиларини ҳам довдиратиб қўйди ва ўз навбатида улар Вашингтон юрифтаётган сиёсатга ишонсизлик билан қарай бошладилар.

Жаноб Картернинг сиёсатдан ташқари ҳодиса — Москва Олимпиадасини сиёсий чайқовчилик майдонига айлантириш ниятида кўрсатаётган найрангбозлиги жаҳон жамоатчилигини чалғита олмайди. Халқаро олимпия комитети XXII Олимпия ўйинларини Москвада ўтказиш тўғрисидаги қарорини тасдиқлади ва барча миллий олимпия комитетларини иғволарга учмасликка, дўқ-пўписалардан чўчимасликка чақирди.

Уртоқ Леонид Ильич Брежнев СССР халқларининг VII ёзги спартакиадаси қатнашчиларига мурожаат этар экан, шундай деб ёзган эди: «Олимпия спорт ҳаракати олға сурган биродарлик, дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик идеаллари ҳаммаша турли мамлакатлар спортчилари учрашувлари муҳитини белгилловчи омиллар бўлиб қолишини истардим». Бу ҳаққоний сўзларни совет спортчилари дастуриламал деб қабул қиладилар.

1980 йилнинг 19 июлида Ватанимиз пойтахтида фанфаралар садоси остида XXII Олимпия ўйинларининг байроғи кўтарилади. Москва олимпиадаси — халқларнинг тотувлик анжумани, олимпия ҳаракатини янада мустаҳкамлаш, бутун жаҳон ёшларининг дўстлигини тараққий топтириш шиори остида ўтади, замонамиз спорт ҳаракати тарихида янги, ёрқин саҳифа бўлиб қолади.



Шундай дақиқалар бўладики, улар муайян спортчи ёки бутун бир команда тақдирини ҳал қилади. Аёллар ўртасида чим устида хоккей бўйича Совет Иттифоқи биринчи чемпионатининг якунловчи ўйинларини эсланг. Ушанда икки етакчи команда — «Андижанка» ва «Спартак» мусобақалашмоқда эди. Ҳар икки команда ҳам финалга қадар олтин медаль учун кураш ҳуқуқини қўлга киритган эди. Мутахассислар ва бошқа командаларнинг тренерлари мамлакат чемпионатининг ҳал қилувчи ўйинларида айнан Андижон ва Подмосковье командалари учрашадилар, деган фикрда яқдил эдилар. Шундай бўлиб чиқди. Ўйин жуда қизиқарли ва шиддатли ўтди. Лекин ҳеч қайси команданинг қўли баланд келмади. Ўйин дуранг билан тугади: 1:1. Бироқ финал ўйинлар низоми дурангни тан олмайди. Ҳар бири ўн минутдан қўшимча икки тайм белгилади. Кураш янада қизиди. Ўйин тугашига уч минут қолганда, андижонликлар бурчакдан тўп уриш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Ҳамма ўз ўрнини эгаллади. Алина Ҳам тўпни бурчакдан урадиган бўлди, Лайло Аҳмарова, Светлана Рассолова, Мухаббат Ҳайдарова тўпни қабул қилишга шай эдилар... Тўп худди сеҳр-



Чим чавғони бўйича СССРнинг биринчи чемпиони «Андижанка» командаси састави. Команданинг олти чавғончи қизи Олимпия ўйинларида қатнашади.

## ҒАЛАБАГА УЧ МИНУТ ҚОЛГАНДА...

лангандек Рассолованинг чавғонига келиб тушди. Светлана эса уни дарвозага аниқ йўналтирди. Шу тўп андижонлик қизларга олтин медални олиб берди. Лекин ғалабани таъминлаган шу дақиқани — ўша мураккаб ва ижодий вазиятни унинг иштирокчилари, команда мураббийси — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер Мирон Дмитриевич Ким қандай шарҳлайдилар? Уларга сўз беремиз.

**Алина Ҳам:** — Ўша дақиқаларда дугоналаримга синчковлик билан разм солганим йўқ, зеро, ҳамма ўз жойида эканига ишончим комил эди. Орадан бир дақиқа ўтди: мен узатган тўпни Светлана Рассолова ўз измига олди. Бу эса ғалаба эди...

**Эльвира Орифжонова:** — Бу нақд имкониятни қўлдан бой беришга ҳаққимиз йўқ эди. Чунки чим устида хоккей ўйинида бурчакдан

урилган тўп ғалаба келтириши шарт. Света хатога йўл қўймади — гангиб қолмади. Қойил!

**Мухаббат Ҳайдарова:** — Биласизми, ҳеч нарса ёдимда йўқ, тўп дарвозага кирганини кўрдиму ҳаприқиб кетдим: «Енгдик!», дедим...

**Валентина Заздравних:** — Мен Лайлонинг ортида эдим. Тўп узатилгач, чавғон билан Света томонга туртиб юбордим, у эса нишонга бехато урди.

**Светлана Рассолова:** — Рости, ўша дақиқаларда вазиятни таҳлил этишга фурсатим йўқ эди. Тўп тўғри менга қараб келаётганини сездим, бошқа ҳеч нарсани ўйлаганим ҳам, кўрганим ҳам йўқ. Назаримда, тўпни менга Валя узатгандай бўлди. Меч дарвозани нишонга олдим, лекин илк дақиқаларда мўлжалга урган-урмаганимни билмадим.

Бирдан қизлар мени қучоқлаб ўпа кетдилар. Биз ғалаба қилган эдик!


**Лайло Аҳмарова** — команда капитани: — Мирон Дмитриевич капитан ҳар қандай шароитда ҳам эсҳушини йўқотмаслиги ва бутун ўйин измида бўлиши керак, деб таъкидлайди. Алина тўпни йўналтиришидан аввал биз ўринларимизни тўғри белгилади. Бироқ... Алина узатган тўпни Эльвира Орифжонова тўхтатиб қолиши керак эди, лекин у бундай қилолмади. Тўп Валя яқинида пайдо бўлди, лекин унинг ўзи дарвозани нишонга олиши қийин эди. Шунда Валя ягона ва энг зарурий чорани қўллади: тўпни Рассоловага ошириб берди. Қулай вазиятда турган Света эса имкониятни бой бермади, вассалом.

«Андижанка» командасининг катта тренери **Мирон Ким**:

— Умуман олганда, Лайло вазиятни тўғри баҳолади. Қизлар тўпни Валяга қадар тўхтатиб қолишлари керак эди. Аммо, биласизми, классик вазиятларни машғулот пайтларидагина юзага келтириш осон, бундай ўйинда, асаблар таранглашган бир вазиятда... нимасини айтасиз. Лекин Валя тўпни тўғри йўналтирди, бу эса ғалабани таъминлади. Чингизкамига қувониш учун ҳали эрта эди, яъни ўйин тугашига яна уч минут бор эди. Бундай жиддий рақиблар уч минутда ўйин тақдирини ўзгартириб юборишлари ҳеч гап эмас. Лекин қизларимиз бардош бердилар, уларни энгил мумкин бўлмади. СССР терма командаси саставида «Андижанка» қизлари Москвада ўтадиган XXII Олимпия ўйинларида ўз маҳоратларини тўла номоён этадилар, деб ишонтирамиз.



Ёйандозлик бўйича халқаро классдаги спорт мастери **Н. Бутузова** СССР Олимпия терма командасига номзоддир.



Комил Фатхуллин СССР терма командаси саставида Олимпия ўйинларида эркин кураш бўйича куч синашади.



400 метрлик тўсиқли масофага югуриш бўйича спорт мастери, энгил атлетикачи юртдошимиз **А. Харлов** Олимпия ўйинларида республикамиз спорт шарафи учун курашади.





**М у х б и р:** Халқаро велосипед спорти иттифоқи биринчи семинарининг мақсади ва вазифалари ҳақида сўзлаб берсангиз. Унинг Тошкентда ўтказилгани ва натижаларидан мамнунмисиз?

**М. Екель:** Бундан икки йил аввал Халқаро велосипед спорти иттифоқи миллий комиссарлар — ҳакамлар тайёрлаш ҳақида қарор қабул қилган эди. Совет Федерацияси вакиллари биринчи семинарни Ўзбекистон пойтахтида ўтказишни таклиф этдилар. Тошкент бўлажак анжуман учун ниҳоятда муносиб жой деб ўқидилар. Мен шунини мамнуният билан эътироф этишим лозимки, совет вакиллари тақлифини инобатга олиб, жуда тўғри қилган эканмиз. Тошкент таърифдан таш-

# МОСКВА ОЛИМПИАДАСИНИ КУТМОҚДАМИЗ

*Халқаро велосипед спорти иттифоқи бош секретари М. Екель (Швейцария) ва иттифоқ секретари Ж. Фабри (Бельгия) билан суҳбат*

қари гўзал. Семинар аъло даражада ўтди. Биз серқуёш республикангизнинг кўпгина шаҳарларида бўлдик. Диёрингиз ниҳоятда ажойиб! Ўзбекистоннинг ютуқларини кўриб, чин кўнгилдан қувондик. Биз яна шунга ҳам амин бўлдикки, умуман, спорт, жумладан, велосипед спорти Ўзбекистонда яхши тараққий этмоқда.

**Ж. Фабри:** Тошкент семинари дўстона руҳда, амалий тарзда кечди ва гоёта самарали бўлди. Бизнинг иттифоқимиз ҳамisha дўстликни, ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб келди ва ҳаракат қилмоқда. Шу жиҳатдан, Тошкент семинари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**М у х б и р:** Сизлар Москвада XXII олимпиада объектлари билан танишдингиз. Шу тўғридаги ўз фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашсангиз.

**М. Екель:** Мен СССР халқлари VII ёзги спартакиадаси кунларида «Олимпиада — 80» ташкилот комитети меҳмони бўлган эдим. Москва XXII олимпия ўйинларига сидқиқидан тайёрланмоқда. Албатта, мени энг аввало велосипедчилар мусобақаси ўтайдиган объектлар қизиқтирди. Янги, ёпиқ велосипед пойга майдони кишини ҳайратга солади. Бу мислсиз

иншоот ягона ички таянчсиз қурилган. Бундай ёпиқ велосипед пойга майдони бошқа ҳеч қаерда йўқ. Олимпиада объектларининг ҳаммаси ҳам ана шундай ажойиб бўлишига аминман.

**М у х б и р:** Маълумки, Халқаро олимпия комитети, миллий олимпия комитетлари, халқаро спорт федерацияларининг аксарияти Москвада ўтайдиган XXII олимпия ўйинларида қатнашиш фикрида собитдирлар. Улар совет пойтахтида кечадиган олимпиадани барбод қилиш йўлидаги уринишларни қаттиқ қораламоқдалар. Шу масалага Халқаро велосипед спорти иттифоқи, шахсан Сизнинг муносабатингиз қандай?

**М. Екель:** Халқаро велосипед спорти иттифоқи ўзининг Цюрихда ўтган мажлисида халқаро федерациялар орасида биринчилардан бўлиб Москва олимпиадасини тўлатуқис қўллаб-қувватлаш ҳақида декларация қабул қилди. Назаримда, бу бизнинг муносабатимизни бешарҳ ҳам равшан ифодалаб беради. Картер қўлидан келмайдиган ишга уннад, деб ўйлайман. Халқаро спорт ташкилотларининг сафлари етарли даражада жипс, уни кимдир тумтара-



қай қилиб юбора олмайди. Олимпия ҳаракатлари янада кенгайиши, мустаҳкамланиши мумкин ва зарур. Бутун дунё спортчилари, соф ниятли одамлар шунини орзу қиладилар. Биз Москва олимпиадасини кутмоқдамиз. У спорт, тинчлик, дўстликнинг гўзал байрами бўлишига ишончимиз комил.

**Ж. Фабри:** Жаноб Екель Халқаро велосипед спорти иттифоқи Москва олимпиадасини қўллаб-қувватлаётгани ҳақида гапирди. Мен шунини кўшимча қилишим мумкинки, Бельгия Миллий олимпия комитети бизнинг мамлакатимиз спортчилари ҳам Москва олимпиадасида қатнашишлари керак, деб ҳисоблайди. Бизда ҳозир бу улуғ спорт анжуманига катта тайёргарлик кўрилмоқда.

## ҲАМИША ОЛДИНДА

Лужникдаги В. И. Ленин номи Марказий стадион минбарида СССР халқлари VII Ёзги спартакиадасининг очилиш маросимида ҳозир бўлганларнинг барчаси яшил майдондан қизил байроқ кўтариб ўтаётган ўн етти спортчини олқишлаб ўринларидан турдилар. Уша кунини бу спортчиларнинг фахрий сафида халқаро классдаги спорт мастери, Совет Иттифоқи халқлари спартакиадаларининг етталовида ҳам қатнашган тошкентлик Мамажон Исмоилов ҳам бор эди.

Мамажон кенжатай бўлгани учун ҳам оиланинг эркаси эди. У болалигида миқтигина ва чаққон бўлиб, тенгтўшлари билан бирга от минини жуда-жуда ёқтирарди. Қизик,

шу митти бола арғумоқлар билан қандай «тил» топди экан? Ҳар ҳолда, жониворлар кичик эгаларининг раъйини яхши тушунардилар. Лекин уйларида кўпдан буён боқиладиган қари ва ювош от унга кўпроқ қувонч ва изтироб келтирарди. Одатда, болалар футбол ўйнаб эвлари кўкариб юрса, Мамажон эса отдан йиқилиб «қашқа» бўларди. Сира эгарда ёпишиб ўтиролмас, ҳар гал йиқилиб тушганда йиғламсираганча: «Бари бир ўрганаман. Ўрганмай қўймайман!...» деб пичирларди. Отни измида тутишни ўрганди, албатта катта акаси унга ёрдам берди. Шундан буён Мамажон учун от минидан ва унда узоқ-узоқларга елиш гаштидан кўра ёқимлироқ ҳеч нарса йўқ.

Бир кунини у колхоз от клубига, чавандозлар машқ қиладиган ипподромга борди. Бола ҳайратдан тўхтаб қолди. Отлар қушдек елар, ҳавода учиб бораётган чавандоз эса от билан бир бутундек туюлар эди. Уша кундан бошлаб у тонг ёришиши билан ипподромга югурадиган бўлди. Ун тўрт ёшли болага у ерда анча вақтгача ҳеч ким эътибор бермади. Узини четга олиб, ҳеч кимга чурқ этмайдиган бола билан кимнинг ҳам иши бўлиши мумкин? Лекин бир кунини у дадиллик билан чавандозлардан бирига пойгачи отга миниб кўришни илтимос қилди. Мўъжиза юз берди: чавандоз дарров кўна қолди. Кимдир уни эгарга миндириб қўйди, аммо атрофдагилар кулишарди, шовқиндан чўчиган от сапчиганча йўлка бўйлаб кўтариб кетди. Чавандозлар, бола йиқилиб тушади, лат ейди, деб саросимага тушиб қолдилар. Бироқ то от бўй бермагунча кичик чавандознинг қўллари арғумоқнинг ёлини қўйиб юбормади. Уша пайтда пойга бўлимини бошқарадиган Иван Мефодиевич Карпенко бу манзарани кузатиб турган эди.

— Болада мастер бўлиш қобилияти бор,— деди у.

Шу-шу Карпенко Мамажондан кўз узмайдиган бўлиб қолди. Ёш чавандоз фақат от чопишга ишқибоз бўлибгина қолмай, балки ҳар қандай ишдан ўзини олиб қочмас эди. У ўз отини ҳар доим озода сақлар ва яхши парвариш қилар эди. Мамажон отхонада пайдо бўлди дегунча, ҳамма отлар унга томон интиларди. Ана шу кезлардан Мамажон Ис-

моиловнинг расмий мусобақаларда қатнаша бошлаганига ва бир неча марта муваффақиятларни қўлга киритганига ажабланмас ва бўлади. У ўз спорт ихтисосини белгилаб олди, от мусобақаларида мавжуд бўлган энг қийин йўлни — майдонда юриш, дала синови ва ғовдан сакрашдан иборат уч курашни танлади.

...Мамлакатимиздаги барча спортчилар СССР халқларининг I спартакиадасига тайёргарлик кўрардилар. Ўзбекистон терма командаси составига ёш чавандоз Мамажон Исмоилов ҳам киритилган эди. Исмоилов ўша биринчи катта синовда олтинчи фахрий ўринни эгаллаб, дарҳол от спортининг йирик мутахассислари диққатини жалб этди.

Ҳарбий хизматни ўтаб келганидан кейин Мамажон касб танлашда иккиланиб ўтирмади. Унинг йўли аллақачон, болалигиданоқ белгиланган эди. У Республика от спорти мактабига ишлай бошлади.

1959 йили Мамажон Исмоилов Ўзбекистонда уч кураш бўйича чавандозлар ичидан биринчи бўлиб СССР спорт мастери бўлди. Қанча-қанча шаҳарлар, воқеалар, мусобақалар орқада қолди. Мана, янги Спартакиада бошланди ва Исмоилов яна республика терма командаси сафида. Бу сафар у кумуш медални қўлга киритиб чинакам ютуққа эришди. Уни мамлакатнинг терма командаси составига киритдилар; Мамажон ўртоқлари билан бирга олимпия ўйинларига тайёргарлик кўра бошлади. Ҳали олдинда Токио олимпияси



# ТАЯНЧ НУҚТАСИ

бор эди. Терма командада Мамажондан кўра тиришқоқ ва матонатли спортчи йўқлигини ҳамма эйтироф этарди. У туну кун машқ қилишга тайёр эди, ўз тулпорининг ёнидан бир қадам ҳам нарига жилмади. Сўнги марта хомчўт қилиб кўриш учун мамлакатнинг донгдор чавандозлари куч синашадиган Москва бўсағасидаги машҳур Планерноега тўпландилар. Мамажон остидаги от ғовлардан бир-бир ўтиб боради. Фалокат одатдагидек кутилмаганда юз берди. Навбатдаги ғовдан сакраётиб от орқа оёғини уриб олди ва ёнбошга қулай бошлади. Ерга жуда яқин қолганда, от суворийсини устидан итқитиб юборди. Команда Токиога жўнаб кетди, Мамажон Исмоилов эса шикастланган оти Эгон билан Тошкентга қайтди. Эгонни даволаш ва оёққа турғазини учун қанчадан-қанча заҳмат чеккани ёлғиз Мамажоннинг ўзига аён. Аммо бир йилдан кейин Бутуниттifoқ мусобақасида у худди шу отда яна ютқуқа эришди. Ҳамма нарса йўлга тушгандек бўлди. Мамажон олимпия терма командаси составига кирди, аксига олиб жўнаб кетиш арафасида яна отдан қулади. Бу сафар ҳам команда олимпиадага Исмоиловсиз жўнади. Йиллар ўтди, олимпия мусобақаларига умид, иштиёқ унда яна пайдо бўлди. Энди уни терма командага фақат запас аъзо қилиб олдилар. Мамажон Исмоилов ҳамон машқни давом эттираётган бўлса-да, тренерлик ишига ўтди. Терма команда составида бўлиш ҳуқуқини оқлаб, Мюнхенда ўтган Олимпия ўйинларига иштирок этди.

Мамажон Олимпиададан сўнг кунт билан ўзи ҳам машқ қилди, аъло даражадаги тренер бўлиб етишган чавандоз маҳоратини шогирдларига сингдириш учун тиришди. Мамлакатнинг навбатдаги чемпионатида Ўзбекистон командаси биринчи ўринни эгаллади. М. Исмоиловга ЎзССРда хизмат кўрсатган тренер унвони берилди.

СССР халқларининг VI спартакиадаси. Киев отчопади. Бу жойлар учун ақл бовар қилмайдиган жазирама иссиқ. Спортчилар ҳам, отлар ҳам чидаш беролмадилар. Мусобақадорлар орасида Мамажоннинг ёши ҳаммадан улғу эди. Лекин ёш рақиблардан биронтаси ҳам ветеран билан тенглаша олмади. Исмоилов олтин медалга сазовор бўлди.

Яна тўрт йил ўтди. Тренер ва терма команда капитани Исмоилов СССР халқлари VII спартакиадасига — Москвага борди. Исмоилов раҳбарлигидаги республикамиз командаси зўр маҳорат кўрсатди. Командамиз команда ва шахсий синовларда барча олтин мукофотларни қўлга киритди. Исмоилов ўзи эса иккита олтин медал билан тақдирланди.

...Ана-мана дегунча ўғли ҳам улғайиб қолибди. Утган йили у от спорти бўйича спорт мастери бўлди. Мамажондан ҳеч ким ҳеч қачон ҳалигача шикоят ва нолиш эшитмаган. Аксинча, терма командамиз тренери ва капитани жангга биринчи бўлиб киради. Шунинг учун бўлса керак, Ўзбекистон делегациясида Ватанимиз қизил байроғини VII Спартакиада очилишига кўтариб бориш фахрий ҳуқуқи кимга берилиши масаласи ҳал этилаётганида ҳамма бараварига Мамажон Исмоиловнинг номини айтган эди.

Ўзбек чавандозларининг байроқдори Мамажон Исмоилов XXII Олимпия ўйинларига ўз шогирдларига бош бўлиб борадиган кунлар яқин қолди. СССР терма командаси составидаги унинг командаси улкан синов майдонида сабот ва матонатларини намойиш этиб, мамлакатимиз шонли спорт тарихини янги саҳифалар билан бойитдилар, деб умид билдирамыз.

Халқаро миқёсдаги спорт мастери, жаҳон чемпиони тошкентлик Собир Рўзиев Монреалда ўтган XXI Олимпия ўйинларининг иштирокчиси эди. У бу йил СССР терма командаси составида Москвада ўтадиган XXII Олимпия ўйинларида қатнашди.

...Томирлари қаттиқ тортишиб қолди, елка суякларини қақшади. Собир ҳакамдан танаффусга ижозат сўрашга мажбур бўлди. Залда шовқин-сурон борган сари авжга чиқмоқда эди. Жованини кубоги — қиличбозларнинг орзуси бўлган энг олий мукофот! Ҳар қандай чемпион ҳам уни олишга муяссар бўлавермайди. Бу ерда эса тошкентлик бир йигитча кимсан Симончелли — «енгилмас Симончелли» билан ярим соатдан бери жанг қилмоқда.

Танаффус учун белгиланган ўн минут тезда ўтиб кетди. Массажчи ҳамма чорани қўллади, лекин оғриқ босилмади. Собир таблога қаради, у ерда ҳамон 9:9 рақами ярқираб турарди. Бўй-баста келишган Симончелли қилич ўйнатар, юзидан табасум аримас, ғалаба қозонишига амин эди. Иши чаппасига кетганида ҳам Симончелли сирини бермади. Лекин бу ноилж қолган одамнинг кулгиси эди. Италиян қиличбоз жангни Рўзиевга қандай бой берганини тушунолмай лол эди.

Мухлислар Собирни кураш майдонидан деярли сўғуриб олдилар. Унга — Жованини кубогининг янги соҳибига оқритқалар, газеталар, ён дафтарчалар узатишар, кафтларини тутар эдилар, у эса дастхат ёзиб улгуролмас эди. Лекин мухбирлар уни мухлислар орасидан бир илож қилиб «тортиб» олдилар-да, матбуот конференцияси ўтказиладиган хонага олиб кирдилар. «Қиличбозликни қачон ўргангансиз? Устозингиз ким?», деб сўрай бошладилар.


...1965 йили Тошкентдаги 78-мактабга Ксана Аркадьевна Тожиева қиличбозлик бўйича тренер бўлиб келди. У ўзига шогирд танлай бошлади. «Мана бу болага эътибор беринг: у — чапакай», деб Собирга ишора қилди физкультура ўқитувчиси. Тожиева эҳтиётдан бу боланинг исм-фамилиясини дафтарига ёзиб олди. Лекин Собирнинг жон-дили футбол эди, «Юр, Собиржон, уч мушкетёр бўламыз», десалар ҳам кўнмайди. Александр Дюманнинг китобини ўқиганидан кейингина қиличбозликка ишқибоз бўлиб қолди. Тожиевага шогирд тушди. Орадан ойлар ўтди, 78-мактабнинг Собир Рўзиевдан бошқа ҳамма «қиличбоз»лари машғулотга келмай қўйдилар. Отаси

Собирга: «Бошлаган ишингни охирига етказ», деб ўқтирган эди.

Матбуот конференциясида Собир ана шуларни эслади. Лекин ҳозир бу нарсаларни сўзлаши жонзимкан? Шунинг учун лўнда жавоб бера қолди.

— Ғалабаларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

Собир ўз уйда бўлса, журналистларнинг бу саволига осонгина жавоб берар: олган медаллари, ёдгорлик



нишонлари, кубокларини кўрсатиш билан кифояланар эди. Ҳозир эса ҳаммасини бир бошдан эслаши керак.

Собир ўқувчилик чоғидаёқ СССР спорт мастери, мамлакат ёшларининг биринчи қиличбози, СССР терма командаси аъзолигига номзод бўлди. Ксана Аркадьевна Ленинградга кўчиб кетганидан кейин, Иосиф Борисович Миркин раҳбарлигида машқларини давом эттирди. Ўзбекистон терма командаси составида СССР халқлари спартакиадасида иштирок этди. Аввал терма команда мутасаддилари Собирнинг жуда ёшлигини кўриб, бир оз иккиланган эдилар. Аммо Иосиф Борисович ўз шогирди номзодини қатъий ҳимоя қилди:

— Фақат ҳозирни, бугуннинггина эмас, эртанги кунни ҳам ўйлаш керак.

Собир устозининг ишончини оқлади. Кетма-кет ғалаба қозониб, ярим финалга чиқиш ҳуқуқини олди. Бу — биринчи йирик ғалабаси тўғрисида мамлакат терма команда-

си аъзолари сафидан жой олди, Сўнг йирик халқаро учрашувлар, биринчиликлар, ғалабалар ва мағлубиятлар даври бошланди.

Собир Монреаль олимпиадасига аъло тайёргарлик билан жўнади. У коэффицентлар йиғиндиси бўйича мамлакат қиличбозлари ўртасида биринчи ўринда эди. Рўзиев ва унинг устози шахсий мусобақа имтиҳонидан иштирок этишга рухсат беришларига амин эдилар. Бироқ мусобақалар арафасида совет қиличбозларининг катта тренери Л. Сайчук иштирокчилар составини эълон қилди: «Романьков, Станкевич, Денисов». Собир унга ҳайрон бўлиб тикилиб қолди. Катта тренер ундан кўзини олиб қочди-да:

— Станкевич ва Денисов Олимпиадада сўнги бор қиличбозлик қилдилар, сен эса ёшсан, сен учун ҳамма ўйинлар ҳали олдинда,— деди.

Бир йилдан сўнг — 1977 йили Собир Софияда Студентларнинг жаҳон спорт ўйинларида қатнашди. У ердан шахсий ва команда ҳисоби бўйича икки олтин медал билан қайтди. Финалда у ўзининг «азалий» рақиб Александр Романьков устидан ғалаба қозонди.

Матбуот конференцияси тугади. Собир ниҳоят меҳмонхонага бориб чарчоғини ёзиш учун чўзилди. Олдинда ҳали қанчадан-қанча машқлар, мусобақалар... Халқаро миқёсдаги СССР спорт мастери Москва олимпиадаси ўйинларида қатнашгани орзу қилади, ғалабага эса ишончи комил.

Бир кун шогирди ҳақида гапириб И. Миркин шундай деган эди:

— Ҳар бир чемпионнинг, таъбир жоиз бўлса, ўз таянч нуқтаси бўлади. Бири ўзининг кўтаринки руҳига таянади, бошқаси эса омад кутади... Собир Рўзиевнинг таянч нуқтаси — меҳнатсеварлиги. Мен, масалан, меҳнатдан сайқал топмаган истеъдодни истеъдод демайман. Собир ҳам шу фикрда. Шунинг учун ҳам у — чемпион!


Собир Рўзиевнинг таянч нуқтаси мустаҳкам. Бинобарин, биз унинг Москвадан Олимпия ўйинлари чемпиони бўлиб қайтишига ишонамыз. Собирнинг Олимпия мавсумида ажойиб муваффақиятга эришгани — Украина пойтахтида «Киев рапира-си» соврини учун ўтказилган халқаро мусобақада учинчи марта ғолиб чиққани эса бу ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Материаллари О. ЕҚУБОВ уюштирган

Москва яқинида қад кўтарган Олимпия шаҳарчасини бунёд этишда ўзбекистонлик қурувчиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Олмалиқлик Г. Йўлдошева (биринчи қатор, чапдан) бухоролик И. Ҳасанова, Л. Ким, Т. Заволокина, тошкентлик эр-хотин З. Шомаҳмудова ва М. Шомаҳмудов; қўқонлик В. Боборов (иккинчи қатор, чапдан), ангрелик А. Намаева, воронежлик П. Кубасова, тошкентлик З. Ротарь ва андижонлик А. Абдурахмонов ўртоқлар шаҳарчани тез ва соз қуриб битказишда жонбозлик кўрсатдилар.







1

## ЧИННИСОЗЛАР ТУҲФАСИ



2



3



4



5



6



7



8



9

Республикамиз меҳнаткашлари Москва XXII Олимпия ўйинларини зўр тайёргарлик билан кутиб олмоқдалар. Дўстлик ва қардошлиқ анжумани кўпгина корхоналар ҳамда ижодий ташкилотларнинг ишчи-хизматчиларини янги-янги маҳсулот турларини кашф этишга илҳомлантираётир.

Тошкент Чинни заводининг меҳнатсевар коллективи ҳам Москва Олимпия ўйинларига бағишлаб бир неча хил совғалар тайёрлади. Уйинларнинг эмблемаси ва рамзи туширилган рангбаранг чинни идишлар ҳамда эсдалик буюмлари ўз нафосати билан кўзни қувонтиради, дилни яйратади. Бу тўхфаларнинг намуналарини тайёрлаб,

ишлаб чиқаришга жорий этишда рассомлардан Ёқубжон Қорабоев ва Аҳмаджон Мирзабеков ўртоқлар айниқса катта иш қилдилар.

Суратларда: 1. Завод бош рассоми Ботир Собиров иш устида. 2. Завод рассомлари [чапдан]—Сойима Аминова, Мавжуда Қодирова, Нина Никитина ва Зулайхо Жўраева Олимпиадага аталган тўхфаларни кўздан кечирмоқдалар. 3. «Атлас табассуми» сервиси. 4. «Пахта» сервиси. 5. «Оқ олтин» сервиси. 6. «Чинни гул» сервиси. 7. Бу сервиз ҳам «Оқ олтин» деб номланган. 8. «Олимпиада—80» лагани. 9. «Юбилей» вазаси.

А. ЖДАНОВ фотолари

**У** ШАНДА акасининг ташвиши туфайли Тошкентга келган сурхондарёлик қиз Ҳумоюнга ёқиб қолган эди. Қизнинг юзида қандайдир сирли жозоба, илиқлик бор, кишига қараганда лаблари, кўзлари жуда ҳам чиройли кўришиб кетади. Киши беихтиёр унга тикилади, яна қарагиси келади. Қиз шу сирли жозибасидан ўзи ҳам уялинқираб, безовталаниб, тикилаётган кишидан кўзларини олиб қочади.

Тошкентда, шунча қизлар ичида, Онахондек бир дилбарни учратмаганига Ҳумоюннинг ўзи ҳам ҳайрон. Кейинги вақтда Тошкент оналари нуқул чиройли қиз туғаётгандай, кўчаларда бекиёс гўзал қизлар шу даражада кўпки, уларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Лекин сурхондарёлик қиз Ҳумоюннинг юрагини жиз этиб куйдирди.

У ўша кунлари бу ҳақда Онахонга имо-ишора ҳам қила олмади, чегадир салобати босди. У қайсидир бир ҳинд раққосасига ўхшаб кетарди. Йигит баҳона топиб унинг кўлини ҳам ушлаб олмади...

Ҳумоюн бугун ишдан келиб, икки кафти боши остида, диванда чалқанча ётиб хаёл сурарди. Ушанде Онахон унга ўткир қарашлари билан нимадир демоқчи бўлгандек ҳам туюлди. Ёки унга шундай кўриндимикан? Эҳтимол, ҳеч нима демоқчи бўлмагандир. Эҳтимол, кўзларидаги фусун шунчаки диққатини тортгандир. Лекин, бари бир, бу қизга ўзининг ҳам оз-моз ёққанини сезди. У буваси олдида Ҳумоюн билан бир нарсани гаплашиши, ёлғиз қолиши асло мумкин эмас эди.

Раънонинг вафотидан кейин биринчи бор кўнглига ёқиб, диққатини жалб этган қиз Онахон бўлди. Эртасига яна университет ётоқхонасига бориб, студент ошналарида сурштириб, қизнинг акаси Кунтуғмишни топди, у билан анча вақт суҳбатлашиб ўтирди. Зарурат туғилганда тортинмай уйга боришини сўради. Дадаси — «Адвокат домла» билан гоҳо бирпас гаплашиб ўтириб келишини маслаҳат берди. Кунтуғмиш бу гапга жуда қувонди, «Албатта бориб домлага ташаккур айтишим керак», деди. Ҳумоюн Кунтуғмишдан Ҳақназар отанинг адресини сўраб, ёзиб олди.

Ҳумоюн шу кунгидея Онахонга хат ёзди. Ҳаяжонланар, кейинги пайтда ҳаловати бузилиб, хаёли жойида эмаслигини уйидагилар ҳам сезишган эди.

...Сурхон воҳасидаги К. қишлоғи.

Онахон учун энг оғир кунларнинг бирида унга Тошкентдан, Ҳумоюн Дўстмухамедовдан хат келди. Конверт устига «О. Ҳақназаровага (шахсан)», деб ёзиб қўйилгани учун бувиси почтабондан олиши биланок, Онахонни севинтираман, деб дарҳол олдига кирди:

— Акангдан хат келганга ўхшайди!

— Йўқ, бу бошқа...— деди Онахон ётган жойида конвертга тикиларкан,— бир танишимдан...

У конвертни очиб бошлади.

— Аканг тинчмикан?

— Ҳа, тинчлар.

Бувисининг ҳадеб савол бераётгани гашига теккан Онахон хатни ичида ўқий бошлади:

«Хурматли Онахон! Тошкентда бўлган кунларингизда Сиз билан танишиб, иш юзасидан учрашган вақтларимиз менда ҳеч унутиб бўлмас таассурот қолдирди. Сиз бувангиз билан Сурхондарёга кетганингиздан кейин, бу Сизга эриш туюлса ҳам ёзаман, ниманидир йўқотгандай бўлиб юрибман. Айбга қўшманг, бу мен учун ҳеч қутилмаган бир ҳолат. Бир неча бор акангиздан хабар олдим. У кишини кўрсам — Сизни кўргандек бўламан. Бошимга туш-



# ИШҚИДА...

„Илдизлар ва япроқлар“ романидан парча

ган оғир жудодликдан кейин, мен энди шундай юравераман.... деган эдим. Аммо Сиз Тошкентга келиб, юрагимга ўт ёқиб кетдингиз... Оиламизда Сизнинг ҳақингизда, бувангиз ҳақида ҳамон гаплашамиз. Менинг дадам ҳам, аям ҳам, қолаверса, мен ўзим ҳам доимо одамлар ичидамиз, кўп кишилар билан гаплашганмиз. Лекин сизлар билан танишганимиздан жуда ҳам хурсандмиз, бизда жуда яхши таассурот қолдирдиларингиз. Мабодо Тошкентга йўлингиз тушса, албатта бизни кинга кириб. Телеграмма берсангиз, жоним билан кутиб оламан. Агар менга хат ёзсангиз бошим осмонга етарди, жуда ҳам миннатдор бўлардим.

Сизга доимо сиҳат-саломатлик, бахт, ишларингизга ривож тилайман. Салом билан, Ҳумоюн.

Онахон хатни ўқиб бўлгач, ўйланиб қолди. Бу ҳам муҳаббат изҳор қиляпти, чоғи... Кўз олдига келган Ҳумоюннинг кўркам қиёфаси дам Яхшибек Тойлоқовга, дам Жўмард Бойбусиновга ўхшаб кетарди. Уларнинг учаласи ҳам кўркам. Бундай йигитлар аввал мана шундай ширинсўз, меҳрибон бўлиб, қандолат гаплар айта бошлайдилар. Наҳотки, чиройли йигитларнинг ҳаммаси бебурд бўлса?

Лекин бу йигит биринчи учрашгандан бошлаб олижаноблик қилди. Унинг акаси шу Дўстмухамедовлар бўлмаганда кесилиб кетиши ҳам мумкин эди. Улар дарҳақиқат яхшилик қилишди. Ҳумоюннинг онаси, отаси ҳам жуда яхши одамлар экан. Лекин бари бир бундай йигитларнинг ширин сўзига ишониб бўлмайди.

У Ҳумоюннинг мактубини тоқчага ташлаб қўйди. Буvasи ва буvisига тошкентлик адвокат Дўстмухамедовдан хат келганини қисқагина айтиб қўйди, холос. Яна ўша қалин китобни — Бальзак романини очиб, буклаб қўйган еридан ўқий бошлади. Эртасига у эски дафтарлари орасидан бир варақ йиртиб олиб, Ҳумоюнга хоҳлаб-хоҳламай хат ёзди:

«Ҳурматли Ҳумоюн! Ёзган хатингизни олдим, бизларни эслаганингиз учун катта раҳмат! Акамга кўрсатган яхшиликнингиз ва умуман унинг ҳолидан хабар олганингиз учун ҳам, ҳаммамизнинг номимиздан, буваамлар номидан ташаккур! Сизга доимо сиҳат-саломатлик, ишларингизга ривож тилаб О. Ҳақназарова».

Хатни жўнатди. Лекин кейинги кунларда Жўмард Бойбусиновнинг бир-икки бор ишончасига келиб, кўчада соатлаб ёўдайиб турганини эшитди. Бир кунни ёмғирда бу ҳолни ўзи ҳам иккинчи қават деразасидан кўрган эди. Хизматдан қайтишда у бир неча бор Жўмардга рўпара келиб қолган, аммо кўрмагандек тескари қараб ўтиб кетган эди. У қандайдир бир гапни айтиш учун анчадан буён Онахоннинг изидан юради. Онахон бунга аллақачон пайқаган, бироқ энди нима зарурати бор? Ҳамма иш тугади, у ваъда қилган «Боғи эрам»лар поймол бўлиб кетди... Кейинги кунларда Жўмард Онахоннинг колхозга ишга келганини эшитиб, бу ерда ҳам пайдо бўлди. Лекин Онахон у билан мутлақо гаплашмайди, учрашмасликка қатъий қарор қилган. Ҳа, энди фойдаси йўқ!

Онахондан беҳарорат мактуб олган Ҳумоюннинг тарвузи қўлтиғидан тушди. У ўйланиб қолди. Нима қилиш керак? Кейинги пайтларда унинг қалбидаги ўзгаришлардан на она, на отанинг хабари бор. Улар «хона-

доннинг ишонган тоғи» — ёлғиз ўғилларининг тезроқ уйланишини истардилар. Онаси ўша кун «Сурхондарёдан келган қиз жуда ёқимли экан», деган эди. Ота-она қаердан бўлмасин, кимга кўнгли бўлса, уни ўғилларига дарров олиб беришга тайёр эдилар. Уч йилдан сўнг қуда тсмондан садо чиқиб, «Агар куёвимиз хоҳласа, Раънонинг синглисини берамиз, Эркинга ҳам она, ҳам хола бўлади, ўғайлик қилмайди», дейишбди. Лекин Ҳумоюн бунга мутлақо истамасди. Унинг кўз олдига фақат Онахон яқрираб турарди.

Онахон ёзган қисқа, расмийроқ хат Ҳумоюнни қаноатлантирмади. Узининг бир турмуш қурган, болали, қизга нисбатан ёши ҳам каттароқлиги кўнглидан ўтди. «Мен хатда кўнглимни очиб, эҳтимол қизни хафа қилиб қўйган бўлишим мумкин. Дарҳақиқат, мен унинг тенги эмасман. Лекин гап шундами? Йўқ, Сурхондарёга бораман! Уни бир кўрмай иложим йўқ», деди ўзича. Эртасигаёқ институтга бориб, деканатга, у ердаги ошнасига мурожаат этди. Беш кунга Термизга бориб келишга рухсат сўради. Тупроқшунослик бўйича илмий иши жанубий районларга боғлиқ эди. Хужжатларини расмийлаштириб, эрта-лабки самолётга билет олди. Уйга қайта туриб, Кунтуғмишнинг ётоғига кирган эди, бахтига, у ҳам дарси бўлмагани сабабли, каравотда китоб ўқиб ётган экан. Ҳумоюнга кўзи тушиб дик этиб ўрнидан турди, омонлашиб, хона тўридаги азиз меҳмонлар ўтирадиган юмшоқ курсини кўрсатди. Ҳумоюннинг кутилмаганда кириб келиши уни шошириб қўйган эди.

— Институт иши билан Сурхондарёга кетяман...— деди Ҳумоюн ўтираркан.— Сизларнинг районингизга ҳам ўтсам керак. Бобойга айтадиган гапингиз борми?

— Йўқ...— деди Кунтуғмиш меҳмонга чой тайёрлаш ниятида куймаланиб.

— Безовта бўлманг, мен бирпасга кирдим.

— Борарсиз-да, гаплашиб ўтирайлик.

— Вақт йўқ. Аҳволлар қалай? Бораман, деб, бизни кинга бормадингиз? Бирон юмуш бўлса айтинг, студентлик менинг ҳам бошимдан ўтган...

— Ҳамма нарса жойида.

— Хўп, хайр бўлмаса...

Улар хайрлашиб, ташқарига чиққанларида Кунтуғмиш сўради:

— Бизнинг адресни биласиз, борсангиз жуда миннатдор бўламан.

— Бувангизнинг адресларини ёзиб берган эдингиз.

— Ҳа, ўша.

— Хайр!— Ҳумоюн Кунтуғмиш билан қўл қисниб хайрлашди-да, машинасига ўтириб жўнади.

Эртасига самолёт вақтида учди. Кўп ўтмай у булутлар устида, тоғ чўққилари тепасида етти минг метр баландликда вағиллаб учиб борарди. Ҳумоюн, албатта, институт иши билан эмас, Онахонни кўриш умидида кетаётганини ҳам хаёлидан ўтказди. Самолёт ойнасидан пастга қарар, пастда туясимон оқ булутлар, юқорида мовий осмон, кўёшдан бошқа ҳеч нарса кўринмас эди. Дилида эса фақат бир одам — Онахон. Етти минг метр баландда, кўз олдига — сурхонлик қорамғиз қиз! Бағри ёниб, булутлар устидан уча-



ётганини Онахон билса эди. У ахир Онахонни севиб қолди. Севги ёмон нарса, севиб билан ўйнашиб бўлмайди. Баъзи чиройли қизлар бунга сезишмайди, ҳамма хушомад қилавериб ўрганиб қолишган. Наҳотки, Онахон ҳам унинг муҳаббатини инкор этса? Наҳотки, у билан гаплашишни истамаса? Лол бўлиб, бир замбил гўшт бўлиб қайтиб келадими? Термизга тушубоқ меҳмонхонага жойлашиб олиб, кейин биронта машина ёки автобусда «Чағаниён» колхозига боришни, отаси бериб юборган совға-саломни Ҳақназар отага топширишни ўйлади.

Бир ярим соатдан кейин самолёт Термиз аэропортига қўнди. Ҳумоюн катта портфелини кўтариб одамлар орасида самолёт зинаполаридан тушди. Бир неча қадам юрмасданоқ баланд бўйли кекса бир одам олдидан чиқди.

— Ассалому алайкум! Хуш келибсиз!— Ҳақназар ота Ҳумоюнга кучоқ очди.— Домла саломатмилар? Уй ичингиз яхшими?

— Саломалайкум!— дея Ҳумоюн қўлидаги оғир портфелини ерга қўйиб, ота билан омонлаша кетди.

— Салом!— деб отанинг ёнида турган Онахон кўл узатди. Ҳумоюн Онахонни кўрмай қолибди.

— Саломалайкум!— Ҳумоюн қизариб кетди. Бундай бўлишни ўйламаган эди.

— Яхши келдингизми?— Онахон унга ширин бир қараш билан илтифот кўрсатди.

— Тушими, ўнгими? Ҳумоюн ўзида йўқ шод.

— Жуда яхши. Самолёт жуда текис учди. (Аслида бундай бўлмаган эди.) Ҳаво яхшилигиданми...

— Биз томонга текис учадми, деди Ҳақназар ота.— Бойсун тоғлари тепасида сал лопиллайди, холос. Тошкентлар тинчликми? Ҳамма соғ-саломатми?

— Яхши, — деди Ҳумоюн.— Институт иши билан келган эдим. Кунтуғмиш салом айтди, ўқишлари жуда яхши.


— Биз ундан телеграмма олдик... Жуда яхши қилибсиз-да келиб,— деди Ҳақназар ота.

Улар аэропортдан чиқиб, ташқарида турган «Москвич»га ўтирдилар. Ҳумоюн хижолат эди. Рўлда Онахон. Машина физиллаганча жўнади. Далалар бўйлаб боришарди, икки томонда кенг чорси қарталар чарх айланиб қоларди. Шаҳардан яна далага чиқиб, ярим соатча йўл юришгач, Ҳумоюн отага мурожаат этди:

— Термиз шунақа узоқми? Мен аэропорт шаҳарнинг ёнгинасида, деб эшитган эдим.


— Уғлим, Термиз қолиб кетди,— деди Ҳақназар ота,— колхозга, бизни кинга кетяпмиз. Сурхондарёга келибсиз, сизни меҳмонхонага ташлаб қўймаймиз. Домла ҳам, сиз ҳам яхши одамлар экансизлар, биз энди сизлар билан қадрдон бўлиб қолдик.

Расмини А. КАРА-КОНСТАНТИН чизган.





## Мен борки...



ШУҲРАТ

## Бор экан дунёда...

Бор экан дунёда шодлик ва ғурбат,  
 Бор экан дунёда кундуз ва кеча,  
 Бор экан тўғри йўл ва эгри кўча,  
 Шоирга муҳтождир кишилар албат!  
 Бор экан дунёда севги ва ҳижрон,  
 Бор экан дунёда аччиқ ва ширин,  
 Бор экан дунёда орзу ва армон,  
 Кишилар кутади шоирлар шеърин!  
 Бор экан дунёда иссиқ ва совуқ,  
 Бор экан дунёда нур ва кўланка.  
 Бор экан дунёда сахий ила суқ,  
 Шоирга муҳтождир эл, элат, ўлка!  
 Бор экан дунёда тухмат ва олқиш,  
 Бор экан дунёда адолат ва кек,  
 Бор экан дунёда баҳор билан қиш,  
 Ким куйлаб беради уни шоирдек?  
 Шоирлар ҳаётнинг кўзи, қулоғи,  
 Шоирлар ҳаётнинг тили, керағи,  
 Шоирсиз сувсиздир ҳаёт булоғи,  
 Ҳаётда устундир шоир юрағи!

## Ёниқ умидлар

Гул кўрдим,  
 Гул бўлиб очилгим келди.  
 Сув кўрдим,  
 Сув бўлиб мавж ургим келди.  
 Нур кўрдим,  
 Нур бўлиб сочилгим келди.  
 Тоғ кўрдим,  
 Тоғ бўлиб тик тургим келди.  
 Эй гуллар,  
 Очилиб туринг ҳамиша.  
 Эй сувлар,  
 Мавжингиз тинмасин асло.  
 Эй нурлар,  
 Фарқ бўлсин сизга кенг само.  
 Эй тоғлар,  
 Тик туринг минг-минг йил оша!  
 Гулларга кўмилсин бу кўҳна олам,  
 Сувларга мўл бўлсин бу танҳо замин.  
 Нур туриб ёриси бурчак-бурчак ҳам,  
 Тоғлардек тик, мағрур яшасин одам!

Севгининг ўғлиман,  
 Орзунинг қули.  
 Баҳорнинг гулиман,  
 Сайёҳнинг йўли.  
 Дарёнинг сувиман,  
 Чўққининг қори.  
 Боғларнинг кўркиман,  
 Чўлларнинг нори.  
 Чунки мен одамман, минг кўз, минг қулоқ.  
 Чунки мен одамман, бағри — кенг жаҳон.  
 Чунки мен одамман, меҳри бир булоқ,  
 Мен билан ҳамсафар қувонч ва армон.  
 Неки бор одамга хос ва муборак,  
 Нимани бошидан кечирса одам,  
 Ҳаммаси мен учун таниш, муштарақ,  
 Мен учун азиздир қадам-бақадам.  
 Мен ўша — ҳеч ўчмас Ўрхун ёзуви,  
 Мен ўша — Чингизнинг номсиз шаҳиди.  
 Мен ўша — ҳеч битмас тириклик суви.  
 Мен ўша — исёнкор қалбининг ўти!  
 Мен ўша — Улуғбек қидирган юлдуз,  
 Мен ўша — ҳинд аро дайдиган олим,  
 Мен ўша — Навоий қолдирган дур сўз,  
 Мен ўша — Жайхунман, сувлари лим-лим!  
 Мен ўша — бўз тўқиб элни кийдирган,  
 Мен ўша — Хитойдан ипак келтирган.  
 Мен ўша — саҳрода йўлсиз адашган,  
 Мен ўша — таъби гул ва жони тошдан.  
 Мен ўша — Самарқанд ҳуснини очган,  
 Мен ўша — ақлини оламга сочган.  
 Мен ўша — Машрабга гул тутган бўстон,  
 Мен ўша — ҳеч ўлмас минг йиллик дoston.  
 Мен ўша — инқилоб қиличин тутган,

Ҳақиқат йўлида қон-зардоб ютган.  
 Мен ўша — бир умр сўлмаган чечак,  
 Мен ўша — кампирлар сўйлаган чўпчак.  
 Мен ўша — боғларнинг тугамас атри,  
 Қон билан ёзилган шоирлар сатри.  
 Мен ўша — Ҳамзанинг кўксидан оққан  
 Бир умр сўнмаган қалбининг қони.  
 Мен ўша — душманга тик, мағрур боққан  
 Генерал Раҳимов ўлмаган жони!  
 Мен ўша солдатман — Волга бўйига  
 Беқиёс жангдан сўнг дафн этилган.  
 Мен ўша қўшиқман Зафар тўйига  
 Фафур Ғулом қўли билан битилган!  
 Мен ўша — чўққиди турган қуёш ҳам,  
 Мен ўша — лабингда нозик табассум.  
 Мен ўша — дардинга топилган малҳам,  
 Кўзингда кўзим сўзингда сўзим!  
 Аждодлар кўркини қонимда сақлаб,  
 Посбони бўлган ҳам менинг ўзимман.  
 Она юрт тузини жангларида оқлаб,  
 Деганман: гар ҳалоқ бўлсам, розиман.  
 Муштумдек қалбимда олам дардини,  
 Бахтини, кўркини олиб юрган — мен.  
 Мен ўша — марҳумлар тирик қалбини  
 Машъалдек ҳамиша тутиб турган — мен.  
 Оламини чиройли кўрсатган менман.  
 Мен унинг ҳуснини очган санъаткор.  
 Тузалмас кемтигин тузатган менман,  
 Ақлимда мангуга порлоқ олов бор!  
 Идроким ҳукмида замину замон,  
 Замонлар тожида ёнган дур ҳам мен.  
 Мен борки, бу дунё бутун ва омон,  
 Истиқбол уфқида порлоқ нур ҳам мен!

## Севги таърифи

Тўфонга кирмаса кўксини очиб,  
 Тўлқинлар ошмаса — нимаси севги!  
 Умрбод орзулар кўкида учиб,  
 Завқ бўлиб тошмаса — нимаси севги!

Сал совуқ турганда қорайган гулдек  
 Бошини ҳам қилса — нимаси севги!  
 Ақли шоширган учқур дуддулдек  
 Пишқириб турмаса — нимаси севги!

Юракка ўт солиб, манзилга чорлаб,  
 Олдинга боқмаса — нимаси севги!  
 Ҳаётнинг уфқида қуёшдек порлаб,  
 Қалбга нур оқмаса — нимаси севги!

Ҳижрони ваъдадек тотли бўлмаса  
 Ва мағрур тутмаса — нимаси севги!  
 Ваъдага севганинг ёниб келмаса  
 Ва ёниб кутмаса — нимаси севги!

Нимаси севгики, орзиққан юрак  
 Тунлари тушида кўрмаса ёрин.  
 Кўрганда бошланиб дилда гулдирак,  
 Тутмаса инъомга борлиғи, борин!

Нимаси севгики, ҳар айтган сўзи,  
 Эриган пўлатдек оқмаса дилга.  
 Ўзга бир оламга киргандек ўзи,  
 Қувониб, яшариб боқмаса элга!

Эзгулик мулкида чақмоқдек чақнаб,  
 Булутни ёрмаса — нимаси севги!  
 Энг хавfli онларда бахтини ёқлаб,  
 Жангларига кирмаса — нимаси севги!

Оқни оқ демаса, қорани — қора,  
 Ҳақгўйни уқмаса — нимаси севги!  
 Майдонга кирмаса очиқ, ошқора,  
 Узоққа боқмаса — нимаси севги!

Ишонма, ёлғончи севгини мақтаб,  
 Ошиқлик даъвосин бўлса қилгудек.  
 Чин севги турмайди бир ерда тўхтаб,  
 Қўлма-қўл ўтмайди эгасиз гулдек!

Севгининг таърифи бир оламжаҳон,  
 У пулга сотилмас, амалга учмас.  
 У ўзи юракка кирса ногаҳон,  
 Бошқа бир юракка мажбуран кўчмас.

Ҳар юрак таърифин қилар ўзича,  
 Ҳар қалбга ўзгача солади тўлқин.  
 Ҳар юрак дардини билар ўзича,  
 Ҳар қалбда ёнади ўзгача ёлқин!

Севгининг уфқида шуъла бўлади,  
 Севгининг даъвати эзгу, муқаддас.  
 Қисмат соф юракни ошиқ қилади,  
 Ошиқлик — буюклик, шуни билсанг, бас!

— Ташаккур! Лекин менинг ишларим...

— Мана шу машина сизнинг ихтиёрингизда... Колхоздан Термиз ярим соатлик йўл, ўғлим. Ҳар қанча ишингиз бўлса битираверасиз.

Кўп ўтмай, машина қишлоққа етди. Каттақон бир дарвоза олдида тўхтаб, ичкарига кирдилар. Уйда ўтирган икки киши дарҳол ҳовлига чиқиб, меҳмонни кутиб олдилар. Сурхон таомилга кўра, ота қўл очиб Ҳумоюннинг рухсатини кутди. Фотиҳа берилгач, бир йигитчага ишора қилди, ҳовли четида тайёр турган бўдоқини шу захоти қулатишди. Ота, Ҳумоюн ва бошқа кутиб турган кишилар кўркам бир хонага кирдилар; столга дастурхон ёзилиб, яхшигина тайёргарлик кўрилган эди. Онахон Ҳумоюнга худди ўз оғасидек яқин, тортинмай меҳрибонлик кўрсата бошлади. Расмийнамо хат ва уни

қамраган ишончсизлик хаёллари бекор бўлиб чиқди. Бу дилбар қиз Ҳумоюндан ўзини унча тортмас, қадрдон кишисидек атрофида парвона бўлар эди.

Зиёфат жуда ҳам яхши ўтди. Кечқурун унга энг яхши хонада жой қилиб бердилар.

Эртасига Онахон Ҳумоюнни машинасида Термизга олиб борди. У селекция ва уруғчилик тажриба станциясига шунчаки кириб чиқди; бу ердаги илмий ходимлар, аниқроғи, профессор Истоминни танирди. Онахонни атай машинада қолдирди. Ундан кейин, иши бўлмаса ҳам, обкомга кирди; бир инструктор унинг таниши эди.

Шу кун Ҳумоюннинг «ҳамма ишлари битди» Термизда қиладиган бошқа юмуши қолмаганидан йўл-йўлакай самолётга билет ҳам олди. Улар қишлоққа қайтаётганларида,

гарчи совуқ, томоша қиладиган жой бўлмаса ҳам, Онахон уни йўл-йўлакай кўл бўйига олиб борди. Олисолисда Бойбўсиновларнинг коттежи оқариб кўринарди. Тепаликлар, боғлар... Шу тепаликларда Онахон Жўмард билан сайр қилган... Барча-барчаси ҳозир хаёлидан ўтди. «Ҳамма йигитлар ҳам унга ўхшаб номардмикин-а», дерди у ичида. Рўпарасида турган Ҳумоюнга тикилди. Бу одамнинг қилган яхшилиги учун унга албатта илтифот кўрсатиши керак. Лекин унинг Термизда қиладиган иши йўқроққа ўхшагани пайқаб, ҳайрон бўлди. Бу ҳам фирибгар эмасмикан? Бир балоси бўлмаса шудгорда... Онахон яна ўйлиниб қолди.

— Мен сизга бир гапни айтмоқчиман,— деди Ҳумоюн дафъатан Онахонга тикилиб,— айбга қўшмайсиз. Онахон унга ялт этиб қаради: — Марҳамат.

— Менинг хатимга жуда расмий жавоб қилдингиз. Эътибор бериб ўқидингизми?

—Ҳа. Иккови ҳам бир лаҳза жим бўлиб қолди. Ҳамма гап Онахонга маълум, бунинг Термизда ҳеч қандай иши йўқ, атай Онахон учун келган. Қиз буни фаҳмлаб, қизариб кетди.

— Хатингизни ўқиб, ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Отамлар ҳам жуда хурсанд...— деди Онахон ҳеч нима бўлмагандек.— Дадангиз ҳақида бу-вамда жуда яхши таассурот қолган. Кўп эслаб турадилар. Сиз ўзингиз ҳам...

— Гап унда эмас,— деди Ҳумоюн яна Онахоннинг кўзларига тикилиб,— мен сизни яхши кўраман... Мен... Агар мен сизга оз-моз ёқсам, тақдиримиз бирлашса...

Онахон ерга қаради. Нима деб жавоб беришини билмасди.



# А. Т. Твардовскийнинг 70 йиллигига


Александр Твардовский XX аср рус совет шеърлятидагина эмас, балки жаҳон шеърляти тараққиётида ўчмас из қолдирган буюқ сўз санъаткоридир. Унинг қудратли ҳаёт нафаси уфуриб турган шеър ва поэмалари, теран адабий-танқидий асарлари, оташин публицистинаси совет адабиёти хазинасидан мангу жой олган.

У қалби дарё инсон, жонажон халқининг мард фарзанди, граждон шоир эди. Твардовскийнинг қарийб ярим аср давом этган мазмундор ижодий йўлига назар ташласак бунга амин бўламиз. Унинг шеърлятида меҳнатнаш инсонга буюқ меҳр-муҳаббат ҳисси барқ уриб туради, халқ ҳаётининг ҳаққоний манзаралари рўй-рост тасвирланади. Шоир совет кишиларининг қаҳрамонона ҳаёти ва улар амалга ошираётган оламшумул ишларни ҳам, улар дуч келган қийинчиликлар, бошдан кечирган кулфатларни ҳам бирдай — гоёт ҳалоллик ва ростгўйлик билан бадий юксак мисраларда санъаткорона чизади.

1910 йили Смоленск областининг Загорье қишлоғида темирчи оиласида дунёга келган Александр Трифонович Твардовский рус қишлоғи, захматнаш рус деҳқонлари ҳаётини жуда яхши биларди. Қўлига гоёт эрта қалам олган шоирнинг дастлабки шеър, мақола, фельетон ва очеркларини ана шу элли тўдириб, кийинтираётган нишилар ҳаёти, курашларидан ҳиноя қиларди. Твардовскийнинг йирик асарлари — «Социализм сари» (1931), «Муқаддима» (1933) поэмалари, «Колхоз раисининг кундалиги» (1932) повести, шунингдек, «Шеърлар тўплами. 1930—1935» (1935) китоби ҳам коллективлаштириш йилларидаги деҳқон тақдирдан баҳс этарди.

Бироқ коллективлаштириш мавзуи «Муравия ўлкаси» (1936) поэмасида катта бадий куч билан ифодаланди. Поэма қаҳрамони мужик Нинита Моргунок мамлакат бўйлаб сарсонлик-саргардонлик йилларида «буюқ бурилиш» давридаги деҳқонлар ҳаётини кузатиш билангина нишоянламайди, балки «ўз тўпидан ажралиб қолиш»нинг фожиасини ҳам том маънода бор вужуди билан синаб кўради ва, пировардида, деҳқон учун бирдан-бир тўғри йўл — социализм йўли эканлигини тушуниб етди.

Александр Твардовскийга Улуғ Ватан уруши фронтларида яратилган, совет жангчисининг бой маънавий дунёси теран очилган «Василий Тёркин» (1941—1945) поэмаси жаҳоншумул шухрат келтирди. Жуда кўп тилларга таржима қилинган бу поэмада шоир рус халқининг ажойиб фазилатларини мужассамлаштирган Василий Тёркин тимсолида ўзининг ҳаёт мазмуни, қаҳрамонлиги, ватанпарварлиги, инсонпарварлиги, олижаноблиги ҳақидаги теран ўйларини, ёвузликка, пастнашликка нафрат ҳисларини ифодалаган. Бу поэма СССР Давлат мунофоти лауреати, шоир Рамз Божон таржимасида ўзбек нитобхонларига ҳам яхши таниш.



Александр Твардовский қаламнаш дўсти Фафур Фулом билан. Москва, 1962 йил.

Урушдан кейинги ижодида Твардовский халқининг тарихий тақдирини, «улкан ва машаққатли дунёсини» янгила, янада чуқурроқ ва ҳар тарафлама тадиқ қилади. «Йўл ёқасидаги уй» (1946) поэмаси, «Ржев яқинида ҳалок бўлганман», «Уруш тугаган кунда», «Шафқатсиз хотира» каби ўлмас шеърлари шулар жумласидандир.

Ленин мунофоти билан тақдирланган «Йироқ-Йироқларда» (1950—1960) поэмаси мавзу нўламанинг бепоёнлиги жиҳатидан ҳам, бадий юксаклиги ва кўтарилган проблемаларнинг салмоғи жиҳатидан ҳам совет адабиётида улкан нашоёт бўлди. Шоирнинг йўл кундаликлари асарда замондошимиз ўйларининг ёричи ифодасига, асримиз фарзандининг дил изҳорига айлиб кетади. Бу поэма жамиятимизнинг 50-йиллардаги ҳаётини, найфиятини ҳар тарафлама, кенг акс эттиради...

Чинанам халқ санъаткори Александр Твардовскийнинг халқимиз ҳаёти, асримиз кишиларининг мураккаб ва бой маънавий олами чуқур ифодасини топган ўлмас ижоди инсониятни йиллар оша инсонийлик, эзгулик, ҳақиқат тантанаси учун курашга чорлаб туради.

Мен Ржев яқинида  
Ҳалок бўлдим жанг чоғи.  
Қаттиқ ҳужум кунда  
Ютди номсиз ботқоғи.  
Чиппа битди қулоғим,  
На кўзим ўрни кўрди,  
Тубсиз жарга қуладим —  
Мени бир бало урди.  
Портлаш бўлди беадад,  
На белгию на унвон,  
Дунёда азал-абад  
Қолмади мендан нишон.  
Зулматда ризқ ахтарган  
Кўр илдиз ёнидаман;  
Булутдек чанг кўтарган  
Жавдар хирмонидаман;  
Тонгда ҳўроз навосин  
Ютган шабнамда — мен бор;  
Танклар йўлнинг ҳавосин  
Йиртган ҳар дамда — мен бор;  
Ут-ўлани ипсимон  
Чийратар бунда ирмоқ.  
Мумкин эмас, онажон,  
Келиб худойи бермоқ.  
Тириклар, ҳисобланглар,  
Сталинградда қачон  
Бошланган эди жанглар,  
Биринчи бор, беомон.  
Фронт — баданда чандиқ  
Ловуллаб ёнарди тез.  
Мен — ўлдим, хабарим йўқ:  
Ржевни олдикми биз?  
Қисмимиз ҳоли наҳот  
Урта Донда вой бўлди?..  
Ё ҳаёту ё мамот —  
Бу ой ёмон ой бўлди.  
Кузаккача наҳот Дон  
Душман қўлида турди,  
Наҳот ёв тўплар билан  
Волгага ёриб кирди?  
Йўқ, ёлғон. Бу ўйинда  
Ёв ютқазди — биз енгдик!  
Кирган бўлса у чиндан,  
Тик туради ҳар ўлик!  
Марҳумда, гарчи унсиз,  
Бир юпанч бор, бир имон:  
Ватан деб жон бердик биз,

Ватан қолди — соғ-омон.  
Кўзимизда нур ўчди,  
Юрак ўти сўнди, бас,  
Бизларни энди ҳеч ким  
Йўқламада чақирмас.  
Жанговар орденлар ҳам  
Тақилмас кўксимизга.  
Булар — сизга, тириклар,  
Бир юпанч етар бизга:  
Жон олиб, жон бердик биз,  
Ватан учун ўлдик мард.  
Гарчи бугун унсизмиз —  
Буни билишингиз шарт.  
Девордек жипс туринглар,  
Сафингиз бузилмасин,  
Токи сизга ўликлар,  
Лаънат бўлсин, демасин.  
Бу қадар даҳшатли сўз  
Берилган бизга мангу,  
Бундай даҳшатли ҳуқуқ  
Биз билан бирга мангу.  
Қирқ иккинчи йил, ёзда  
Мен қабрсиз кўмилдим.  
Сўнг тақдир неки ёзса,  
Бенасиб этди ўлим.  
Урфга кирган ва аниқ  
Одатларингиз сизнинг,  
Ҳаммаси бўлсин бизнинг  
Эйтиқодга мувофиқ.  
Биродарлар, сиз балки  
Донни бой бермагансиз,  
Балки Москва жангида  
Унинг учун ўлгансиз.  
Балки Волга бўйида  
Ошиғич ер қазгансиз,  
Европа четигача  
Ҳужум билан боргансиз.  
Билсак, бизга кифоя,  
Бизникилар олганим! —

Александр ТВАРДОВСКИЙ

## Ржев яқинида ҳалок бўлганман

Сўнгги бир қарич ер ҳам  
Қўлимизда қолганим.  
Шу сўнгги бир қарич ер,  
Олинмай қолса агар,  
Орқасига қайтганлар  
Қаерга оёқ кўяр?  
Сўнгги чизик ортидан  
Елкалар оша ўрлар —  
Ураллик темирчининг  
Машъаласи ловулар.  
Балки қочган мурдорлар —  
Ғарбга қувиб солгансиз.  
Эҳтимол, биродарлар,  
Смоленски олгансиз?  
Балки душман тишлар ер,  
Узга марраларда ҳам,  
Қадамингиз етгандир  
Чегарага ушбу дам?  
Балки... Ҳа, бажарилур  
Муқаддас қасам сўзлар! —  
Берлин албат олинур,  
Онт ичган эдик бизлар.  
Ёв қалъасин ушбу дам  
Дўстлари топтар экан,  
Кошкийди ўлганлар ҳам  
Йиғлай олса шодликдан!  
Мангуликка юз бурган  
Биздек гунгларни ялпи  
Тирилтирса қанийди  
Бир он ғалаба залпи,  
Содиқ дўстлар, шу маҳал,  
Урушдаги у чексиз  
Бахтингизни мукамал  
Англаб олар эдингиз.  
Уша бахтада, бегумон  
Бизнинг қон ҳам бор бир оз,  
Бор — ўлим узиб кетган  
Ишонч, нафрат, эҳтирос.  
Бари бизнинг! Фирромлик

Қилмадик биз мутлақо.  
Не бор — бердик, ўзимизга  
Қолдирмадик ҳеч вақо.  
Тириклар, сизларга тан  
Бари — мангу, муддатсиз.  
Бу овозни гоёибдан  
Таъна деб тушунмангиз.  
Бу урушда, ҳа, дўстлар,  
Бизлар теппа-тенг эдик.  
Ким ўлди, кимлар тирик,  
Ажратиб ўтирмадик.  
Чопа туриб, байроқни  
Олдилар қўлимиздан,  
Тириклардан ҳеч бири  
Қарздор эмасдир биздан.  
У ҳам бир қадам ўтиб  
Ўлган бўлиши мумкин.  
Советлар юртини деб,  
Шу муқаддас иш учун.  
Мен ўлдим Ржев ёқда,  
У — Москва ёқасида.  
Жангчи дўстлар, бормисиз,  
Тириклар орасида?  
Миллионли шаҳарлар,  
Кентлар, хонадонларда?  
Ёт тупроқда, жанговар,  
Ҳушёр гарнизонларда?  
Ўз элингми, ўзга эл,  
Гулзорми ё қорли ер...  
Васият шу: омон бўл —  
Марҳум бошқа не ҳам дер?  
Васиятим: ҳаётда  
Ҳамиша бахтли бўлинг,  
Юрта бундан буён ҳам  
Виждонан хизмат қилинг.  
Мағрур туринг — кулфатда,  
Бошингизни эгмасдан,  
Зафар чоғи албатта  
Шодланинг — керилмасдан.  
Ғалаба — бахт келтирган,  
То абад асранг уни.  
Асранг, у деб жон берган  
Жангчи хотирасини.

1945—1946

Сулаймон РАҲМОН таржимаси





Хайриддин СУЛТОНОВ

Ҳикоя

Расмии Ҳ. РАҲМАТУЛЛАЕВ чизган

# ҚОҒОЗ ГУЛЛАР

**У**БИРДАН сесканиб тушди, ҳадиксираб атрофига аланглади: «Улай агар, телба бўлиб қоламан...»

Кўнглининг қоронғи кўчаларидан мўралаб турган аллаким кафтлари билан юзини тўсиб, сирли кулимсиради: «Телба бўлмайсиз, домла!»

Кўнглининг қоронғи кўчалари бирдан ёришди — биқиниб турган одамнинг юзи аниқ-таниқ кўринди. Хушxabарни ҳам шу — Кенжа Неъматов олиб келган эди...

— Домла-а,— деди у лабларини қимтиб,— суюнчини чиқараверинг!

Хушомад — сохта нарса, бунини ҳар икки томон сезиб турганда, ўртадаги мулозамат риштаси пўлатдан бўлса ҳамки, чўрт узилади.

— Хўш?

— Эшитмадингизми? Э, домла, ростдан ҳам... Лекин худо деган одам экансиз...

У ижирғаниб сўради:

— Нима гап, ахир?

— Табриклайман, домла, чин дилдан кўтлайман! Зиёфатга ҳозирлик кўраверсак булар дейман, а?

У ҳамон гарангсиб турарди, «қошларини чимирди:

— Очиқроқ гапирсангиз-чи!

— Э, домла,— Неъматовнинг овози ғамгинлашди,— газетани кўрмадингизми?

— Йўқ.

— Наҳотки?— Неъматов синовчан тикилди.— Мана бунини-я?— У чўнтагидан букланган газета олиб столга ташлади, тўртинчи бетни очиб имо қилди:— Ана!

Қора ҳошия. Ҳиссиз сўзлар:

«...институтини маъмурияти амалий математика ва механика кафедрасининг мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор Зариф Усмоновнинг вафот этганлиги...»

У кўзларига ишонмай Неъматовга қаради. Неъматов унга ишонч билан қараб турарди.

— Ҳа, домла, минг афсус, лекин... ўлим — ҳақ. Аммо Зариф Усмонович ҳам хўб беармон давр сурди-да!

Бирдан мия томирлари живирлашиб кетди:

— Неъматов! Сиз... сиз нима, мастмисиз? Эсингизни едингизми, ё мени мазах қиляпсизми?

Неъматовнинг киприклари бир пирпиради-ю, мулойим қўйқўзларидаги хокисор ифода ўзгармади.

— Мени шунчалик пасткаш, деб ўйладингизми?

— Омон Ғаниевич, мен... ўлай агар, чин дилдан...

— Шу гапни кўтариб борсам, суюнади, деб ўйладингизми? Э, одамнинг ҳар нарса бўлгани яхши!

Неъматов ерга қаради. Индамади. Аммо музтар, мўмин-мўте қиёфасида «Ул-а, бу кўнингдан...», деган бир маъно аён сезилиб турарди.

У столдаги календарга тикилганча бўғиқ овоз сўради:

— Қачон чиқаришар экан?

— Билмадим,— деди Неъматов бошини кўтармай.

— Бориб билинг — деб буюрди у соатига кўз ташлаб.— Кейин менга хабар қилинг.

...Икки ҳафтадан сўнг ёр-биродарлари таниш-билишларининг табрикларини табассум билан қабул қиларкан, кўксига бир ҳовуч игна санчилгандек юрагида оғриқ сезарди.

Телефонда навбатдаги қўтловга жавоб қайтараётиб «Қошки дардингни билмасам! Лекин диссертациянга оппонент бўламанми-йўқми, худо билди», деб ўйлади-да:

— Раҳмат, раҳмат, гоят миннатдорман. Албатта. Хўп, дўстим, келинг мундай бир, отамлашамиз,— дея трубкани қўйди.

Столдаги даста-даста телеграммалардан бирини олиб, ҳафсаласизгина кўз югуртирди:



«Чин дилдан қўлайман сиҳат-саломатлик бахт тилайман ҳурмат билан Акбар».

«Ҳм!— дея истеҳзо билан кулди.— Акбари ким эди? Э, анови аспирант йигитнинг отаси-ку!»

Кечки пайт институт йўлагига баланд бўйли, тепакал одамнинг қизгин табрикларини тоқат билан эшитаркан: «Тумшугинга бир туширсам», деб кўнглидан ўтказди, кейин эса илжайганча:

— Раҳмат. Хўп, омон бўлинг, келинг бир, суҳбатингизни соғинганман,— деди.

Ишдан қайтаётганида эшик олдида ўтирган заҳил юзли чуваккина қоровул чол ўрнидан туриб салом берди, чой узатиб: «Мартабангиз яна ҳам улғу бўлсин, иним», деди. Бу чолни ҳар кунни бир жойда — останадаги стол ёнида кўрар, ҳар кўрганда, негадир, «Ошқозони касал бўлса керак», деб ўйлар эди. Пиёлани кўлига оларкан, чолга истеҳзо аралаш шубба билан тикилди: унинг киприксиз, чағир кўзларидан самимиятдан ўзга ифода йўқ эди — бирдан уялди.

Эртаси кечқурун шаҳарнинг ҳашаматли ресторанидан бирида даб-дабали зиёфат бўлди. Шодибёнинг сабабчиси атай шу ресторани танлаган эди. Чунки бундан йигирма саккиз йил муқаддам шаҳарга илк бор келганида мана шу ресторан останада ўзи ҳали-ҳануз ҳазин бир кулги билан эслайдиган ғаройиб воқеа юз берган эди. У — мактабни эндигина тугатган бўзбола, бошида дўппи, эғнида итёқа кўйлак, онаси ҳужжату кийимларига қўшиб жийда, туршак, қурут тугиб берган шойи қийиқни бағрига босганча олис тоғлар орасидаги кичкина қишлоғидан улкан шаҳарга тушиб келди. Денгиздек бепоён, ғала-ғовур манзаралардан кўзи қамашиб, ҳуши бошидан учган йигитча кун бўйи шаҳарни кеза-кеза тинка-мадори қуриди, қош қорайганда ҳашаматли бир иморат қаршисидан чиқиб қолди. Пештоқлари баланд, кунгирадор деразалардан еб-ичиб ўтирган одамлар кўзга чалинар, хушчақчақ қаҳқаҳа эшитилар эди. У тамшаниб, ичкарига қараб йўналди. Оппоқ ёқа устидан капалакнуска бўйинбоғ таққан «эшик оғаси» уни бўсағада тўхтатди, аммо ўспирин парво қилмай олға интилди. «Эшик оғаси» аччиқланиб унинг тугунига чанг солди. Шойи қийиқ сандиқда ётавериб ҳилвираб қолган экан, «эшик оғаси» ёпишиши биланоқ тилка-пораси чиқди. Олис тоғлар орасидаги қишлоқдан эсон-омон келаётган жийда, туршак, қурут катта шаҳарнинг мармар полга сочилиб, ер билан битта бўлди... Қачон бу воқеани эсласа, юзи худди ўшандагидек ловиллаб, иссиғи чиқиб кетарди. Кейинчалик, институтда ўқиб юрганида кўнглига бир ниятни қаттиқ тугиб қўйди: «Улмасам, бир кун мен бу мағрур шаҳарни забт этаман! Бу такаббур одамларни бўйсундираман! Ана ўшанда ҳаётимдаги энг бахтли воқеани шу ерда нишонлайман! Улма-сам!»

У ўлмади — ниятига етди. Не-не улкан тантаная базми жамшидлар гувоҳи бўлган бу кўҳна ресторанда юксак унвонга эришиши муносабати билан дабдабали зиёфат берди; узок-яқиндан келган дўст-ёрлари, ҳамкасбаларининг табрикларини жилмайиб ўтирганча эшитди; сархуш жўралари билан бирма-бир қадаҳ чўқштирди; ўзининг «буюк олим», «ажойиб инсон», «зўр ташкилотчи», «ғамхўр устоз», «меҳрибон ота» эканидан воқиф бўлди. Биллур кандиллар ёғдусига чўмган муҳташам зал бўйлаб номи мағрур парвоз қилди, нақшинкор шифт остида салобат билан қайта-қайта акс садо бериб янгради: «Омон Ғаниевич... Омон Ғаниевич... Омон...»

Зиёфат тарқаб, ярим кечаси уйга қайтдилар. Ниҳоят, ўз хонасида ёл-

ғиз қолди. Дафъатан юрагига ғашлик тушди. Назарида, гўё шилимшиқ бир нарсани босиб олгану шу кўйи ўринга кириб ётгандек... Гўё кўксига қадалган ўша бир ҳовуч игнани кимдир бетўхтов суғуриб-санчиб олаётгандек... Зиёфат тафсилотларини эслаб, таъби баттар хира бўлди: ўзи беҳад ҳурмат қиладиган, алоҳида лутф билан таклиф этилган кекса бир олим тантаная келмади — ким билсин, муносиб кўрмадимми? Тўрдаги столда иккита тепакал профессор бутун зиёфат давомида нега бу қадар сирли илжайиб ўтиришди? Бурчакда, ёш олимлар даврасида кетма-кет янграб турган қаҳқаҳа, нега унинг кўзи шу томонга тушди дегунча тўхтаб қолаверди? Нега? Сайдаз... Сайдазни бир оғиз...

Дераза рафларида, жавон, столдаги биллур гулдонларда зиёфат чоғи тақдим этилган гулдасталар ҳали яшнаб турар, анвойи гуллар ҳидидан хонада нафас олиш ҳатто бирмунча оғирлашган эди. У ўрнидан туриб, целлофанга ўралган гулдасталардан бирини кўлига олди. Ҳидлади. Димоғи битиб қолгандек қип-қизил чиннигулларда ҳеч қандай хид туймади — гўё қоғоздан ясалган... Гулбарглардан бирини оҳиста юлиб, кафтида эзғилди, бармоқларида нам сезса-да, гулларнинг қоғоздан эмаслигига ўзини ишонтиролмади!

Тонг яқин эди. У ортиқ чидаб бўлмаглигини англади.

Машинани ўт олдиранкан, беихтиёр: «Мана, мен балки шу бугун ўлиб қоларман. Тўсатдан. Ёки, узок йўлга чиқяпман, хаёлим паришон — аварияга учрашим мумкин. Хўш, шунда... шунда Кенжа Нейматов эрталаб кимни табрикларкан? — деб ўйлади. — Ҳойнаҳой, Тонготардан суюнчи олса керак».

Бу номни эслаши билан баттар диққати ошди — Тонготар Раҳимов деган ёш олимни рақиб деб биларди.

Аммо шу заҳоти хаелига бошқа бир фикр келди: «Ўзинг-чи? Ўзинг ҳам ундан шу гапни эшитганда, лоақал бир зум бўлса-да, қониқиш ҳис этмадингми? «Қачон?», дейсанми? Қачон бўларди, Кенжага диёнатдан ваз ўқимасингдан аввал! Фақат ғаламаслик қилмай ростини айт — кўркма, бу гапни ўзингдан бошқа биров эшитмайди».

Икки томонида қалин, адл тераклар саф тортган йўл кимсасиз эди. Кўнглидаги гулгула кўркувга айланди: қайёқ кетяпти? Нима учун? Икки йилдан бери юз кўришмаган одамнинг олдига тентакка ўхшаб, тўппа-тўсиндан... Хўп, ана, борди. Кейин-чи? «Иқрорман, виждонсизлик қилдим-у, азобда қолдим. Дардимни сенга айтгани келдим», дейдимми? Сайдазга-я?! Кошки Сайдаз дилини хуфтон қилмаса! «Ҳм,— дейди лабларида ўша истеҳзоли кулги ўйнаб,— кептилар-да! Ўқидик. Муборак бўлсин! Отининг ўлими — итнинг байрами экан-да, а?» Шунда у нима дейди? Қандай жавоб қайтаради? Ягона, синалган усулни қўлайди — ночор, зўраки ишшайди, холос. Сўнг Сайдаз бирдан тутатиб: «Ҳой, менга қара! — дея ўшқириб турди.— Нима, амал, мартаба, деб шунчалик имонингни ютдингми? Ахир, ўзинг индаллосини айт: Зариф Усмонов қайёқда сен қайёқда! Шундай одам турганда номзодингни қўйгани уялмадингми?» Бунга нима дейди? «Уялишга уялдим, лекин мен номзодимни қўймасам, Латипов ўз номзодини қўярди-да!», деёлмайди-ку! «Индамасан-а? Индаёлмайсан. Менинг олдимга нима деб келдинг? Э, туришингни қара, елкангни қисиб... Сеники қизиқ: қилғилкни қилиб, кейин азоб тортгандек бўласан. Йў-ўқ, тақсир, бунақаси кетмайди: ё деворнинг у ёғига ўтинг, ё бу ёғига! Ё имонсиз бўлинг, ё...»

Албатта, шу тариқа дакки-дашномдан сўнг у банорас тўнини елкасига

ташлаб шартта ўрнидан туради, кафтини тўлдириб нос отади-да, ғўлдираб: «Кўчанинг ўртасида кўкрагини кериб юрмаган йигит йигитми? Бўйнида иллоти бор одамгина бўғотнинг тағида елкасини қисиб юради. Бўғотнинг тағида юришдан худонинг ўзи асрасин», дейди.

Наҳотки, азза-базза шу маломатларни эшитиш учун кетаётган бўлса? Аммо энди изига қайтса ҳам бўлмайди. Қайтса, яна ўша хонасига кирди, яна ўша гулларга кўзи тушди, уларнинг қоғоздан эмаслиги яна шубҳалантиради, қизгин қўлловлар қулоқларига яна кўрғошин бўлиб қуюлади... Таваккал — боради. Зора, юрагидеги санчиқ босилса!

Ҳалигача ўйлаб ўйига етолмайди: Сайдаздаги бу қайсарлик (у бунга асло мағрурлик деб билмас эди) қайёқдан пайдо бўлган экан? Ахир, Сайдаз ниҳоят акасининг кўлида, келиноҳисидан даккию дашном эшитиб ўсган бир етимча эди-ку! Лекин ҳалигача икки гапнинг бирида: «Кўчанинг ўртасида кўкрагини кериб юрмаган йигит йигитми?», деб қулади.

Қайсарлиги бошига бало бўлди. Бўлмаса, шу калласи билан Сайдаз, эҳ-ҳэ, аллақачон...

Улар ёшлиқдан қалин дўст эдилар. Бундан икки йил аввал ҳам шундай эди. Энди эса... У Сайдаздан бари бир воз кечолмас экан — кейинги икки йилда бунга айниқса яққол сезди. Негадир, унинг Сайдаз ҳам изтироб чекиб юрганига ишонгиси келарди.


Улар биринчи синфдаёқ ўз-ўзидан дўст бўлдилар. Дўст тутинганлари йўқ — дўст бўлдилар. Сайдаз — Сайдазим елкасида латта жилд, эғнида увада чопон билан дарсга қатнардди. Қуюқ қошлари чимирилган, қомати самбитдек, оқ юз, йирик, ғамгин кўзли бу бола юпун либосда ҳам чақмоқдек чақнаб, шу қадар мағрур юрардики, ёлғиз Омон эмас, синфдаги ўттиз ўқувчининг ҳаммаси устидаги кийимини Сайдазининг эғни-бошига жон-жон деб алмаштиришга тайёр эди.

Сайдаз уччига чиққан тўполончи эди. Фақат дарслар тугаб, ҳамма уйига отланганда шўхликлари сўниб, маънос тортиб қолар, мактабдан қайтаркан, бояги бурро, абжир Сайдазининг жонли суратига айланар эди. Дарсдан кейин Омон уни кўпинча елкасида обкаш — сувга кетаётганида, кўлида замбилгалтак — тепага кул тўкиб келаётганида учратарди. «Юр мактабга, ўйнаймиз», дерди у. Сайдазининг кўзларида бир лаҳза учқун чақнаб, шу заҳоти сўнардди: «Йўқ». Кўклам қуёши қиш заҳридан увишган елкаларни қиздириб, зада вужудларни илиқ, беозор ҳарорат билан лоҳас этган узун кунларда дарс тинглаш ихтиёрий ўқубатдек туюларди. Лолақизғалдоқдан ёнган томлар, шох ташлаган варрактлар... Юрак энтикарди. Бундай кезлар диққанафас хонада «Синфдан ташқари ўқиш» эълон қилинарди. Бирданга хушчақчақ сурон бошланар, ҳамма ялт этиб Омонга — тинимсиз китоб ўқийдиган, «эртанинг кони»га қарар эди.

— Омонтой ҳозир «Бўзбола»ни айтиб беради,— дерди муаллима.

«Бўзбола!»

У орқа партада ёлғиз ўтирадиган Сайдазининг кўзлари дафъатан чақнаб кетганини сезарди. Қалбини ёниқ бир мунг қамраб, томоғини аллақандай хўрлик тўғуси кўйдира бошларди. Онаси ўйлаб, отаси ёш хотинга уйланган Бўзболанинг аянчли қисмати ҳақидаги қадимий эртани ҳасрат ва ғуссага чўйиб нечанчи бор ҳикоя қиларкан, у гўё ўз юрагини тирнаётган аччиқ аламларни сўзлаб бераётгандек бўларди. Бўзбола ўғай она ситамларига чидаёлмай ота уйдан бош олиб кетадиган лавҳани айтаётганида лаблари қуруқшаб, ҳаяжони ортар, ранги бўздек оқариб, ҳушсиз каби ўтирган Сайдазни кўрмаслик



учун кўзларини чирт юмиб олар эди.

Бу қайғули қисса Сайдаз ҳақида эканини шу ким мурғак гўдақдан бўлак ҳеч ким билмасди.

У эртақда бир қўшиқлар бўларди!..

«Бўзболажон, Бўзбола, Қирларда битган лола! Сандиқдаги тўнлардан Ола кетгин, Бўзбола!

Бўзболажон, Бўзбола, Қирларда битган лола! Қўтондаги қўйлардан Ола кетгин, Бўзбола!

Бўзболанинг отасига гинаси зўр эди — қайрилиб қарамади...»

Қўтондаги қўйларинг Бўзболага керакмас. Сандиқдаги тўнларинг Бўзболага буюрмас.

Қўтондаги қўйларинг — Маъраканга сўйилсин! Сандиқдаги тўнларинг — Кафанликка буюрсин!..»

Бўзбола шундай деганча кўзида ёш билан орқасига қарамай кетаверди...»

Шунда унинг ҳам кўзларидан тирқираб ёш оқар, бепоён дашт йўлида бошини қўйи солган қўйи танҳо кетиб бораётган маънос Бўзболанинг ортидан жимгина эргашиб кетгиси келар эди...»

«Уша мен эдимми? — деб ўйлади у бирдан.— Мен эдимми? Мен бўлсам... унда мана бу ким? Ё худо!»

Йўл тепаликка ўрлай бошлади. У чўнтагини кавлаб, сигарета олди. Кўм-кўк тутунда яна хаёли чуваланди.

Сайдаз... бари бир мағрур экан-да! «Бўзбола» ҳақида бирор марта — на яҳши, на ёмон, деб оғиз очган эди. Фақат шу нарса эсида: бир кун икковлон далага ўт ўргани бориб, яқна туп жийда тағида дам олиб ётганларидан Сайдаз дафъатан: «Анув... чўлпагингни айтиб бергин», деб секин илтимос қилган, бироқ эртан ниҳоясига етмай, хомуш тортиб, ўрнидан туриб кетган эди...»

Ушандан буён не-не тоғлар кунпая-кун бўлди, дарёлар тескари оқди, аммо Сайдаз мағрурлигича қолаверди. Ёдида, бир кун синф раҳбари Холмат ака дарсга этик, пахталик кўтариб кирди, яқинда отаси қазо қилган Абдували деган бола билан Сайдазни ўрнидан турғазди: «Мана бу — мактабнинг сизларга ёрдами, олиб бориб кийинлар. Фақат бунга яҳши ўқиш билан оқлаш керак. Тагин, этикни худо берди, деб роса аямалак учмаларинг, авайлаб кийларинг. Ма, Абдували...» Абдували секин бориб кийимларни олди. «Ма, Сайдаз...» Сайдаз жойидан





# ЛЕНИН учқуни

Болалар, йигит-қизлар «Пионер Востока» ва «Ленин учқуни» газеталари, комсомол газеталаримиз саҳифаларидан ўзларини руҳлантирадиган, юсак фикр ва олижаноб мақсадларни уйғотадиган қизиқарли, мароқли материалларни ҳамisha топа олишларига аминмиз. Пионер матбуотимиз бундан буён ҳам ёш ленинчиларнинг коллектив вожатийси сифатида иш кўради, болаларни янги ҳаёт барпо этишнинг актив қатнашчилари, ўз мамлакатининг хўжайинлари бўлишга ўргатади, деб ишонамиз.

Ш. Р. РАШИДОВ

## ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ

22 минг саҳифали китобни тасавури ниҳоятда зўр бўлган киши ҳам кўз олдига келтириши қийин. Агар «Ленин учқуни» газетасининг барча сонларини улкан бир муқовага тўпласак, ана шундай катта китоб бўлади. Мана, 50 йилдан ошдики, республикамиз пионер ва ўқувчилари мазкур газетани катта қизиқиш билан ўқиб келмоқдалар.

1929 йил 1 августда бу газета атиги 3 минг нусхада босилган эди. Ҳозир эса, яъни орадан ярим аср ўтгач, «Ленин учқуни» обунчиларининг сони 1 миллионга яқинлашиб қолди.

Шу нарса диққатга сазоворки, «Ленин учқуни» Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва В. И. Ленин номидаги пионер ташкилоти республика Советининг органи сифатида ўзи ташкил топган биринчи кунда-ноқ пионер ҳаётининг коллектив

ташкilotчиси бўлиб майдонга чиқди. Биргина мисол. 1930 йили республика пионерлари «Ленин учқуни» ташаббуси билан Ленинград ва Иваново-Вознесенск тўқимачиларига совға қилиб юбориш учун пионер пахта эшелонига етарли «оқ олтин» теришга киришдилар. Бу шаҳарларга кейин ҳам юбориб турилган пионер пахта эшелонларининг шонли эстафетаси ана шундай бошланган эди.

1932 йилнинг августида газета саводсизликка қарши юриш эълон қилди. Газета ўз ўқувчиларига: «Ҳар бир пионер ўқиш ва ёзишни билмайдиган кишиларни ўз оталигига олсин», деган шior билан мурожаат этди. Натижада саводсизликка қарши пионерлар юриши республикада оммавий тус олди.

Газета ҳақиқий «Болалар комиссари» сифатида қизиқарли походлар ва ўқув кабинетларида ёш ленинчи-

лар билан ҳамisha бирга бўлди, уларни турли-туман турнирларда қатнашишга таклиф этди, футбол майдонларига чорлади. Тошкент метросини эртароқ битказишда қурувчиларга қандай ёрдам бериш кераклигини ўргатди. Қора тупроқли бўлмаган ерларга гул кўчатларини юборишни уюштирди.

«Ленин учқуни» томонидан ташкил қилинган конкурс ва олимпиадалар, турнир ва эстафеталарнинг номларини санаб ўтишнинг ўзиёқ анчагина жойни эгаллайди. Бинобарин, уларнинг рўйхати тузилганда биринчи ўринда: «Қишлоқда яшайсанми — техникани бил!»; «Ўлкамизни яшил боққа айлантирамиз», «Пионер металлони — Тошкент метрополитенига», «Ильичга яшил ёдгорлик», «Ленин номи — Ўзбекистон хартасида» каби тadbирларни, «Совет Армиясининг ёш дўстлари» — «САЕД» клубини, «Светофор» ўйин-викторинасини, «Аниқ фанлар ишқибозлари мусобақаси» — «АФИМ»ни, «Ёш кўёнбоқарлар кўриги»ни, «Оби ҳаёт» ва «Ўзбекистон гуллари — Қора тупроқли бўлмаган ерларга» операцияларини, «Ёш деҳқонларнинг кичик академияси» — «ЕДКА»ни, «Вива Куба» ва «Оловқалб комсомол» конкурсларини, «Сени шарафлаймиз, Октябрь» викторинасини ҳамда пионер ва ўқувчилар орасида кенг оммалашган «Чим устида хоккей», «Енгил атлетика эстафетасини, анъанавий «Янги йил шахмат конкурси» каби спорт мусобақаларини тилга олиш лозим бўлади. Булар «Ленин учқуни» газетасининг катта ташкилий ишларидан бир томчи, холос.

Газета ўз ўқувчилари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Ҳар кунни редакция почтасига республикамизнинг турли областларидаги ўқувчилардан икки юзга яқин хат келади. Бу хатларда ёш мухбирлар муҳим пионер ишлари ҳақида ҳикоя қиладилар.

Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ешлар Союзи Марказий Комитети, В. И. Ленин номидаги пионер ташкилоти республика Советининг «Ленин учқуни»га табригда таъкидлангани-

дек, Коммунистик партиянинг ёш авлод билан ишлашни такомиллаштиришга қаратилган тарихий қарорлари газета фаолиятида доимо бош йўналиш бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Бизда комсомолнинг муносиб ўринбосарлари вояга етаётган экан, республикамизнинг қизил галстукли армияси ўзининг ўқиши, меҳнати, жамоат ишларидаги иштироки билан катта авлодга Коммунистик партия белгилаб берган улкан планларини амалга оширишларида ёрдам беришга ҳамisha тайёр турар экан, бунда «Ленин учқуни»нинг хизмати каттадир.

Ёш авлодда ўз социалистик Ватанига граждан ва ватанпарвари фазилатларини тарбиялашни газета ўзининг бош вазифаси деб билади. Бу ишни амалга оширишда редакция ходимларига ёзувчи ва олимлар, ишчи ва колхозчилар, спортчи ва ўқувчилар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Улар газета саҳифалари орқали болалар билан турли мавзуларда суҳбатлашадилар.

Ўтган йили ёш газетхонлар учун қувончли воқеа рўй берди. «Ленин учқуни» Ватанимизнинг юсак мукофоти — «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланди. Болаларнинг сеvimли газетаси Халқаро болалар йилида ана шу мукофотга сазовор бўлди.

Бу юсак мукофот «Ленин учқуни» ходимларини, унинг кўп минг сонли ёш мухбирларини янги-янги муваффақиятларга илҳомлантирмоқда.

Ўзбекистон пионер ва ўқувчиларининг орденов газетаси «Ленин учқуни»нинг ёши элликдан ўшди, лекин у ҳамон ёш, ҳамон пионер жанговар анъаналарига ҳамisha содиқ. Юсак мукофот уни янги-янги ютуқларга чорламоқда. У ҳам тили, ҳам дили билан болаларга хизмат қиладди, қизиқ-қизиқ ишлари, ажойиб-ғаройиб ташаббуслари билан доимо пионер ва ўқувчилар сафида, уларнинг ажойиб таржимани ҳолини ёзиб борувчи чарчамас тарихчиси бўлади.

**Суроб ЙУЛДОШЕВ,**  
«Ленин учқуни» газетасининг редактори

## МИННАТДОРМАН

ли шарафли ишчи касбини эгаллашимда ҳам ёрдам берди, деб айта оламан.

Ҳа, ёш авлодни доҳий Владимир Ильич Ленин ғоялари руҳида, Ватанга, меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш — шарафли вазифадир. «Ленин учқуни» газетаси ана шу муҳим вазифани эллик бир йилдан буён муваффақият билан адо этиб келмоқда. Юсак мукофот — «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланиши газетанинг ярим асрлик самарали, ижодий меҳнатига берилган муносиб баҳо бўлди.

Бу ажойиб газета ҳамisha долзарб ватанпарварлик билан майдонга чиқади. Мен улардан бирини эслаб ўтмоқчиман. 1976 йили «Ленин учқуни» саҳифасида ишлаб чиқаришдан келган бир гуруҳ вожатийлар, яъни пионерлар билан иш олиб борувчи комсомолларнинг республикамиздаги барча йигит-қизларга мурожаати эълон қилинди. Шу мурожаатга жавобан, заводимиз комсомол-ёшларидан катта бир гуруҳи пионер отрядларига вожатий бўлиб бордилар. Ҳозир эса газета республикамиздаги 100 мингдан кўпроқ пионер комис-

сарлари ишини янада яхшилашда яқиндан ёрдам бермоқда.

«Ленин учқуни» газетаси ишчиларнинг муносиб ўринбосарларини вояга етказиш соҳасида ҳам катта иш қилмоқда. Унинг машҳур ишчилар, механизаторлар ва бошқа касб эгалари, ҳунар-техника билим юртлари ҳамда ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари ўқувчилари ҳақидаги ҳикоялари болаларда ишчи касбига зўр меҳр уйғотмоқда. Шунинг учун ҳам сеvimли газетамизга барча ишчилар номидан раҳмат айтаман.

**Маҳмуд МУЙДИНОВ,**  
Ворошилов номидаги Тошкент Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи слесарлар бригадасининг бошлиғи, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, ЎзССР Олий Советининг депутати.

Леонид Ильич Брежневнинг юсак таҳсинига сазовор бўлган пахтакорларимиз эрта кўклардан кеч кузгача далада тер тўкиб етиштираётган «оқ олтин»нинг ярмидан кўпроғи бизнинг заводимизда яратилган — жаҳонда энг яхши пахта териш машиналари ёрдамида йғиб-териш олинмоқда. Бу мени — шу машиналар бунёдкорлари сафида меҳнат қиладиган ишчини ниҳоятда қувонтиради.

Мен ўзим деҳқон фарзандиман. Пахта усталарининг маскани — Фарғона водийсида туғилиб ўсганман. Пахта меҳнатининг қадрини яхши билмаман. Шунинг учун қишлоғимизга илк пахта териш машиналари кириб келганда: «Уларни ким яратган?», деб кўплардан сўраганман. Сирасини айтсам, бу саволимга сеvimли газетам — «Ленин учқуни» саҳифаларидан жавоб топдим. У кейинча-



# ВАТАНГА!

«Азиз тенгдошлар! Бугун биз сизни жанговар бир ишга жалб этмоқчимиз. Бу — Тошкент метрополитенини қуриш, бунёд этиш иши! Албатта, биз қурувчи ака-опаларимизга тупроқ қазиш ишларида ёрдам беролмаймиз. Биз уларга тайёр хом ашё билан ёрдам беришимиз мумкин».

Бундан етти йил аввал — 1973 йил 5 май куни мактабимиз пионерлари, ака-опаларимиз «Ленин учқуни» газетаси орқали республикамиздаги барча тенгдошларига ана шу сўзлар билан мурожаат этиб, уларни — Тошкент метрополитени учун темир-терсак тўплашга чақирган эдилар.

Бу ажойиб ташаббусга тез орада барча пионер ва ўқувчилар қўшилдилар. Биргина Тошкент шаҳрининг пионер ва ўқувчилари тўрт йил мобайнида 2 минг тонна темир-терсак тўплаб топширдилар.

Бугун ака-опаларимиз бошлаб берган ишни биз давом эттирмоқдамиз. Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги кунига «Металл парчалари — Ватанга!» операцияси бўйича ҳар бир ўқувчи ҳисобига 50 килограммдан темир-терсак тўплашга ваъда берган эдик. Аҳдимизни адо этдик.

**Мухлиса ИСМОИЛОВА,**  
Тошкент шаҳридаги 144-мактабнинг 7-«А» синф ўқувчиси



«Ленин учқуни» ходимлари (ўтирганлар, чапдан): машинистна Насиба Неъматова, мухбир Муяссар Отажонова, мактаб ва пионер ҳаёти бўлими мудири Ёқут Раҳимова, газета редактори Суроб Йўлдошев, масъул секретарь Абдусалом Кўчимов, хатлар бўлими мудири Мавлуда Юсупова, адабиёт ва санъат бўлими мудири Султон Жаббор, (орқада турганлар, чапдан) мухбир Ҳамид Норқулов, техник редактор Рустам Рўзиматов, расм Аброр Алиев, корректор Фаррух Раҳимов, фотомухбир Равил Альбеков навбатдаги сон материалларини муҳокама қилмоқдалар.

## ГАЗЕТА ЁРДАМ БЕРАДИ

Макулатура катта аҳамиятга эга бўлган хом ашё. Чунки 1 тонна макулатура — 100 та китоб ва 25 минг дона дафтар бўлади. Шунинг учун ҳам мактабимиз ўқувчилари қоғоз чиқиндилари тўплаш ишига астойдил киришганлар. Биз шу кунгача 1 минг 200 килограммдан зиёд макулатура тўплادик. Бундай жамоат топшириқларини бажаришимизда бизга сеvimли газетамиз «Ленин учқуни» яқиндан ёрдам беради. Макулатура тўплаш бўйича эълон қилинган «Миллион — Ватанга!» операциясида фаол иштирок этаётган ўқувчилар тажрибаси газетада кенг ёритилади.

Шунингдек, газета орқали бошқа жойлардаги тенгдошларимиз олиб бораётган ишлардан хабардор бўламиз ва ташаббускорлик ҳаракатларига қўшилаемиз.

**И. ЖАЛИЛОВ,**  
Наманган область, Янгиқўрғон районидаги 2-мактаб



«Ленин учқуни» газетаси «Еш мухбирлар мантаби» аъзолари икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Н. Н. Руквишинов меҳмон бўлиб келадиган кунни орзиқиб кутган эдилар...

## КОСМОНАВТЛАР НОМИДАН

Космос ҳақидаги ўйлар мактаб партасида ўтирган ёш техниклар станцияси тўғарақларига қатнаб юрган чоғлардан бошланади.

Менинг болалик йилларим саний ўзбек тупроғида кечди. Энг муҳими, кўп дўстларим қатори, мен худди шу йиллардан бошлаб осмон ҳақида, унинг сир асрори ҳақида ўйлайдиган бўлдим... Шунинг учун ҳам ўз қадрдонларим — ўзбекистонлик пионерларнинг сеvimли газетаси «Ленин учқуни» тўйини эшитиб, қувониб кетдим.

Ўз номидан, космонавт дўстларим номидан газетани ярим асрлик олтин юбилейи билан табриклайман.


**В. ЖОНИБЕКОВ,**  
Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси



«Ленин учқуни» газетасининг яқин ва қадрдон дўсти СССР халқ артисти Тамарахоним пионерлар билан тез-тез учрашиб туради. Унинг маслаҳатлари ва ўғитлари зое кетмайди — газета саҳифаларида «Санъат оламига» рубрикаси остида берилаётган материаллар одатда мазмунли ва қизиқарли чиқади.

**Р. АЛЬБЕКОВ** ва **О. ШЕМАКОВ** фотолари





Турсунбой АДАШБОВ

## Лоф эмас

Ҳаво иссиқ, дам эди,  
Меҳнат кучи кам эди.  
Чумолини тақалаб,  
Аста анҳор ёқалаб,  
Қамиш ўрдим, шир этиб,  
Чигирткалар чир этиб,  
Тегавергач ғашимга,  
Имлаб қўйдим Ҳошимга.  
Тўрттасини от қилиб,  
Қоғоздан қанот қилиб  
Аравага қўшилди.  
Сўрарсизки: «Хўш, энди?»  
Барака кириб ишга,  
Уша куни қамишга  
Оқ саройни тўлдирдик,  
Кўк саройни тўлдирдик.  
— Ҳой, эшикни оч, Бақа!  
Ошпаз эди Тошбақа.  
То овқати пишгунча,  
Донг қотибмиз тошдақа...

## Уйнашмагин ўт билан...

Оқшом пайти адир ошиб,  
Чигиртка  
Борар эди магазинга —  
Гугуртга.  
Ярим йўлда учраб қолди  
Ёнар қурт.  
Ҳолу аҳвол сўраб қолди  
Фанор қурт.  
Калтакесак тош остидан  
Аланглаб,  
Бошин ирғаб, сўзлай кетди  
Жаланглаб:  
— Уйнашмагин ўт билан,— деб,  
Тутақиб.  
Икковини бир ямлади,  
Ютақиб...

## Чумолилар арзи

Кўпдан буён чумолилар  
Ҳайрон қолар Эргашга.  
Тоқатлари тоқ бўлиб  
Тўғри келди тергашга:  
— Чойни ичгач дастурхонни  
Йиғиштириб қўймайди.  
Ҳар қадамда нон ушоғи —  
Тўкилса ҳам куймайди.  
Биз-ку деҳқон меҳнатига  
Ҳамиша тан берамиз.  
Эргаш тўккан нон ушоғин  
Қачонгача терамиз?

## Баҳс

(Ҳазил)

Қўйни қўшиб подага,  
Айри миниб ходага  
Санжар, Ашур,  
Баҳслашур:  
— Сен билмайсан,  
— Ин солишда қарқуноқ  
Чумчуқ, читтакдан нўноқ.  
— Нор тоғамнинг сўзича,  
Энг дангаса мусича.  
— Йўқ, қарқуноқ!  
— Йўқ, мусича!  
— Сен билмайсан,  
Уйла пича.  
— Нега билмай,  
Ахир, шошма.  
— Упкангни бос!  
— Ҳаддан ошма!  
Шу пайт хода қарс синиб,  
Узилди баҳс — тортишув.  
Аранг чиқди анҳордан  
Бир-бирини тортишиб...

## Мингоёқ

— Бир, икки, уч...  
Ун тўққиз...  
Юзга етганда қўққис  
Омоннинг тушиб шашти,  
Ҳисобидан адашди.  
— Хўш, қанча?— дейди Тўйчи.—  
Бошқатдан санаб кўр-чи.  
Боши қотар Омоннинг,  
Юзгача саноқ сонни  
Узи аранг ўрганди,  
Қолгани-чи, осонми?  
У қайтадан ўнгача  
Санашга улгурмаёқ  
Деворнинг тирқишига,  
Кириб кетди Мингоёқ...

## Аҳволинг қалай?

Жўжани кўриб Бароқ,  
Қувалаб қолди шу чоқ:  
— Экансан тайёр ўлжа,  
Қайга борардинг, Жўжа?  
Жўжа эй, чопди, чопди,  
Индан Тозини топди.  
Бундай боқсаки, Бароқ,  
Ишлар жуда ҳам чатоқ.  
Қарамай ортига ҳам,  
Қочиб қолди у илдам.  
— Аҳволинг қалай энди?—  
Деб Жўжа кулар эди.  
Зўрдан агар чиқса зўр,  
«Зўр»нинг аҳволини кўр.

## Икки йўл

Қулоқ тутайин Чинми  
Ёки Ёлғонга?  
Иккиси бошлар мени  
Икки томонга.  
Сохта сўзлари билан  
Аврайди Ёлғон:  
— Менинг сўзимга кирсанг,  
Яшаш ҳам осон.  
Қалин қилиб олсанг, бас,  
Икки бетингни.  
Уйлаб ўтирма сира  
Ишнинг кетини.  
Биров агар йўлингга  
Бўлса тўғаноқ,  
Аста енгидан кириб,  
Роса мақтаб боқ.  
Қинғир ишинг яширгин —  
Бу қийин эмас.  
Фақат қилган ишингдан  
Тониб турсанг бас.  
— Уйлаб кўргин,— дейди Чин,—  
Учиб найрангга,  
Бир кун эмас, бир куни  
Дейсан: «Аттанг-а!»  
Айбларингни юзингга  
Айтаман очик.  
Тўғри сўз ёқмас сира,  
Бўлади аччиқ.  
Мени десанг на тинчлик,  
На роҳатинг бор.  
Изланасан токи ҳақ  
Топгунча қарор.  
Ҳаёт эмас бир текис,  
Яшамоқ қийин.  
Мендан хурсанд бўласан,  
Оғайни, кейин.  
Қулоқ тутайин Чинми  
Ёки Ёлғонга?  
Иккиси бошлар мени  
Икки томонга.

Анвар ОБИДЖОН

## Осма чироқнинг Оймомага ёзган хати

Тўлишибсиз, Оймома,  
Кириб олиб дармонга.  
Шишам синди,  
Бугунча —  
Чиқиб туринг осмонга.

Мен ҳам ёрдам берар-  
ман  
Ночор қолган чоғингиз...  
Омон бўлинг, бахтимга  
Тугамасин ёғингиз.

## Пўстиннинг Айиқчага ёзган хати

Омонмисан, дўмбоғим?  
Эҳтиёт бўл ўзингга.  
Жуфтакни ур,  
Овчилар —  
Кўринганда кўзингга.

Тақдирингни ўйласам,  
Зирқирайди ҳар толам.  
Телпак бўлиб, ёнимга —  
Илинмагин,  
Жон болам.

## Калишнинг Ботинкага ёзган хати

Мендан салом айтиб  
қўй:  
Кўн Этикбой даданга,  
Хиром Туфли аканга,  
Мулла Чориқ бобонга,

Сулув Шиппак опанга,  
Миқти Кирза тоғанга,  
Амиркони холанга,  
Шабранг Маҳси оингга  
Ва иккинчи пойингга.

## Шамнинг Лампочкага ёзган хати

Қоронғини севмайман,  
Уни ҳайдаб, қонаман.  
Қанча куюқ бўлса тун,  
Шунча порлаб ёнаман.

Жон беряпман бу жангда  
Оқ қонимга қорилиб,  
Сен ҳам, етмай орзуга,  
Кетмасайдинг ёрилиб.

## Бир оёқли товуқ

— Қойилман-э, Салим-  
жон,  
Сен жуда ҳам қизиқсан.  
Битта оёқли қилиб  
Товуқ расмин чизибсан!  
— Қўш қаноти бор,  
аммо  
Товуқ зоти мард эмас.  
Қўрқоқларга аслида  
Икки оёқ шарт эмас.  
Тошкент

Қамбар УТАЕВ

## Жажжи қуён

Жажжигина қуён,  
Миттигина қуён.  
Лақмагина, содда,  
Икки қўли калта.  
Пилдирайсан гоҳо,  
Дилдирайсан танҳо.  
Ҳар қадамда тулки  
Қилар сени кулки.  
Қулоқларинг узун,

Жавдирайди кўзинг.  
Доим айиқ, бўри  
Берар сенга фириб.  
Қўрқмасликка зора  
Тополсайдинг чора.  
Доим кўрқиб юрсанг,  
Чўчиб, ҳурқиб юрсанг,  
Ким ҳам сени англар,  
Ким ҳам сени тинглар?

## Ялпиз

Митти майса-чақалоқ,  
Япроқлари бақалоқ.  
Ариқ бўйин ёқалаб  
Усиб яйрайди ялпиз.  
Тез ёнимга келгин деб,  
Гўзалликни билгин, деб,  
Баҳор завқин туйгин, деб  
Хуш ҳид таратар ялпиз  
Асло кўнглим тўлмайди,  
Ҳидламасам бўлмайди.  
Мен бормасам, кулмайди,  
Йўлга қарайди ялпиз!

## Нодир «ҳозир»

Битта гап айтсанг Нодир,  
Дер нуқул:— Ҳозир, ҳозир!  
— Ҳой, чойни дамла, Нодир!  
— Хўп, ада, ҳозир, ҳозир!  
Нодирвой боргунча то  
Чой қайнаб бўлар адо.  
— Қаёқдасан, Нодир, ҳой?  
Гўштни музхонага қўй.  
Одатдагидек Нодир  
Дер эди:— Ҳозир, ҳозир!  
Вақтни ғанимат билиб,  
Мош гўштни кетди илиб.  
Шунақа бизнинг Нодир,  
Жуда бамайлихотир.

Тошкент





Оля МАТЯШ, 11 ёшда, Тошкент. БИРИНЧИ МАЙ.



Собит ФОТИХОВ, 6 ёшда, Урганч. ФАЗОДА.




Марям БОБЕКОВА, 10 ёшда, Навоий. БОҒДА.

Дилора АБДУРАХМОНОВА, 7 ёшда, Бекобод. АҚС.



Севар СОБИРЖОНОВА, 6 ёшда, Урганч. НА-МОЙИШГА БОРАМИЗ.



Жонпўлат БАШАРОВ, 6 ёшда, Тошкент. КОН.


## КИЧКИНТОЙЛАР

## ЧИЗГАН

## РАСМЛАР



Эркин ЖАМИЛБОВ, 8 ёшда, Навоий. МЕТЕО-СТАНЦИЯ.



Жамила ЮСУПОВА, 7 ёшда, Тошкент. ҚИШЛОҚ.

Дима ЖАМОЛОВ, 7 ёшда, Навоий. БУХОРО БОЗОРИ.







БОЛАЛАР ЙЎЛДОШ ОХУНБОБОВ ХУЗУРИДА.

## РАССОМ ХИКМАТ РАҲМОНОВ АСАРЛАРИДАН

БЎЗ ЕРНИНГ БЎЗБОЛАЛАРИ.



КОНЦЕРТ.

САЙР.







АБАДИЙ БАҲОР.



НАВО.







Таня КУЧЕРОВА, 12 ёшда, Тошкент. БОЛАЛИК.



Одила ПОЧАЛОВА, 10 ёшда, Тошкент. ХОККЕЙ.




Жўра ШАМСИДИНОВ, 12 ёшда, Тошкент. ҲОСИЛ БАЙРАМИ.



Таня КУЧЕРОВА, 12 ёшда, Тошкент. УЧРАШУВ.

Лена БУРДА, 11 ёшда, Тошкент. БИЗНИНГ ҲОВЛИМИЗДА.



Нигора ЕҚУБОВА, 10 ёшда, Тошкент. БАХТЛИ БОЛАЛИК.



жилмади, туташ қора қошлари остидан ўқитувчиға ёвқараш қилиб тикилди: «Керакмас». «Ия, вой, тентаг-эй! «Керакмас»нинг нимаси?! Ол, олавер, бунни мактаб сенларга махсус ажратган. Қишда жонинг кириб кийиб юргансан, совукда дийдирамасдан». «Керакмас!— дея баттар ўшайди Сайдаз.— Керак бўлса, ўғлингизга олиб бориб беринг». Кейин эшикни тарақлатганча ёпиб чиқиб кетди. Синф раҳбари хона ўртасида қаққайиб қолаверди. «Оббо!..— деди бир оздан сўнг қўлларини қовуштириб.— Оббо...»

Сайдаз «мактаб махсус ажратган» этикни олмади, қўнжи тўрт энли қайириб қўйилган эски этиги билан қишни ўтказди. Этикнинг қўнжи билан тор тринка шимининг почаси болдирларини сириб турар, уни аллақандай шижоатли, ўктам кўрсатар эди. Шунда Омонга оёғидаги қўнжи ботинкаси фоят бесўнақай кўринар, шартта ечиб улқотиргиси келар эди. Кейин Сайдазга таассуб қилиб у ҳам этик кийиб юра бошлади. Этиги яп-янги, қўнжи салкам бир қарич қайириб қўйилган бўлса-да, Сайдазнинг олдида у ҳамон ўзини аллаичуқ ожиз, ношуду нотавон сезарди.

Тақлид-таассуб этикнинг қўнжидан нарига ўтмади, чунки дўсти қайсарлик бобида шундай хунарлар кўрсатдики, оқибатда тўққизинчи синфда мактабдан қувиллаёзди. Бу пайтда у нос чекишни одат қилган, дарс вақтида ҳам ўғринча отиб ўтирар эди. Унинг ҳайратомуз қобилияти, айниқса, математикадаги фахвуқлода истеъдоди ўзидан бошқа ҳаммани тонг қолдирарди. Омон ҳам математикадан аъло ўзлаштиради. Аммо бу аъло баҳога қандай машаққатлар эвазига эришаётгани бир худю ёлғиз ўзига аён эди. У азбаройи Сайдаздан орқада қолмаслик, ўзиб кетиш учун тунни тонгга улаб китоб титар, математика муаллимнинг уйига қатнайвериб безори жон қилиб юборган эди. Ёдида, математика муаллими яқинда уйланган ёшгина йигит бўлиб, қишлоқнинг нариги четидеги қутчадек бир ҳовлида яшарди. Оқшомлари у эшик қоқиб борганида елкасига тўн ташлаган математика муаллими бир оз ҳаяллаб чиқиб келарди-да: «Э, сенмидинг?», дея ичкарига бошларди. Тўрдаги хонада ўтирган келинчак уни кўргач, нохушгина чимирилиб: «Келинг», дерди. Алламаҳалгача дафтар-китоб ёйиб масала талашиб ўтиришаркан, у ўқитувчисининг ўғринча эснаб олганини, девордаги соатга дам-бадам қараб қўяётганини, рўпарадаги — хондан келинчакнинг норози қиёфада эрига яширинча имо қилаётганини — ҳеч нарса ни сезмасди. Ярим кечаси туртина-сурина уйига қайтаётиб, «Муаллимнинг хотини... кўрсроқми-ей?», деб ўйларди-ю, шу заҳоти фикрини чалғитишга уринарди. Чунки у математикани, бинобарин, математика муаллимини, шу вайдан муаллимнинг хотинини ҳам яхши кўришга маҳкум эди. Аммо бир нарса — математика муаллими ҳам хотинини яхши кўриши мумкинлиги негадир мутлақо хаёлига келмасди. Ниҳоят, муаллим чидолмади. Бир кечаси остонадан кузатаётиб, силлиқина ўқтирди: «Ука, энди дарсдан кейин, кундузи келгин, хўпми?» У оварларча анграйди: «Нега?» Муаллим фикрини: «Нега бўларди!» «Хўп, хўп», деди у ўқитувчисининг авзойини кўриб.

Содда экан-да, бўлмаса... Ҳозирчи? Ҳозир албатта содда эмас — мураккаб. Лекин қачон мураккаб бўлиб қолишга улгурди экан? Мураккаб тенгламаларни ечишга киришганидан сўнгми? Ушанда тун-кечалар тентираб унга нима зарур эди? Ҳаммаси шухратпарастликдан! Ҳа, азбаройи Сайдазга етиб олиш, биринчи бўлиш

учун! Лекин ич-ичидан бари бир Сайдазга минг, миллион марта ҳаваси, ҳатто ҳасади келарди. У мактабга турли қўлланмаю дарсликлар билан лиқ тўла зилдек портфель кўтариб борарди, Сайдаз эса чапанларча олди очиқ нимдош костюмининг кўкрак чўнтагида нос ўраш учун беш-олти варақ қоғоз олиб юрарди — бор-йўқ «ўқув қуроли» ана шундан иборат эди. Сайдаз кечкурнулари гузардаги чойхонада қарта ўйнаб, эртаси дарсда кўз очиб юмгунча ҳал этадиган масалаларни ечиш учун у ширин уйқудан воз кечиб, кун-узун кун китоб титиши, математика муаллимнинг хотини — ёш келинчакнинг кўзига бало-қазодек кўринишни керак эди.

Мактабни битирадиган йили директор уларни тўсатдан кабинетига чақириб қолди: «Ўқишни бўшаштирмавганлар — икковинглари медалга мўлжаллапмиз».

Аммо Сайдазга медалъ насиб этмади — математика муаллими унинг дарс пайтида нос чекканини кечиролмади.

Медалъ топширилган кунни Омон ўзини ўнғайсиз сезди.

«Худди бугунгидек,— деб ўйлади у ялтираб ётган асфальт йўлга хо-муш тикилиб бораркан.— Лекин ўшанда ҳам чурқ этмай кетгансан-ку! Кейин эса — умр бўйи... Лоақал бирор марта юрак ютиб: «Ҳой, шошмангллар, бу шон-шарафларга мен эмас, фалончи муносиб», дея олмадинг! Мана, лоақал кечаги сафар айтиш мумкин эди-ку! «Ўртоқлар, бу унвон аслида марҳум устозимиз, ҳақиқий олим Зариф Усмоновники эди», деб бир оғиз айтмадинг-ку! Ахир, шу одамнинг китобларини ўқиб савод чиқарган эдинг! Нега айтмадинг? Айтсанг, биров уриб ўлдирармиди? Сен эса... сурбетларча илжайиб, алмисоқдан қолган, сийқа гапларни такрорладинг: «Бу юксак унвонни мен барча ҳамкасб дўстларимга, ўзим ишлаётган илмий даргоҳга берилган олий баҳо деб қабул қиламан!» Аҳмоқликнинг чеки борми? «Барча ҳамкасбларимга берилган», эмиш!.. Қани, мард бўлсанг, бирор ҳамкасбинг, масалан, Тонготар учун шу унвондан воз кечиб кўр-чи? Воз кечиб бўлсан! Сен... сен Сайдаз эмассан!»

У ич-ичидан шу ҳақиқатни илк бор эътироф этди: Сайдазга етиб олиш учун бутун умри етмади.

Вахоланки, ўқишга бирга келдилар, бир факультетга жойлашдилар. Лекин институтда ҳам аҳвол эски зайлда давом этди: унинг умри кутубхонада ўтар, Сайдаз эса қиш кунлари йилт этган қўшдек бу ерда аҳён-аҳён пайдо бўлар, у ўқир — Сайдаз мутлақо қилар эди.

Иккинчи курсни тугатганларида у энди ҳарчанд тиришмасин, Сайдазга етолмаслигини, дўстининг ортидан бу тахлит қувишда маъно йўқлигини англади. Энди у Сайдазга муносиб шоғирд бўлиши мумкин эди, ботинан шунга ҳам рози эди — Сайдазни порлоқ келажак, улкан илмий кашфиётлар кутаётгани кўпчиликка аён бўлиб қолган эди...

Сайдаз учинчи курснинг ярида институтни ташлаб кетди.

Ректор билан чиқишолмаганмиш. Омон довдираб қолди: бунинг эси жойидами? Ректор билан нега чиқишолмайди? Хўп, декан билан, курс раҳбари билан, бирор доцент, бордингки, профессор билан чиқишолмаслик мумкиндир, аммо студентларнинг кўзига йилда бир кўриниб қоладиган ректор билан отасининг молини талашадими?

— Ректорга маслаҳат бергани кирувдим,— деди Сайдаз пинагини бузмай.

— Қанақа маслаҳат?

— Матанализ домласи Мирҳосилова саводсиз-а?

— Ҳа, энди...

— Йўқ, «энди» эмас, ростини

айт: шу одам олий мактабда дарс беришга лойиқми?

— ...

— Тарихдан кирадиган Ражабов хотинбоз-а, биласанми?

— Йўғ-э!

— Лаборант қиз билан... Ке, лабингни ялама, бунни ҳамма билади.

— Ҳеч ким индамайди-ку?

— Мен сенга «ҳеч ким» эмасман! Ректорга «Шуларни ҳайданг», деб маслаҳат бергани кирдим.

— Хўш?

— Кирсам, қоғоғини солиб ўтирган экан. «Нима дейсиз?», деди.

«Шундай-шундай, ишонмасангиз текшириб кўринг», дедим. Бирдан менга ўшқира кетди: «Кимсан ўзинг? Қаерда ўқийсан? Фалон-фисмадон...»

Охири айтган гапи шу бўлдики: «Иккинчи бунақа фисқи фасод билан бошимни қотирма! Ўқигани келган бўлсанг — ўқишингни бил!» Кейин мен... биласан-ку, қишлоқчасига олиб...

— Сўқдингми? — Омоннинг кўзлари ола-қула бўлиб кетди.

— Раҳмат айтишим керакмиди?

— Э, хумкалла! Энди нима бўлади?

— Нима бўларди? Армия, кейин... кейин яна бир тирикчилик.

— Аҳмоқ бўлма! — Омоннинг жаҳли чиқди. — Қани, тур ўрнингдан. Борамиз. Эгилган бошни қилич кесмайди.

— Минг афсуски, кесмайди-да,— деди Сайдаз. — Овора бўлма — икки дунёда бормайман.

— Келажагингни ўйла, ҳой! Бир кун пушаймон қиласан.

— Майли, ошна,— деди Сайдаз. — Нима бўлса — пешонамдан. Ке, юрманми шуларга бўйин эгиб? Кўчанингни ўртасида кўкрагингни кериб юрмаганиндан кейин...

Орадан икки ой ўтгач, армияга жўнаб кетди. Омон унга уч йил хат ёзиб, уч йил ачиниби юрди. Сўнг ўз ташвишлари, илмий иши, янги дўстлари билан алаҳсиб, унутгандек бўлди.

Сайдаз хизматдан қайтгач, ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмай Мирзачўлга — қовун эккани чиқиб кетди. Омон ўша йили аспирантурага кирди.

Кузда Сайдаз экин-тикинини саранжомлаб, қишлоққа қайтиб келди. Омон Москвага, малака оширишга жўнади.

Улар келаси йилнинг кузагида кўришдилар.

Омон Сайдазни излаб чўлдаги совхозлардан бирига чиқиб борди. Бийдек дала. Қум, шамол, мезон. Қамиш чайла. Бир тилим ой.

Улар ҳазон бўла бошлаган қовун поллиз тепасида тўрлаб кетган бодринг билан ароқ ичдилар. Омон илмий иши битмаётганидан ҳасрат қилди, ёши ўттизга бораётганини, у тенгилар иккитадан боланинг отаси бўлганини айтиб бош чангаллади, костюмининг кўкрак чўнтагидан бир сурат олиб: «Агар икки ойдан кейин уйланмасам, бошқага тегиб кетади», дея бўғилди.

Эрталаб уйғонгач, кечаги гаплари эсига тушиб, йиғламоқдан бери бўлди, ухлаб ётган Сайдазга билдирмай шаҳарга жўнади.

Кечқурун ишдан қайтиб келса, ўй бекаси — уйғур кампининг олдида Сайдаз гап сотиб ўтирибди. Хона ўртасида қучоққа сиғмайдиган қовунлар... «Ҳа, қочоқ! — деди у кулиб. — Хайр-маъзурни нася қилиб қочибсан-а! Мана, атай бош уриб келдик». Сўнг қоғозга ўроғлиқ ниманидир узатиб: «Ма, тўйни бошлайвер,— деди. — Икки машина қовуни бор, совхозга топшириб, индин қайтаман. Бугун чоршанбами? Шанба кунни тўй. Омон оллоҳу акбар! Қишлоқдагиларни ўзим айтиб келаман». Омон ҳанг-манг бўлиб, ҳой-ҳойлаганча қолаверди. Сайдаз ташқарида қутиб турган тақсида жўнаб кетди. Гаранг-

сиб уйга киргач, қўлидаги қоғозни очиб қаради: уч минг сўм. Пулга тикилиб ўтираверди, кўзларида ёш филтиллади...

«Сайдаз сенга ота-онанг қилмаган яхшиликларни қилган эди! — деб ўйлади у ҳозир кўнгли тўлиб.— Сен эса...»

Кўнглининг қоронги кўчаларидан овоз келди: «Сен ҳам қараб турганингни йўқ: Сайдаз уйланганда ҳаммасини қайтардинг!»

«Уҳ, яна ҳисоб-китоб! Ахир, бу қарз эмас — яхшилик эди! Сен эса фақат қарзингни узгансан!»

Сайдаз олти йилдан кейин қишлоққа бутунлай қайтиб, колхозда ишлай бошлади.

Омон диссертациясини ёқлади, бўлим мудирлигига тайинланиб, «Омон Ғаниевич»га айланди.

Ҳар сафар кўришганларида у Сайдазни бир амаллаб ўқиши давом эттиришга даъват қиларди. Сайдаз эса авваллари кулиб, кейинчалик маъюс жавоб қайтарарди: «Йўқ, энди ўқиб шаҳар олиб берамидик?»

Шу тариқа... бир кун бундай орқаларига ўғрилиб қарасалар: «Ўтди умрим, воҳ, дариг!»

«Бунча тез! Ёв қувгандек! — дея илк дафъа чинакам ҳайрат билан ўйлади у. — Ахир, буларнинг ҳаммаси — далага ўтга борганлариму математика муаллимнинг уйига қатнаганларим, ресторанда қурут-жийдаларим сочилиб кетгани, чайлада кайфим ошиб қолганлариму докторликни ёқлашдаги ташвишлар, Сайдазнинг касали... кечагина эмасмиди? Умр ўтдим, а? Наҳот, батамом? Бу ёқда неча йил қолди? Бешми, ўнми? Ким билади? Балки бугунги кун энг сўнггисидир?»

Юрагини шундай бир мунг сиқиб кела бошладик, машинани ташлаб, шартта қайгадир қочиб кетгиси келди...

Сайдаз тимсолида фан улуғ бир олимдан жудо бўлганини у биларди. Бир кун унга фикрини айтди ҳам.

«Ҳечқиси йўқ,— деди Сайдаз парвои фалак ва шу заҳоти яна найзасини санчди: — Аксинча, жуда яхши: сен ҳам, мен ҳам профессор бўлсак, орамизда фарқ қолармиди?»

Бундай ўйлаб қараса, Сайдаздан умр бўйи фақат яхшилик кўрибди. Лекин бирор марта дўстининг мушқулини осон қилолмади — у муруват кўрсатишга изн бермади. Бешолти йил аввал Сайдаз оғир дардга — суюқ силига чалиниб ётиб қолди. У дўстини шаҳарга олиб кетажанини, энг зўр докторларга кўрсатиб, энг зўр касалхонага ётқизажагини айтди, машинасини эшикка кўндаланг қилди. «Йўғ-эй! — деб кулди Сайдаз,— нима, мен қора тоғни қайириб қўйибманмики... Бизга Умнат фельдшернинг дориси ҳам бўлаверади». Шу-шу, унга дард устига дард ёпишаверди. Кейинги йилларда анча чўкиб қолди — саккиз бола, рўзгор ташвиши, ўзи кулиб айтганидек, «ит билан ҳам чиқишмайдиган феъли» Сайдазни бемаҳал қаритиб қўйган эди.

Икки йил аввал қишлоқдаги бир тўйда ёнма-ён ўтириб қолдилар. Омон унинг совхозда яна аллақандай жанжал қўзғаб юрганини эшитган эди, кайф аралаш насихат қилди:

— Менга қара, доим нима балони талашасан? А? Э, ошна, сенга айтсам, ҳаёт дегани ҳам бамисоли бир денгиздек гап: ким қанча қўшдию ким қанча олди — бари бир билиб бўлмайди. Шунда экан, нима керак бошингни қотириб? Бировни ака, бировни ука қилиб ишингни битирсан-чи!

Сайдазнинг кўзлари тўсатдан чақнаб кетди:

— Шу гапларни ўз каллангдан, мана шу профессор каллангдан чиқариб айтаясанми? Ке, қўй, энсамни қотирма-да, ошингни е! Лекин биллиб қўй: менинг онам битта эрга теккан, отам раҳматли ҳам битта



хотин олган экан. Ота-онадан шу иккита шум етим — акам билан мен қолганмиз!

— Бунақада икки дунё косанг оқармайди.

— Нукул косам оқарсин деганнинг юзи қора бўлади!

У индамади — ош ширин эди.

Тўй тарқагач, Сайдазнинг уйига бориб ётдилар. Эрталаб худди қадим бир пайтлардаги сингари майиз, жийда, туршак, ширчай билан нонушта қилдилар. У хуштам нон-жийдани озгига соларкан, Сайдазга қараб беихтиёр кулимсиради:

— Фақат қурут етишмаяпти...

Улар бараварига кулиб юборишди.

Сайдазнинг хомсемиз, касалманд хотини шоша-пиша ўрнидан кўзгалди:

— Вой, қурут ҳам бор, ҳозир олиб чиқаман...

— Йўқ йўқ, бошқа гап... — У кўзларини сийпалаб, яна кулди.

Кейин ўйлаб кетди. Жийда емаганига, аниқроғи, уни дастурхонидан кўрмаганига неча замонлар бўлганини, махсус жадвал асосида овқат тайёрлайдиган, «Беш юз фойдали маслаҳат» ва «Пазандалик китоби» тавсияларини ошхона учун бузилмас қонун деб биладиган юксак дидли санъатшунос хотиннинг таомномасида олис тоғлар орасидаги қишлоқ боғларида пишиб етиладиган нон-жийдалар ҳеч қачон ўрин олмаганини таассуф билан ўйлади.

Чойдан сўнг икки-уч дилтортар улфат билан тоққа чиқиб келишга қарор қилдилар.

Кўклам эди. Еру кўкда кўклам эди.

Сайдаз суяк-суякларни зирқираганча ҳансираб қадам ташларди. Омон эса дўстлар даврасида қулфи дили очилиб, тинимсиз сўзлар, ишидан, ҳаётдан, дўсту душманларидан, эски рақиби Латиповнинг кирдикорларидан, ўзи мансуб муҳитдаги муносабатларнинг «ўта нозик жиҳатлари»дан гапириб борар эди:

— ...Улар мени кўролмади. Мен шунча курашдим, лекин энди толиқдим, улар фанга мутлақо алоқаси йўқ, сохта олимлар. Таниш-билиш, юксак мартаба қули, улар фан ривожига...

— Ҳей, менга қара! — деди тўсатдан Сайдаз унинг гапини чўрт кесиб. — Қўй шу дийдиёнгни! Сен ҳам одам бўлиб, ҳаётингда беш минут дийдиёнсиз яшай оласанми? Ҳой, инсон, бундоқ кўзингни очиб атрофингга қарасанг-чи!

Атрофда эса — ўткинчи умрнинг ўткинчи баҳори... ўтиб борарди!

У бирдан хижолат тортиб, жим бўлиб қолди. Улфатлар тоғ этагидаги кафтдек ялангликда қийшайиб ўсган

танҳо дўлана соясида ёнбошлашиб, кабоб пишгунча бир пиёладан коньяк симиридилар. Хиёл фурсат ўтгач, у яна гап бошлади. Ҳамма диққат билан бош ирғаб ўтирар, ёлғиз Сайдазгина равоч баргини тишлаганча кўм-кўк осмонга тикилиб ётар эди.

— ...Ҳа, нимасини айтасиз, биз ўқишга кирган пайтлар ҳам ҳолва экан. Ҳозир, эҳ-ҳа! Мана, ўзимдан қиёс: биласизлар, мен принцип масаласида отамни ҳам аямайман. Очиғи-да. Аммо баъзан жуда мушкул вазиятларда бизга ҳам чекиншига тўғри келади. Лекин бу масалада менинг принципим қатий: агар бола ҳақиқатан қобилиятли бўлса, қўлимдан келган ёрдамни аямайман. Ҳар томонлама қўллаб-қувватлайман. Чунки бизнинг соҳада чинакам истеъдодлар ҳар куни туғилавермайди. Математика — шафтолиқоқи эмас, биласизлар...

— Э, албатта, — деди даврадагилардан бири эҳтиром билан чой узатиб. — Агар худо таоло ўзи назар қилмаса-чи... Мана, сиз қишлоғимизнинг обрўини шунчалик кўтариб юрибсиз, биз шунга хурсандмиз-да. Сизга ўхшаган одамлар ўзимиздан қанча кўпайса, шунча яхши-да. Ҳар ҳолда, фалончи фалон ердан чиққан, деса, одамнинг кўнгли бир газ ўсиб кетар экан. Қолаверса...

— Бўлмаса-чи! — деди у бош ирғаб. — Биз ҳам шунинг тарафдоримиз-да.

— Омон бўлсин, ҳозирги болалар ҳам чакки эмас, — деди Қобил чўтир деган муаллим. — Қишлоғимиздан сизга ўхшаган яна бир зўр математик чиқади-ёв. Хабарингиз бордир, Сайдазнинг ўғли Нуриддин бултур Новосибирскдаги олимпиадада чемпион бўлиб келди.

— Албатта, хабарим бор, — дея қаддини ростлаб ўтирди Омон. — Биламан, биламан. Мен бошдан айтганман, боланинг қобилияти зўр, деб. Тўғрими, Сайдаз?

Сайдаз ёнбошига ағдарилиб, унга лоқайдгана қаради. Омон косагул узатган пиёлани қўлига олиб, гапида давом этди:

— Мана шу Нуриддин, ўта истеъдодли йигит, лекин ноҳақлик қурбони бўлиб кетишига сал қолди: ўқишга қираётганида охири имтиҳондан паст баҳо қўйишибди. Кечқурун уйга бориб қолди. Йўқ, дарров суриштириб аниқладик. Кейин мен тегишли дўстларга ўзим секин айтиб қўйдим. Чунки ҳозир қийин-да! Минг зўр бўлгани билан «страховка» қилиб турмасангиз... Уша олимпиада масаласида... Бу ишнинг ташкилий жиҳатига менинг ҳам жиндақ алоқам бор эди. Улар бир муҳтарам профессоримизнинг қизини юборишмоқчи экан, мен

ҳам бўш келмадим, «Нуриддин боради!», деб туриб олдим...

Даврадагиларга бу гап ғоят маъқул тушди:

— Э, албатта, ўзимиздан бўлгани яхши-да!

— Ҳамюртлар шундай бир-бирига қайишмаса... Мусофир шаҳар...

— Йўқ, гап ҳамюртликда эмас — адолат озор топмаслиги керак-да! — дея у масалага ойдинлик киритишга шошилди.

Сайдаз бирдан ярқ этиб кўзларини очди, ранги бир хил бўлиб:

— Нима? Нима дединг? Ҳали менинг ўғлим сенинг олдинга бош эгиб борганми? — деб сўради аллақандай кескин, қаҳрли товуш билан. — Ростингни айт! Менинг ўғлим... шундай паст кетиб, ялтоқлик қилиб юрибдими?

У безарво кулимсиради:

— Ҳўш, нима бўпти? Бормаган тақдирда ҳам, сенинг ўғлингга ёрдам бериш менинг бурчим эди.

— Гапни айланторма! Жавоб бер: ўғлим эшигингга ялиниб бордими? Агар шу гап рост бўлса... мен бўйинини узиб ташлайман итваччанинг!

Сайдазнинг важдоҳатини кўриб барчанинг қайфи учди.

— Оббо мунча пишқирасан! — деди у. — Сенга қолса, ҳамма ўзингга ўхшаб ҳодадек ғўдайиб ўсаверса! Ҳўп, ёрдам берган бўлсам, нима бўпти? Фараз қилки, Нуриддин сенинг ўғлинг эмас-у, олис бир райондан келган қобилиятли, лекин ноҳақликка йўлиққан абитуриент. Мен шу абитуриентга виждонан ёрдам бердим, холос. Дўстимнинг ўғли бўлгани учун эмас, азбаройи истеъдодига ачинганимдан, таланти увол бўлмасин, деганимдан. Ахир, сен мени биласан-ку! — Биламан! Жуда яхши биламан! — деб ўшқирди Сайдаз. — Лекин сен бу гапларингни экиб қўй, эшитдингми? Ростини айт: ўғлим сендан ёрдам сўрадими? Ёки мени алдапсанми? Ё бу бир бемаъни ҳазилми? Айт, мен ҳаммасини билишим керак! Шу гап рост бўлса, мен унинг галстук таққан бўйинчасидан судраб келиб, ёнимда кетмончи қиламан! Менинг ўғлим бундай қилиши мумкин эмас!

— Намунча «Менинг ўғлим», «Менинг ўғлим», деб жириллайверсан? — Омон ҳам тутақиб кетди. — Нима, сендан бошқада ўғил йўқми? Э, яхшилик ёқмаган! Ҳўп, ана, кўнглинг тинчий қолсин, ўғлинг боргани ҳам, мени кўргани ҳам йўқ — мен ҳар эҳтимолга қарши танишларимга бир оғиз айтиб қўйган эдим. Агар гуноҳим шу бўлса... хўп, биздан ўтибди, кечирсинлар! Э, тавба!

Орага улфатлар тушди, улар «шайтонга ҳай бериб», «бир гапдан

қолишни» иккисидан ҳам тавалло қилдилар, «Сайдазнинг феъли маълум»лигини айтиб, узр-маъзур сўраган бўлдилар.

Уша оқшом Омон ҳеч ким билан хайрлашмасдан шаҳарга жўнаган, йўл бўйи Сайдазни «Кўрнамак!», «Ит-феъл!», дея сўкиб кетган эди...

Шундан буён на у бўйни ёр бериб Сайдазнинг остонасини босди, на Сайдаз унинг эшигини қоқиб келди.

«Ушанда ҳам аблаҳлик қилган эдинг! — деб ўйлади у надомат билан. — «Ходага ўхшаб яшайвер!», деган эдинг-а? Ҳўш, ўзинг-чи? Ҳўш... мансабу амал устунига девпечакдек чирмашиб, охири эришган мартабанг шу — «Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси!» Лекин бу Сайдазнинг жойими, Зариф Усмоновнинг жойими? Бўғотнинг тагидан тинчгина, секингина ўрмалаб бораверсанг — албатта, ҳали ҳақиқий аъзо ҳам, ундан каттаси ҳам бўласан, энг юксак чўққига эришсан! У чўққиде сени ҳеч ким ҳеч қачон безовта қилмайди — «Бўзбола» ҳам, Сайдаз ҳам! У чўққиде сени целлофан қоғозга ўралган гуллару целлофан қоғозга ўралган туйғуларгина кутади!»

Армон ва ҳасратдан лаблари беихтиёр пичирлайверди: «Сайдаз, Сайдаз... Биламан, мени ёмон кўрасан. Балки жирканарсан? Начора, ҳақинг бор. Умр бўйи сенга ҳавас қилдим. Эҳтимол, мен нотўғри яшадирман. Аммо сен-чи? Сенинг йўригинг бошқа. Лекин Латипов, шу мансабпараст, сурбет Латиповлар давру даврон сурганда, мен сенга ўхшаб четда туролмадим. Айбиммиди бу, хатоммиди?»

У радиоприёмник қулоғини буради. Дунёнинг ғам-ғуссадан, ташвишу изтироблардан холи аллақайси бурчагида шодумон оҳангар янграрди.

Машина қишлоққа яқинлашди. Ана, пичан босилган томлар, саф тортган миззатераклар... Мана шу муолишдан кейин Сайдазнинг уйи. Ана, шифер ёпилган пастак том. Ана, узун пешайвон... Эҳтимол, Сайдаз ичкари уйларнинг бирида ёнбошлаб ётгандир. Қуюқ, туташ қошлари остидаги ўткир кўзларини юмиб, буткул оқарган сочларини сийпалаганча ҳаёлга чўмиб ўтиргандир... Балки яна дарди кўзиб, шифтга термилиб ётгандир...

Бирдан юраги орзиқиб кетди. Ҳозир Сайдазнинг эшигини қоқиб борса... гўё Сайдаз хижолатомуз жилмайиб пешвоз чиқадигандек, гапи гапига қовушмай узоқ жимиб қоладигандек, кейин ерга тикилган кўйини иймана-иймана ундан ниманидир илтимоос қиладигандек туюлди!

«Энди нима бўлади?», деб ўйлади у изтироб билан. Энди нима бўлади?

«Маймулар Африкага жўнатилмоқда» деган сўзлар ҳозирча галати туюлади. Лекин яқин келажанда маймуларни Африкага қайтаришга киришилди. Барон Жильбер Тюркхайн Франциянинг Страсбург шаҳри атрофидаги ўзига қарашли ерда маймуларни урчитиб, уларни турли мамлакатларга жўнатмоқда. Сўнги вақтларда бароннинг маймуларни шу қадар кўпайиб нетдини, уларни сақлашга жой етишмай қолди. Маймуларнинг ватани — Мароношда эса қарийб битта ҳам бу одамсимон маҳлуқ топилмайд. Удда-буре барон Маронош ҳу-

нуматига 200 маймун со-  
тиб улгурди. Энди на-  
батдаги буюртмаларни  
кутиб турибди.



Турнида Барон деган қишлоқ бор. У ерда қанча одам яшаётганини

айтиш қийин, лекин қишлоқ аҳлидан 42 киши «Мустафо Вейсал» деган бир хил исм ва фамилияга эга экани маълум. Бу ҳол муаммо ва ташвиш туғдирмай иломни йўқ. Масалан, улардан бирига хат келди, дейлик. Ҳўш, нима қилиш керак? Бундай пайтда хат ташувчи 42 кишининг ҳаммаси тўп-ланган майдонда хат маъмуини баралла ўриб эшиттиради, ана ушанда кейингина хат кел-га эманлиги маълум бўлади. Хат муаммоси-ку ҳеч гап эмас. Аммо адашлардан бирини шаҳарлар-

аро телефон орқали сўзлашувга чақириб қолсалар, аҳвол янада мушкуллашади. Пунтга эса биргина Мустафо Вейсал чақирилган. Кабина олдида 42 киши нетманет тизлиб навбат кутомқда. Шовин, тўполон, баҳс авнига чиқади. Узоқдаги абонент қайси Мустафони чақиргани эса тезроқ маълум бўла қолайди.

Ер атмосферасининг инфосланиш даражаси ўтмишда ҳозиргидан кўра олти баравар ортиқ

бўлган. Аммо бу нарса бугунги аҳволга хотир-жамли билан қарашга ҳуқуқ бермайди. 14 минг йил муқаддам ҳаво рутубатланишининг «айб-дор» заводлар эмас, вулконлар бўлган. Улар атмосферага кўп миқдорда газ ва чағи чиқарган.

Олимлар бу қизиқарли фантин Ерининг геологик ўтмишидан, яъни муз-лиларни чуқур тешириш бўйича маълумот тўплаб аниқладилар. Мучли вулқон ҳаракатининг излари энг аввало Гренландиядан, кейинроқ эса Антарктидадан топилди.





Свердлов номли колхознинг пешқодам бригадаси бошлиғи Назим Хидиров Бобир номдаги ўрта мактабда тез-тез бўлиб, ўқувчиларга шарафли пахтакорлик касби, унинг ўзига хос завқи ва машаққатлари ҳақида ҳикоя қилиб беради.

М. КОМИЛОВ фотоси

## ҚАНОТЛАР

**У** ЭСИНИ танибдики, далада — одамлар орасида. Ҳаммадан эрта туриб пахтазорга ошиқади, кўшини биринчи бўлиб қаршилайди. Бригада аъзоларини бир-ма-бир кутиб олиб, «Бугун яна бир ғайрат қилинган!» деб уларни рағбатлантиради... Касалхонада ётавериб зериккан Назим далани, одамларни соғинганини бугун дафъатан яна бир ҳис қилди. Бошда «Оёғимнинг эти эзилиб, шунчаки лат еган бўлса керак-да», деб ўйлаб, жароҳатига парво қилмаган эди. Орадан тўрт-беш кун ўтгач, докторлар ташвишга туша бошладилар. Бош хирург: «Қорасонга айланмиш хавфи бор, чап оёғингизни кесамиз», дейишга журъат этди. Ана шунда Назимни илк марта изтироб босди. «Бир оёқ билан ишни албатта, эплотмайман. Даладан, ўторак дўсту кадрдонларим дийдоридан бенасиб бўлар эканман-да...», деган совуқ ўй қалбини тимдалай бошлади.

Ноилж операция столига ётишга мажбур бўлди.

Фалокат оёқ остида, деганлари бежиз эмас. Уша кунни бир парча ердаги авжи паст гўзани деб, районга бормаганида, эҳтимол, бу бахтсизлик юз бермаган бўларди. У ердан «Азотли ўғит оз қолган. Тезроқ машина олиб келмасангиз, кечикасиз», деган гапни эшитдию шу заҳоти мотоциклини қўюндай учуриб колхозга кириб борди. Правление биноси олдидаги чорраҳадан шатакли трактор чиқиб қолди. Аксига олиб шу топда ён кўчадан бензовоз кўринди... Ҳушига келиб қараса, мотоцикл ағдарилган, оёғи унинг тагида, чангга беланиб ётибди...

Энди у хаёллар гирдобиди. Эртадан кечгача шифтга тикилиб ўй суради, қирққа кириб «қилчига айланганда ногирон бўлиб қолганидан изтироб чекади. Чуқур сукунат ичида йигитлик йилларини бирма-бир эслади. Хаёл уни умр изларидан етаклайди.

...40-йилларнинг охирилари. Назим ўрта мактабни тамомлаб, колхозда ишлаш бошлади. Эрта баҳорда тенгқурлари билан «ҳосил халтаси»да далага нури ташиди. Чилла кириб, гўза ҳосил тўплай бошлаганда сувчиларга қарашди. Кўпинча культивацияга қўшилган отни етакларди. Колхоз раиси Аҳмад ака Шукуров: «Дехқончиликка қўл урган — хор бўлмайди. Она ерни меҳнат билан эъзозлаган одам эл назарига тушади...», деб уни ҳам, тенгқурларини ҳам мактаб кўяра эди. Ёш экан, бу гапларнинг маъносини чуқур англамас экан.

Орадан йиллар ўтди. Ҳарбий хизмат унинг учун ҳам маънавий, ҳам жисмоний чиниқиш мактаби бўлди. Кейин бир йиллик бухгалтерия курсида ўқиди, колхозда чорвачилик бухгалтерии бўлиб ишлади. Тажрибали ҳисобдонлардан иш ўрганди,

айни вақтда ишчанлиги, ҳожатбарорлиги билан ҳурмат қозонди. Уни КПСС сафига қабул қилдилар.

1961 йили колхоз коммунистлари уни партия ташкилотининг секретарлигига сайладилар. Бу масъул вазифада икки йил ишлади.

1962 йилнинг август ойида юз берган бир воқеа худди кечагидек хотирасидан чиқмайди. Назим ўз хонасида иш билан банд эди. Идора қоровули ҳовлиқиб кирди: «Ўртоқ секретарь, Бўшали адирига ўт кетибди. Қўйларимиз ёнғин ичида қолган». Секретарь шу заҳоти ташқарига отилди... Ёнғин тобора гуриллаб баландга ўрлар, қовжираган хас-хашакни дамига тортиб ямлаб борар эди. Олов ҳалқасида қолган қўйлар ғужанак бўлиб, гир-гир айланар, бир-бирининг пинжиги тикилиб тўхтовсиз маърар эди. Чўпон Миро Муқимов эса дод солиб бақирар, йиғлар эди.

Назим шофёр билан ўт ҳалқасини кесиб ўтди. Ҳай-ҳайлаб сурувни ҳайдай бошладилар. Аммо оловдан чўчиган жониворлар баттар орқага тисарилар эди. Шунда Назим серканинг шохидан маҳкам ушлади-да, уни ўт ичидан судраб олиб чиқди. Энди қўйлар ҳам бирин-кетин серканинг орқасидан — ўтдан сакраб ўта бошладилар. Колхознинг бир сурув кўйи ёнғиндан асраб қолинди. У вақтда Назим кучга тўлган, ўттиз икки яшар норғул йигит эди. Эртадан кечгача эл ташвиши билан олиб югурса-да, чарчамасди. Давраларда не-не пахлавонларнинг курагини ерга тегизиб «Назим полвон» деб ном қозонган эди. Ҳар қандай оғир ишга қўл уриб, куч-ғайрати билан бошқаларнинг ташвишини енгиллатишга одатланган эди. Айниқса, 1960 йилнинг мартида, амакиси Турсун Расулов билан қаттиқ совуқда кўрсатган жасоратидан кейин унинг шухрати яна ошди.

Совуқ, изғирин эди. Фавқулодда Қашқадарё тошди. Мелиораторларнинг ҳисобича, дарё суви секундига одатдаги 10—12 кубдан 150 кубга етган эди. Ушанда район раҳбарларидан тортиб ҳамма қирғоққа тўпланди. Сув эса борган сари кўпайиб, Катта ўзбек тракти ўтган кўприкка хавф солар эди. Шу вақт катта бир тол оқиб келиб, кўприкка кўндаланг бўлиб қолди. Дарахт тезроқ четга тортиб олинмаса, тошқин кўприкни бузиб кетиши ҳеч гап эмас эди. Район партия комитетининг биринчи секретари Абдувоҳид Каримов (ҳозир Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари) йиғилганларга мурожаат қилди: «Сувга тушиб пўлат арқонни дарахт танасига боғлайдиган мўрд борми?..» Шунда Назим Турсунбой амакиси билан бирга сувга тушди. Улар оғирлиги 200 киллограмм келадиган пўлат арқоннинг бир учини ҳарлиги дарахт танасига боғладилар. Шундан сўнг арқоннинг иккинчи учи боғланган трактор чираниб ўрнидан жилди. Дарахт четга тортилиши би-

лан сув сатҳи пасайди. Юраклари ҳаприқиб қирғоқда турган кишилар «Хайрият!.. Хайрият!..», дея икки пахлавон шаънига таҳсин ўқир эдилар. Секретарь: «Раҳмат, азаматлар! Раҳмат!..», дея ботирларни бирма-бир бағрига босди...

Уша пахлавон бугун мажруҳ бўлиб тўшақда ётибди. Энди бундай хайрли ишларга қодирми!.. Айни камолга етиб, қалбида қанчадан-қанча орзулар туғён ураётган бир пайтда бу қандай кўргилик бўлди?

Назим ҳаётидаги ёрқин кунларни эслаб ўзини овутар, гоҳо эса аламдан ўксиб-ўкинара эди.

Реанимация бўлимида палатага ўтказилгач, кўргани келувчилар кўпайди. Райком секретари Абдувоҳид Каримов ҳам кун ора келиб турар, далда берар эди: «Ўкинманг. Алексей Маресьевни биласиз-ку: оғир уруш йиллари ясама оёқлари билан самолётни бошқариб, Гитлернинг калхаларига қирғин келтирган эди. Бундан кейин ҳам бирга ишлаймиз. Сиз учун ҳамма шароитни яратишга ҳаракат қиламиз...»

Хидиров бригадаси шийпониди бўлган суҳбатда ҳамюртлари Абдувоҳид Каримовнинг хизматларини эслашди.

— У киши Китоб районида икки йилгина ишлади,— деди колхоз раиси Очил Рўзиев.— Шу қисқа вақтда канал қаздириб, Макрид чўлига сув чиқартирди. 3 минг гектардан ортиқ ерга пахта эктирди. Хўжаликларро барча сув ўзанларига бетон ётқизишни уюштирди. Ҳамма ҳали-ҳали унинг хизматидаман.

— Бухоро обкомига биринчи секретарь бўлиб боргандан бери ҳам область олға силжимоқда,— дея гапга аралашди партия ташкилотининг секретари Шойим Мавлонов.— Ҳамма ишни, ютуқни бир кишига олиб бориб боғламоқчи эмасман-я, лекин бир нарса оддий ҳақиқат: раҳбар — халқнинг қарвонбошиси. У уздабурон, тадбиркор бўлса, иш олдинга кетади, кишиларнинг турмуши юксалаверади.

— Жуда тўғри,— дея секретарнинг гапини тасдиқларди Назим ака.— Мана бу газетада ҳам Каримов ҳақида муҳбир ҳақ гапни айтибди.— У чўнтагидан буқланган газетани олиб узатди.

Газетага секин кўз югуртираман. «Совет Ўзбекистони» газетасида «Правда»нинг маҳсус муҳбири В. Афанасьевнинг «Ўзбекистоннинг олтин қўллари» деган мақоласи кўчириб босилган эди. Назим ака қизил қалам билан белгилаб қўйган сатрларни ўқийман: «Бухоро область партия Комитетининг биринчи секретари Абдувоҳид Каримов ҳақида ҳам сўзлаб бермоқчиман. Қаерда қийинчилик бўлса, қаердаги аҳволни яхшилаш лозим бўлса, уни уша ерга юборадилар. Бу ғайратли, ишчан, хушфёъл киши аҳволни яхшилайди ҳам. Унинг ҳамма нарсага қўрби етади. Пахта ҳам, металл ҳам, Бухоро кўчаларидаги тартиб-интизом ҳам унинг назаридан четда қолмайди...»

«Ўзбекистоннинг олтин қўллари». Шу тобда бу ҳаққоний баҳо ҳар йили мўл-кўл ноз-неъмат етиштираётган ёнимдаги ҳамсуҳбатларим шаънига ҳам айтилгандек туюлди.

...Уша йили бригада аъзолари астойдил тер тўқдилар. Бригаданинг йўқлигини билдирмадилар: 120 гектар майдондан 38 центнердан ҳосил кўтардилар: Тошкент Протез заводи клиникасида даволанаётган Назим Хидиров буни эшитиб қувонди, йил бошида партия ва халқ олдида берган ваъдасини адо этган елкадошларига ич-ичидан ташақкур айтди.


Колхозчилар уни ғолиб пахлавонни қаршилагандек қизғин кутиб олдилар. Бригадир уларнинг ҳар бири билан иссиқ кўришди. Юраги ҳаприқар, севинчдан кўзлари бир оз намланган эди: «Минг раҳмат, оғайнилар. Аҳволим мушкул пайтда менга мадад бўлдинглар, қувват бўлдинглар», деди у ҳаяжондан энтикиб.

Назим Хидиров кўркам даласини, шу далани яшнатаётган садоқатли кадрдонларини жуда ҳам соғинган эди, уларнинг меҳрига тўймасди. Уфққача туташиб кетган ям-яшил пахтазорга, ўздан сал нарида ишлаётган суюнган тоғлари—Вали Ғаниев, Турди Тўхтамишев, Рустам Мусаев, Муродилла Тўраев, Зиедулла Абдуллаев сингари сувчи ва механизаторларга суқлиги боқар эди. Ҳар бирининг ёнига бориб, у билан ўзи йўқлигида қилинган ишлар, амалга оширилган тадбирлар юзасидан гаплашар, бамаслаҳат янги режалар тузишга интилар эди.

Уша кунни у даладан кеч қайтди. «Одам одамга







Шавкат ПАХОН

# ГУРКИРАГАН БУ РАНГИН ОЛАМ

\*\*\*

Бу ерда зангори каптардай дарахтлар эргашар изимдан. Ҳатто тош устида юлдуздай чечаклар уйғонар сўзимдан.

Қартайган қўтаслар подаси каби жим ўтлаган тоғларим. Яланғоч жувонлар йиғилган оқ тунга ўхшайди боғларим.

Мен севиб яшарман умрбод булбулдек сайроқи сойларни, бағримга босганча қаритгум жувондай тўлишган ойларни.

Бу ерда мен мангу яшарман нурларини сарфлаб кўзимнинг. Бировнинг еримас бу ерлар, ўзимнинг еримдир, ўзимнинг.

\*\*\*

Тонг очар кўзларини эриниб: севинчдан йиғлайди қиёқлар, чечаклар жилмаяр севиниб, шамолда чўмилар гиёҳлар.

Уйноқи шуълалар — болалар жимгина тарқалар сайхонга, ўргимчак тўқир оқ толалар, хонқизи йўл олар меҳмонга.

Қурбақа варақлар баёзин, гулдан бол сўради арлар, чигиртка қайрайди овозин, парвозда ниначи — парилар.

Чумоли, меҳнаткаш чумоли, бир қара, атрофга, беозор майсалар тебранар иболи, дунёни қилма кўп интизор...

\*\*\*

Тун яримлаб қолганда шамол дарахтларни уйғотади бот. Ҳар томонга шаталоқ отиб боғни бошга кўтарар, шаддо. Довдирайди ухлаётган боғ, бошланади оғир оҳ-воҳлар. Қоматларин эгару саннаб кўз ёшларин тўкар гиёҳлар. Ажиб тушлар кўриб кузакка кетаётган олмалар кўрқиб қоқилару шарбатга тўлган меваларин юборар тўкиб. Телба-кезик, дайди шамолдан қазабланиб, улкан, улғувор бошин чайқаб қўяр-да, узоқ гижирлатар тишларин чинор.

\*\*\*

Алдаб қўяр кўзларим сени, гоҳо ўйнар, гоҳ термилар жим, сокин кўлга ўхшайди гоҳо, гоҳ тубида чақнар елдим. Бу алдоқчи, ўсмир кўзларим ёдгорликдир эски дўстимдан — кўз ёшини кўрсатмай мангу йиғлайдиган кўзим кўксимда...

\*\*\*

Қизиган садолар сўнади, қуш каби чўчийди ҳаёли. Кўксига капалак қўнади, кулгиси келади аёлнинг. Ёноғи ловиллаб қизийди, капалак — бўсалар юзида Аланга сочлари тўзийди, уларни ҳайдамас ўзидан. Ифорли ўтларга кўмилар, тикилиб қолади осмонга. Мастона кўзлари юмилар, капалак ёқади жувонга...

\*\*\*

Узум йиғлар, йиғлар буралиб, йиғлайверар қишгача дилдан ва биллурдай тиниқ мўлдири кузда дўнар олтин шингилга. Бу поёнсиз куз оғушида қандай гўзал йиғлайди узум! Шундай бўлар ҳақиқий йиғи, кўриб қўйгин, эй, ношуд кўзим!

\*\*\*

Ечиб оппоқ кўйлагин вақт, кийди яшил гулли кўйлагин. Юрак, уйғон, капалак каби чечакларга қўниб ўйнагин. Майсаларни тараб шамолда бахт онларин санар далалар. Успиринлар қучоғида маст қирда асир тушган лолалар. Боғларда оқ аланга гурлар, телба қилар шамоллар иси. Гилос гулин кийган кўчада оқиб брар қизлар кулгиси. Гуркираган бу рангин олам туйғуларни ўйнатиб ташлар ва ажойиб кунлар умримда атиргулдай очила бошлар...

\*\*\*

Кунлар пиша бошлайди яна, рангин шамол югуриб-елар. Хаёлингни чақмоқлар каби ёритувчи лаҳзалар келар. Яна япроқ ёзган дарахтга, атиргулга дўнарсан нуқул. Кечалари чап кўкрагинда қафасини синдира булбул. Бор кадарни енгмоқча яна етади ҳам ортар бардошинг. Энди ўзинг истамасанг ҳам юлдузларга тегади бошинг.

## Гарсиа Лорка

Қобирғада ханжарни қисиб ётмоғи шарт қайроқтош йўлда. Чўққилардан қуламоғи шарт, чўкмоғи шарт дарёда, кўлда. Сакро-Монто<sup>1</sup> ғорида ўлар лўли қизнинг аччиқ оқидан. Корридада йиқилар кўп бор буқаларнинг тиғдай шохидан. У чалқанча ётар мейдонда, оқиб кирар оғзига ёмғир.

<sup>1</sup> Испаниянинг жанубидаги тоғ.

Бу дунёда минг бора ўлмоқ — оғир, оғир, оҳ, қандай оғир! Бироқ борар ўлимга қарши, Камборьодай<sup>2</sup> бир кун отилар. Қонли жисмин дарёга ташлаб Бенамехга қочар қотиллар... Ва бу аҳвол кўзим ўнгида айланади, кетмас ҳеч йироқ. Ёт ўлимга келаверар дуч, ўз ўлими йўқ эди бироқ...

<sup>2</sup> Шоир асарларидаги қахрамонлардан бири.

дўст, ўртоқ ва биродар» деган буюк инсоний ақида коллективдаги ҳар бир кишининг қалбига чуқур жо бўлиб кетганини яна бир қарра ҳис қилди. Шу-шу, ўқсимайдиган бўлиб қолди, одамлар билан, иш билан овуниб кетди.

1972 йили бригада колхозда рекорд ҳосил кўтарди: 150 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан пахта етиштирди. Ҳукуматимиз Назим Хидировнинг меҳнатини юксак тақдирлади: кўксини Меҳнат Қизил Байроқ ордени бевади. Юксак мукофот унинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Кейинги йили у қолақ бир бригадани коллективга қўшиб олди, экин майдони 170 гектарга етди. Йил бўйи қилинган тинимсиз меҳнат самарасини кўрсатди. Ҳосилдорлик гектаридан 42,5 центнерга тўғри келди. Шу зайдла бригаданинг эътибори тобора орта борди. 1976 йилда ҳосил яна 4 центнерга ошди. Олий мукофот — Ленин ордени билан тақдирланиши унинг учун катта маънавий рағбат эди. Энди расмий йиғилишларда «Ленин ордени бригадир» деб таърифланадиган бўлди. Назим ака шундай йиғилишлардан қайтаётган кезларида ўзича мулоҳаза юритди: «Ленин ордени бригадир! Буюк дохий номи — ғолиблик тимсоли. Доим олдинда боришимиз, бошқаларга ибрат бўлишимиз керак. Чекиниш, орта қолиш бизга ярашмайди».

Дарҳақиқат, унинг қалби фақат олдинга, ғолибликни қўлдан бермасликка даъват этади. У тиниб-тинчимайди. Ерни экишга тайёрлашдан тортиб, етарли миқдорда маҳаллий ўғит жамғариш, ғўзани озиқлантиришда минерал ўғитларнинг мутаносиблигини таъминлашгача — ҳамма агротехника тадбирларига алоҳида эътибор беради. Ҳар бир ишда бош-қош. Айниқса, далада — иш бошида кишилар учун етарли шароит яратиш учун жонкуярлик қилади. Дала шийпонини деҳқоннинггинакам иккинчи уйига айлантирди, уни яна ҳам ободонлаштирди. Шийпон ёнидаги боғнинг меваси

коллективнинг тушлик дастурхонига, етиштирилган сабзавот ва резавор маҳсулотлар эса бригаданинг дошқозонига кут-барака киритади.

Маълумки, ўтган йили республикамиз пахтакорлари учун қийин келди. Китоб районидаги Свердлов номи колхознинг Назим Хидиров бошлиқ бригадаси аъзолари баъзи далаларга икки, ҳатто уч марталаб чигит экишга тўғри келди. Назим ака ҳеч саросимага тушмади. Унинг ўтган баҳорда ишонч билан айтган гаплари эсимда: «Биз энди бир вақтлардагидек Қашқадарёнинг кўз ёшидек сувига умид боғлаган, кетмону омонга суянган қўли қалта деҳқон эмасмиз. Канал тўлиб сув оқяпти, қудратли техника изимизда. Куз яхши келса, албатта мўлжалдаги ҳосилни оламиз».

Кузга келиб у бошлиқ коллектив ҳар гектардан 42,5 центнердан ҳосил кўтарди. Албатта, бу катта ютуқ мислсиз меҳнат, бардош ва матонат билан қўлга киритилди.

Хидиров фақат бригадасининг пахта ташвиши билан ўралашиб қолган деҳқон эмас. У колхоз правлениесининг қишлоқ ҳаётидаги турли томонлар билан қизиқувчи, кишиларни янгиликка, замонавий удум ва аъналарга даъват этувчи фаол аъзоси.

Шу хусусда колхоз партия комитетининг секретари Мавлонов бир воқеани гапириб берди.

— Қишлоқларимизда янги тўйларни расм қилишни режалаштираётган кезларимиз эди. Комиссия аъзолари правление билан қишлоқ Советининг қўшма йиғилишида тасдиқланди. Лекин янги, қомсомол тўйини ким бошлаб беради, деган муаммо туғилди. Бир куни эрталаб раисимиз телефонда мени кабинетига таклиф қилди. Ёнида Назим ака ҳам ўтирарди. «Хидиров: «Қомсомол тўйини бизнинг оиладан бошласак», деяпти. Сиз нима дейсиз?», деб менга маслаҳат солди. Очил ака. «Жуда соз»,— дедим қувониб. Тўй тарадду-

дига киришдик. Назим аканинг олий маълумотли иқтисодчи ўғли Даврон билан бухгалтер қизимиз Мукаррам Файзуллаеванинг тўйини ўтказдик. Тўймисан — тўй бўлди. Бутун колхоз Назим аканинг ҳовлисига йиғилди. Район маданият уйининг санъаткорлари томошани роса қизитишди. Шу-шу янги тўйлар элимизга расм бўлиб кетди. Тоғоратундан қутилдик.

Назим ака учун деҳқончиликда иккинчи даражали иш йўқ. У ҳамма агротехника тадбирларига бир хил масъулият ва эътибор билан қарайди. Баъзилар ғўза чеканкасини ҳамма ҳам қилаверадиган осон ва енгил юмуш, деб ўйлайдилар. Лекин Хидиров уни ғўзанинг ривожланиш ҳолатига қараб пухта ўтказди. Чеканкани қўшимча кўсак, мавжуд кўсакни етилтириш омили, деб билади. Бу тадбирнинг бажарилишини ҳам жиддий назорат қилади.

Назим Хидиров тақадиган бўлса мукофотга олган орден ва нишонлари кўкрагига сиғмайди, дейиш мумкин. Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, иккита «Ҳурмат белгиси» ордени. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор нишони. Биринчилар қаторида номи республика «Меҳнат шуҳрати» китобига ёзилган. Тагида мукофотга берилган енгил машина. Булар ҳаммаси самарали меҳнатлари, колхоз пахтачилигини юксалтиришдаги хизматлари эвазига берилган.

5 миллион 850 минг тонна! Республика қишлоқ хўжалик илғорларининг қурултойида пахтакорларимиз ўз зиммаларига ана шундай юксак мажбурият олдилар. 180 гектар майдонга чигит экиб, унинг парваришини намунали уюштираётган Назим Хидиров бошлиқ эллик центнерчи бригада заршунослари ҳам бу улкан хирмонни бунёд этишга муносиб ҳисса қўшиш иштиёқида фидойилик кўрсатмоқдалар.

Шомурод СИДДИҚОВ



# ЛИРИК ТАРОНАЛАР, ҚУВНОҚ ҚАҲҚАҲАЛАР

Саид Аҳмаднинг 60 йиллигига

**Х**АҚИҚИЙ сўз устасининг номи тилга олинганда одатда у яратган маънавий олам — асарлари, асарларидоги тирик сиймолар, жонли тақдирлар, у илгари сурган ғоялар, кашф этган қалб ва туйғулар, унинг ифода тарзи, сўзлаш оҳанги ҳаёдан ўтади. Бунга эришиш ёзувчи учун катта бахт, шараф. Саид Аҳмад ана шундай бахтга муяссар бўлган адибларимиздан. Саид Аҳмад деганда дарҳол «Уфқ» трилогияси, «Келинлар қўзғолони» комедияси, ўнлаб дилрабо новеллалар, ичакузди ҳажвиялар, ҳузурбахш телеминиатюралар ёдга тушади; аламдийда ва мардона отахонлар — Икромжон, Тоға; мумсук Иноят оқсоқол, Асрора, Урик домла, Чўл бургути, Фармонбиби, Қўли қичиган чол, Қизлар бригадасининг табелчиси сингари бир талай таниш одамлар бирин-кетин кўз олдимизда намоён бўлади; Саид Аҳмад асарларини, у яратган образларни эслаш биланоқ кўнгилларда қувонч, юзларда табассум барқ уради, киши қалбида қандайдир ҳазин ва нурли туйғулар уйғонади.

Бундай маънавий бисотга Саид Аҳмад олтмиш йиллик ҳаёти, қирқ йилдан ортиқроқ ижодий фаолияти давомида тинимсиз изланишлар туфайли эришди. Ҳаёт ва ижод йўлида у кўп қийинчиликларга дуч келди, ижодий изланишлар жараёнида йўл қўйган хато ва камчиликлари учун оғир дакки эшитган вақтлари ҳам бўлди. Умуман, тенгдош қаламкаш дўстлари — Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Шухрат, Рамз Бобожон, Шукрулло сингари Саид Аҳмад учун ҳам ижоднинг катта йўлига чиқиб олиш анча узоқ ҳамда машаққатли кечди.

Ҳар бир адиб адабиётга ўз мавзунини, муаммоларини, образларини билан кириб келади; мавзу, муаммо ва образлар характери ҳамда моҳиятини эса аввало шу адиб яшаган давр, унинг ҳаёт тарзи, муҳити, қолаверса, шу адибнинг майли, манфаат доираси, ҳаётий тажрибалари белгилайди. Саид Аҳмад — Октябрга деярли тенгдош, инқилобдан кейин юртимизда юз берган жамики муҳим ҳодисаларнинг гувоҳи. Тошкент шаҳрида туғилиб ўсган, шу ерда ўқиб таҳсил кўрган бўлса-да, унинг тақдири қишлоқ ҳаёти билан мустаҳкам боғланган. Болалигиданоқ қишлоқлардаги қайноқ ҳаёт ичига, одамлар орасига талпинган. Адиб таржимаи ҳолида болалик йилларини эслаб, ёзади: «Бир томонда коллективлаштириш, бир томонда паранжига ҳужум, янги лотин алифбосига кўчиш, саводсизлик, чаласаводлиқни тугатиш кампаниялари бошланиб кетган эди. Биз, болалар ҳам бу воқеалардан четда қолмасдик. «Кўк кўйлак» тўғараклари тузиб, қишлоқларда



ўйин кўрсатардик. Расм чизишга сал қобилиятим бўлганидан мен кўпроқ қишлоққа чиқардим. Колхоз раислари отда олиб кетишарди мени. Широрлар ёзардик. Чойхоналардаги Ленин бурчакларини безатардик, деворий газеталар чиқарардик...» Кейинчалик мухбирлик касбини танлаб, редакцияларда ишлаган кезлари унинг қишлоқ ҳаёти, бунёдкор халқ, республикамизда амалга ошаётган улкан ишлар билан алоқаси янада кучайди. «Редакция топшириғи билан узоқ областларга борадиган бўлдим,— деб ёзади адиб.— Хоразмдаги Тошсоқа канали қурилиши тугагунча мухбир бўлиб турдим. Ҳали Чирчиқдан, ҳали Чустдан хабарлар ёзиб келардим. Республикамикимизда қазилган ҳамма катта-кичик каналларга борганман, илгор ер қазувчилар ҳаётидан очерклар, хабарлар ёзганман. Бўзсув ГЭСи, Лоғон канали, Катта Фарғона канали, Жанубий Фарғона канали ва ниҳоят Фарҳод ГЭСи қурилишларида мухбирлик қилдим».

Ёзувчи жўшқин йигитлик йилларидаги бу одатини ҳали ҳам тарк этмаган. У ҳамisha сафарда, ҳар доим одамлар орасида, меҳнат аҳли билан тинимсиз мулоқотда, меҳнат аҳлининг ташвиш ва қувончларига яқиндан шерик. Шундан бўлса керак, меҳнаткаш халқ қалбини, дардини чуқур ҳис этади, меҳнат аҳлининг кайфияти, тили, урф-одатини, она юртининг паст-баландини яхши билади. Бугина эмас, сафарда кўрган билганлари, юртин кезишда тўплаган бой ҳаётий тажрибалари у яратган жамики асарларнинг мавзу-мундарижасини белгилайди, ҳаётда учратган таниш сиймолар адиб фантазияси

билан йўғрилиб, адабий образлар қиёфасига киради... Ёзувчининг гувоҳлик беришича, шу пайтга қадар нимаики ёзган бўлса, барчасини ўз кўзи билан кўрган. «Ҳукм» қиссасида акс этганларга колхоз тузуми йилларида широр ёзиб юрган пайтлари дуч келган, «Уфқ»даги одамларни, манзараларни Катта Фарғона канали қурилишида, Ёзёвон чўлларини кезганида учратган, «Чўл ҳикоялари» бошдан оёқ Марказий Фарғона сафарига туғилган, «Иқбол чироқлари», «Онажонлар» ҳикояларидаги одамларни Фарҳод ГЭСида мухбирлик қилиб юрганида кўрган.

Саид Аҳмад асарларини мавзу, муаммолари жиҳатидан асосан уч гуруҳга ажратиш мумкин: уруш ва унинг оқибатларини кўрсатувчи асарлар; севиғ-садоқат, оилавий-маиший ҳаёт масалаларига, маънавий-ахлоқий муаммоларга бағишланган комедия, ҳикоя ва ҳажвиялар; ниҳоят меҳнат кишинини улғувчи роман ва ҳикоялар.

Бундай мавзу-муаммоларга бошқа адиблар, жумладан, Саид Аҳмад билан тенгдош қаламкашлар ҳам мурожаат этганлар; ҳўш, Саид Аҳмад шу аънавий мавзу, муаммоларга қай тарзда, қай даражада ёндашиш, уларнинг қандай янги жиҳатларини кашф этди? Бу саволга жавоб бериш учун аввало адиб шахсияти, унинг услуби, ҳаётни бадиий идрок этиш тарзи устида тўхталиш керак бўлади. Саид Аҳмад табиатан лирик ва қувноқ, ҳазилкаш одам. У бўлган давраларда аския, ҳазил-мутоиба авжига чиқади, минбарларда нутқ сўзлаганида ҳам нуқул кулдириб гапирди; таниш билишларининг табиатидаги, нарса-

ҳодисаларнинг замиридаги кулгили жиҳатларни ниҳоятда тез ва соз илғай олади. Бу хислат унга туғма, болаликдан йўлдош. Адиб таржимаи ҳолида қаламкаш олган илк хотиралари, болаликда эса қолганлари ҳам нуқул кулгили ҳолат ва ҳодисалардан иборат; болаликда у «шум бола»нинг ўзгинаси бўлган, фавқуллода, ғайри табиий, кулгили ҳодисаларга ўта қизиққан. Тоҳир афанди сингари ўқитувчиларнинг хатти-ҳаракати ўзгаларга бошқача, аянчли туюлиши мумкин, Саид Аҳмадга эса кулгили бўлиб кўринади... Шу туғма хислат — ҳазилкаш, кулгига мойиллиги тобора тобланиб, такомиллашиб, кейинчалик қўлига қалам ушлаганида ўз кучини кўрсатди, илк бор ёзганлари ҳам юмористик асарлар бўлди; гарчи илк тўплами — «Тортиқ» муваффақиятсиз чиққан, танқидга учраган бўлса ҳам, унда ёш қаламкашнинг юмористик истеъдодидан далолат берган учқунлар ёлқинланиб турарди. Бу учқунлар йиллар оша секин-аста алангага айлана борди.

Саид Аҳмадни, айни пайтда, табиатан лирик, дедик. Адибнинг умр йўлдоши, нозиктаб шoirа Саида Зуннунова бир суҳбатда шундай деган эди: «Саид Аҳмад акангизни кўча-кўйда кўрган киши шунчаки бир қизиқчи, ҳазилкаш одам деб ўйлайди. Шундай бир ҳазилкаш одамнинг қандай қилиб «Уфқ»дек жиддий асар, кўплаб лирик ҳикоялар ёзганига ишонгиси келмайди. Дарҳақиқат, Саид Аҳмад ака кўча-кўйда, одамлар орасида ўта қувноқ, ҳазилкаш бир киши, аммо ёлғиз қолганида, столга ўтирганида бутунлай бошқача одамга — ҳақиқий лирик шoirага, жиддий носирга айланади. Унинг лирик дақиқаларни қоғозга туширишдаги ҳолати фақат лирик шoirагагина бўлиши мумкин, кескин драматик лавҳаларни тасвир этишдаги кайфияти эса фақат трагедия ёзадиган драматургларда учраши мумкин. Бундай кезларда аҳвол-руҳиясини кўрган киши ундан ҳазил-мутоиба чиқишига асло ишонгиси келмайди...»

Услуб — одам демакдир, деган доно таъбир бор. Ёзувчи табиатан қандай бўлса, асарлари ҳам шундай бўлади, дейдилар. Бу таъбирни, эҳтимол, ҳамма ёзувчиларга бирдек татиқ қилиш қийиндир, аммо Саид Аҳмадга бемалол нисбат берса бўлади. Табиатидаги лирик ва юмористик хислат ёзувчининг тасвир услубига, асарларига шундайгина кўчади-қўяди. Унинг ижодига назар ташлаганда бир-бири билан боғлиқ икки услубий йўналишни кўриш мумкин. Саид Аҳмад ҳам лирик, ҳам юморист ёзувчи. Услубий йўналишига кўра, унинг асарлари ҳам асосан икки турли — лирик талқинга бой новеллалар, қувноқ қаҳқаҳа билан йўғрилган комедия, ҳажвиялар ҳамда бу икки жиҳатни бирлаштирган роман ва қисса.

Саид Аҳмад асарларининг мавзу-муаммолари, образлари, етакчи мотивларини унинг ана шундай тасвир услубидан ажратган ҳолда талқин этиш асло мумкин эмас.

Адабий портрет



Саид Аҳмад созиға хос лирик тарона адибнинг уруш ва унинг оқибатларига бағишланган асарларида алоҳида куч билан янграйди. Адиб уруш фожиаларини акс эттирувчи ундан ортиқ ҳикоя яратди, «Уфқ» трилогиясининг «Ҳижрон кунлари» китобида уруш даври воқеалари қаламга олинган, трилогиянинг урушдан кейинги йиллар ифодасига бағишланган «Уфқ бўсағасида» китобида ҳам ўтган уруш оқибатлари билан боғлиқ талайгина ҳаяжонли лавҳалар бор.

Саид Аҳмад Улуғ Ватан урушида бевосита қатнашган эмас, уруш йиллари у меҳнат фронтида бўлган. Адиб ижодий принциплари келиб чиқиб, асарларида ўша даврнинг ўзи бевосита шоҳид бўлган, яқиндан билган лавҳаларини — кишиларимизнинг мамлакат ичкарисидеги ҳаётини, урушининг фронт орқасида қолганлар тақдирини изларини, урушдан қайтганлар қисматини ифодалайди.

Бу асарларда ёзувчи уруш туфайли алоҳида шахслар, қолаверса, бутун халқ бошига тушган қийинчилик, жудодик, дард-аламларини, фашизм қабохатининг мудҳиш оқибатларини рўй-рост кўрсатади. Асар воқеалари уруш майдонларидан жуда оилса, республикамизнинг турли бурчакларида, Фарғона қишлоқларида ўтса ҳам, ҳар қадамда урушнинг шиддатли нафаси, ўқ-дорик ҳиди анқиб туради. Уруш туфайли бола отадан, ота боладан, машуқа ошиғидан жудо бўлади, бирое чоғоронлиқдан умрбод тўшакка қадалади, бирое касбкоридан, севган санъатидан айрилади, уруш ота билан болани бир-бирга рақиб этиб қўяди, муштилари она нобоп ўғил қилмиши туфайли уят, ор-номус исканжасида оламдан ўтади, бошқа бир она жангда ҳаётини қурбон қилган ёлғиз ўғли доғида телба бўлиб қолади... «Дод, деб йиғласа бўладиган ишлар ўтди бошимиздан», дейди ёзувчи персонажларидан бири чуқур изтироб билан. Бундай лавҳалар орқали адиб урушнинг ғайри инсоний моҳиятини фош этади, гуманизм ғояларини илгарии суради.

Адиб нуқул уруш даврининг маломатли лавҳаларини, мусибату фожиаларини кўрсатиш билан чекланмайди, унинг персонажлари фақат жабрдийда, аламзада, ҳўрланган одамлар эмас; аксинча, автор совет кишиларидаги уруш туфайли юз берган мусибатларини енгиллашга қодир маънавий кучни зўр пафос билан мадҳ этади, ўша оғир уруш йилларининг ҳам нурили жиҳатларини эътибордан четда қолдирмайди; чунончи, вафодор ёр садоқати туфайли тўшакка қадалган уруш қурбони кўнглида умид чироғи ёнади; урушда икки оёғини йўқотган аёл садоқатли эр далдаси билан қаддини ростлайди; қўлдан ажралиб, севган санъатидан жудо бўлган уста шогирдида ўзи йўқотган санъатни топади; Абдулла Қаҳҳор айганидек, уруш бўрони кўз очирмаётган вақтда бировнинг қалбига муҳаббат ғунчаси япроқ ёзади; ота аскарликдан қочган фарзандига ўқ узаяди ва шу билан бирга «Хайрият, ўқ тегмади», дейди; қишлоқдан қаҳрамон чиққанда бутун қишлоқнинг кўкраги кўтарилади, ҳар бир хонадонга файз киради; оддий одам меҳнат фронтида катта ташкилотчиға айланади; одамлар қўлидаги бир бурда ноннинг юмшоқ жойини жангчиларға илинади...

Абдулла Қаҳҳор «Уфқ»нинг «Ҳижрон кунлари» китобини назарда тутиб ёзади: «Бу — соф ҳаёт, ёзувчининг қалбини ўртаган, ардоқлаган унга илҳом берган ҳаёт тасвири, оғир ва шу билан бирга гўзал, мунгли ва шу билан бирга фараҳбахш, мусибатға тўла ва шу билан бирга одамға қувват берадиган умид, унинг бошини «тошдан» қиладиган ишонч барқ уриб турган ҳақиқий ҳаёт ман-

зарасидир... «Уфқ»да тасвир этилган қишлоқ ҳаётини, одамларини кўриб ҳар бир ўзбек катта ифтихор билан: «Биз ўзбеклар!», дейди, қардош халқлар ўзбекни меҳр билан: «Ўзбек оғайним!», деб атайди».

Саид Аҳмад — севи, садоқат, ёшлик куйчиси. У бевосита маънавий-ахлоқий муаммоларға бағишланган бир туркум ҳикояларнинг автори. Унинг бу мавзудаги асарлари қаҳрамонлари гоёт хилма-хил кишилар; уларнинг бирини мустақил ҳаёт оstonасига эндиғина қадам қўйган, меҳнат, муҳаббат, илк бўса лаззатидан баҳраманд бўлган ёшларни учратсак, иккинчисига ҳаётда адашиб, шундай замонда шахсий бахтини бой бериб қўйган ношуд-нотавон кимсаларға дуч келамиз; яна бирини ўз шахсий ҳузур-ҳаловатидан воз кечиби, ўзгаларға бахт, шодлик ҳада этган олижаноб кишиларни кўрсак, бошқасига фақат ўзини деб, ўзгаларни қон қақшатувчи худбинларға юзма-юз келамиз. Саид Аҳмад фақат ёшлик куйчиси бўлиб қолмай, кўплаб ёқимтой қариялар образини яратган адибдир, унинг қатор ҳикояларида асримиз юкини елкасида кўтарган, кўпни кўрган отахонлар, мунис-меҳрибон онажонлар сиймоси билан танишамиз.

Саид Аҳмаднинг ёшлик, севи, садоқат ҳақидаги ҳикояларини ўқиганда китобхон қалби нузли туйғуларға тўлади, ёзувчи сўзлари билан айтганда, киши ўзининг ўт-олов болалик, тўполоғини ёшлик, қанотли ўспиринлик йилларини эслаб кетади; фақат нурдан, фақат оҳанглардан яралган ишқ аталмиш йигитлик тонглари, истиқбол дардида ўртанган безовта дамларини, бахт-саодат бағриға чақирган эртани кутган кечаларини кўргандек бўлади; эндиғина балоғат оstonасидан ҳатлаган ўспиринларнинг ўзидек беғубор ўйлари, болаларча беғубор севи, муҳаббатнинг пинҳоний ва лекин ширин туйғулари, биринчи бор бўсаға интилган лабларнинг маъсумлиги, эрта тонгдек мусаффо, офтобдек иссиқ, баҳор елларидек димоқни хушлағувчи, танға ҳузур бағишловчи илк севи, адашишлар, интилишлар — барча-барчасини кўриб, юракдан ҳис этиб туради. Энг муҳими, бу ҳикоялар бизни, инсонға бир бор берилдиган ҳаётини, инсоний бахтини, илк севиғини қадрлашға, ҳаётда чин инсон бўлиб ҳалол яшашға даъват этади, одамнинг одам олдидаги, эл-юрт олдидаги бурчи, масъулиятини эслатиб туради, инсондаги ноёб туйғу, олижаноб фазилатларни қадрлашға, асарға ундайди.

Саид Аҳмаднинг бундай ҳикояларидаги қаҳрамонларнинг аксарияти ҳис-туйғуға бой, гоҳо асабий кишилар. Автор ҳаётдан кўпроқ бетинч, беором одамларни қаҳрамон қилиб олади, уларни биз ҳаммиш ҳис-туйғу оламининг кескин, нозик дақиқаларида — ё тажани, ё ўзида йўқ шод, ё ғам-алам, ё роҳат-фароғат оғушида кўрамиз. Ёзувчини биринчи ғалда бевосита персонаж характери эмас, ҳиссий кечинмалари қизиқтиради. Адиб қаҳрамонни китобхонға кескин руҳий ҳолатда кўрсатади-да, сўнгра бунинг сабабларини изоҳлашға ўтади, йўл-йўлақай қаҳрамон характерини, ҳаёт йўлини чизади. Шундай қилиб, Саид Аҳмад ҳикояларида қаҳрамон характери ва тақдири кайфиятлар, ҳиссийлар таҳлили орқали берилди. Бу ҳол унинг асарларини беллетристикадан кўра лирик турға яқинлаштиради. Авторнинг ҳодисаларға бевосита аралашуви, лирик-публицистик кечинишлари, персонажларнинг ҳиссий оламиға зўр берилиши — буларнинг ҳаммаси унинг ҳикояларига лирик оҳанг бахш этади.

Ҳиссий таҳлили билан иш кўришининг маълум хатарли жиҳатлари ҳам бор. Маълумки, кайфият, ҳиссийет — ўй-ақлга қараганда тезкор, ўзгарувчан; бинобарин, ҳиссийетдаги жараён, ўзгариш ҳеч қачон характердаги туб

ўзгаришға тўлиқ тенг келмайди. Саид Аҳмад кўпроқ ҳиссийет таҳлили билан банд бўлганидан, баъзан қаҳрамонлар ҳаётидаги кескин бурилишлар етарли далилланмай, персонажлар тўлақонли характер даражасига етмай қолади. Бу ҳол хусусан олижанобликни, қаҳрамонлардаги фавқулодда жасоратни кўрсатишға бағишланган ҳикояларида сезилади. Худди шундай ҳикоялар хусусида адабий танқидчиликда кўпроқ баҳс бўлгани, эътироз билдирилгани тасодифий эмас.

Меҳнатни, меҳнат кишисини улуғлаш, социалистик меҳнат романтикасини очишға интилиш Саид Аҳмад ижодининг яна бир етакчи мотивини ташкил этади. Бу мотив унинг улкан қурилишлардан, кўриқ ва бўз ерлардан, пахта далаларидан ёзган лавҳа, очеркларидан бошланган. Кейинроқ яратилган, Марказий Фарғона чўллари ўзлаштираётган кишилар турмушидан олинган «Чўл ҳикоялари» туркумида, «Уфқ» трилогиясида, хусусан, унинг биринчи китоби — Катта Фарғона канали қурилиши воқеаларини гавдалантирувчи «Қирк беш кун» романида меҳнатни улуғлаш мотиви зўр куч билан жаранглайди.

Автор «Чўл ҳикоялари»ни «Чўлларда бошланган янги ҳаёт ва янги одамлар қиссаси», деб атайди. Ҳикояларнинг қаҳрамонлари «чўл билан беллашаётган, худди шу чўлдек бағди кенг, аммо навқирон, ҳар қайсиси алоҳида китобға қаҳрамон бўлса арзийдиган, бир-бириға ўхшамаган табиатли» одамлардир. Чўлга от солишни, ўзига ўхшаганларни чўлга бошлашни касб қилиб, Чўл бургути деб ном олган Раҳимжон, кўча-кўйда ҳам, оилада ҳам доимо ўрик ва унинг нави ҳақида баҳс очадиган, фикри-зикри боғ-роғу шира-шарбат билан банд бўлган Ҳорик домла, қолхоз мулкни кўз қорачиғидек асрайдиган Отабой, жасуриликда лочинни эслатувчи шаддод қиз Ойшаҳон, унинг ёри Ганивой, таннозлиқни ташлаб, чўл одами бўлиб қолган Кокила, нозик табиатли, аммо паҳлавон йигит Нуъмонжон — барча-барчаси, янги ернинг ана шу янги одамлари китобхонға ёқиб қолади.

Бу ҳикояларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, уларда ёзувчининг лирик созиға қувноқ, ҳаётбахш юмор жўр бўлиб қўшилган. Бундай ҳикоялардаги кулги танқиддан деярли холи, кишилардаги инсоний жозибани очишға, жамият ўшиға фидоийликни кўрсатишға, одамлар орасидаги ўртоқлик, биродарлик муносабатларни ардоқлашға, ҳаёт, меҳнат, муҳаббат романтикасини қутлашға хизмат қилади. Мақсуд Шайхзода таъбири билан айтганда, бу ерда кулги «ҳаёт ва тақдирдан розилиқни, инсонларға ва истиқболға ишончини, яхшиликка ва гўзалликка муҳаббатни билдирадиган чинакам инсоний тилға айланади. Худди шу фазилат «Уфқ»даги меҳнат жараёнлари, меҳнат қаҳрамонлари тасвирида, хусусан, Асрора, Азизхон образлари талқинида ёрқин намоён бўлган.

Саид Аҳмад ижодининг етакчи мавзулари устида гап борганда адиб асарларининг яна бир жиҳати эътиборни тортади. Саид Аҳмад қаҳрамонлари бевосита табиат кўйинида — тоғларда, яйловларда, чўлларда, боғларда, далаларда, қир-адирларда кўринадилар, улар нуқул табиат кучиға, кенгликка, уфқларға талпинадилар. Саид Аҳмад она табиатнинг мафтунни, ёниқ куйчиси сифатида иш кўради, хусусан, олтин водий — Фарғона манзараларини зўр меҳр, самимият билан мадҳ этади. Адиб асарларида табиат — бир оромгоҳ, сиқилган, зериккан кўнгилларға таскин берувчи маскан, китобхонда эстетик завқ, лирик кайфият уйғотувчи бир восита. Унинг роман, қисса, ҳикояларида кўклам таровати, саратон ҳарорати, олтин куз саховати, тиниқ тонг, сўлим кечалар нафосати яққол

сезилиб туради; юлдузлар чарақлаган осмон, гоҳ хилол, гоҳ тўлин ой, кўм-кўк қирлар, қип-қизил лолага бурканган адирлар, икки тарафида адл тераклар саф торган йўллар, азамат чинорлар кўзларни қамаштиради; тунлари эсадиган чўл шамолларининг ғир-ғири, осмонни тилкапора қилган момақалдироқ гумбури, ёмғир швири, дарёнинг шовуллаши, қирғоққа сапчиётган сувнинг шаллолаши, синкаға солинган докадек осмондан учиб ўтаётган турналарнинг қур-эй-қур-эйи, кўк гумбазидан элас-элас қулоққа чалинаётган тўрғай навоси, чумқуқнинг чуғури — барчаси асабга ором, кўнгилларға шодлик бахш этади. Саид Аҳмад асарларида мафтункор ёз кечалари тасвири кўп учрайди, аммо бу тасвирлар ҳеч қачон бири иккинчисини такрорламайди, ҳар бир оқшомнинг ўз файзи, ўз гашти бўлгани каби, ҳар бир тасвирнинг ҳам ўз таровати, сурури бор.

«Дарё шовуллайди, тоғ орқасидан осмонға сут пурагандек бўлиб аввал ой шуъласи кўринади, кейин ўзи салмоқлаб осмонға кўтарилади-да, тоғ чўққисига айри миниб туриб қолади. Бирам чиройли, бирам ёқимли шамол эсади. Саратон дамолдек қиздирган тошларни шу шабада пуфлаб совитади. Ут-уланларни силкитади. Жўжаси ҳали учирма бўлмаган она ўрдақларнинг аллага ўхшаш ғалати ғақиллашини узоқлардан олиб келади. Каналнинг бетўсиқ-бетўлқин суви ойдинда худди поёни йўқ яхлит ойнадек ялтирайди. Қулоқ бошида сув очаётган миробларнинг товуши эшитилиб қолади. Айниқса, биттаси эзиб-эзиб ашула айтади. Кечаси олисдан келган қўшиқ ғалати бўларкан. Одамнинг томир-томириға кириб кетаман дейди...»

Нақадар сўлим, сеҳрли, мафтункор манзара! Уни ўқиганда китобхон ўзини ўша мафтункор кеча кўйинида, сув бўйида ҳис этади, ўша сеҳрли манзара тароватидан баҳраманд бўлади. Бундай тасвирлар китобхондаги она табиатға меҳр ҳиссини жунбушға келтиради, ўзи ҳам шу она табиат фарзанди, унинг ажралмас қисми эканини эслатиб туради.

Саид Аҳмад ижодида ҳажвий асарларнинг, юмористик йўналишнинг салмоғи катта. Адиб ижоднинг каттагина қисми ҳажвийдир — комедия, сатирик, юмористик ҳикоялар, фельетонлардан иборат. Сатира-юмор унинг жиддий асарлари — ҳикоялари, ҳаттоки «Уфқ» трилогияси бағридан ҳам кенг жой олган.

Саид Аҳмад асарларида кулгининг ҳамма тури — қувноқ ханда, енгил табассум, беозор ҳазил-мутоибадан тортиб, киноя-кесатич, масхара ва ғазабли қаҳқаҳагача — барчаси бор. Саид Аҳмад — қувноқ, ҳазилкаш ҳажвичи, унинг ҳажвияларидаги кулги аввало қувноқ юмор. Бу ҳол, бир чеккаси, ёзувчи услубидаги лирик йўналиш билан алоқадор. Ёзувчи табиатан лирик бўлганидан ҳажвияларида ҳам лирик жўшқинлик сақланади. Шунингдек, ёзувчи табиатан юморист бўлганидан бошқа жиддий асарлари кўпинча ҳаётбахш кулги, ҳазил-мутоиба билан йўғрилиб кетади.

Саид Аҳмад кулгисини қувноқ, ҳаётбахш кулги, дедик. Табиийки, бундай кулги заминида ҳам ҳаётдаги баъзи кам-кўстларни қоралашни кўрамиз. Шундай бўлса-да, у асосан ҳаётни, инсонни улуғлашға қаратилган. Авторнинг кўпдан-кўп ҳажвиялари, юқорида тилға олинган «Чўл ҳикоялари» персонажлари, «Уфқ»даги Асрора, Азизхон ва ниҳоят «Келинлар қўзғолони» комедияси бошдан оёқ шундай хушқоқчақ, шундай шарафловчи юмор билан йўғрилган. Ҳатто «Ханка билан Танка», «Менинг дўстим Баббаев», «Лаъли Бадахшон» каби ҳажвияларида танқид тиғи хийла ўткир бўлса-да, оқибат-натияжада қувноқ кулги, ҳазил-мутоиба устунлик қилади. «Келинлар қўзғолони»да ҳам



# ЖАННАТДЕК МАКОН КУЙЧИСИ

ҳаётдаги, одамлар табиатидаги айрим қусурлар саваланади: қаллоблар, энгил ҳаёт кечириб йўлга кирган кимсалар, оилавий муносабатларда ҳамон сақланиб келаётган, тараққиётимизга зид тушаётган қоқоқ удумлар танқид қилинади. Бироқ асардаги етакчи нарсаси — асосий кулги ҳалол, покиза одамларни, социалистик ҳаёт тарзининг бебаҳолигини муҳтовчи кулги; одамга одамнинг меҳрини товлантирадиган, одамдаги ҳамдардлик туйғусини жунбушга келтирадиган, инсонпарварлик руҳи билан суғорилган ҳаётбахш кулги. Биз саҳнада Фармонбиби, унинг ўғил ва келинлари хатти-ҳаракатини кузатиб, кўзларимиздан ёш тирқираб кетгунча қаҳқаҳа отиб кулади, ва театр залидан шу одамлар билан дўст, қадрдон тутиниб чиқамиз.

«Келинлар кўзғолони» комедияси Саид Аҳмад кўп йиллар давомида ҳажвчиликда тўплаган ижодий тажрибаларининг маълум синтези сифатида яратилди; комедия фақат республикамизда эмас, Иттифоқ бўйлаб донг қозонди, халқчил, ҳаётбахш бу комедияга «Правда» газетаси ҳам юксак баҳо берди.

«Уфқ» трилогияси ёзувчи ижодида алоҳида ўрин тутди. Саид Аҳмад бу асар устида ўн йилдан ортиқ тинимсиз тер тўқди. Асар халқ ҳаётининг ўн йиллик даврини — уруш арафаси, уруш ва урушдан кейинги йилларни қамраб олади. Трилогия воқеалари аниқ тарихий ҳодисалар — Катта Фарғона канали қурилиши, Марказий Фарғона чўллариини ўзлаштириш фониди юз беради. Асар худди ўша тарихий ҳодисаларни — халқнинг меҳнатдаги мислсиз жасоратини аниқ, жонли гавдалантириб берувчи бадий ҳужжат сифатида ҳам қадрлидир.

Бироқ трилогиянинг қиммати фақат шу билангина чекланмайди. Энг муҳими, автор худди ўша тарихий ҳодисалар фониди халқнинг маънавий бисотини очди; меҳнаткаш халқ характериға хос азалий фазилатларни, совет даврида тўғилиб шаклланган янгича хислатларни — мардлик, тантлиқ, олижаноблик, юксак гражданлик, бирдамлик, жамоат ишига фидойилик, интернационализм ва коллективизм туйғуларини ғоят самимият билан ҳаққоний гавдалантириб беради. Худди мана шу фазилатлар туйғули халқ қирқ беш кун мобайнида қўл кучи билан улкан канални бунёд этади, уруш даврнинг чексиз азоб-уқубатларини, мусибатларини энгиб ўтади, оғир дамларда одамлар бахтини, ризқи рўзини деб чўлларга от солади, уруш доғларига даво, деб, фидокорона меҳнатга отланади.

Трилогияда халқ ҳаёти, ҳаракати, оммавий саҳналар тасвири, халқ фазилат мадҳи билан алоҳида шахслар тақдири, ўзига хос олами ифодаси узвий тарзда бирлашиб, туташиб кетган. Ҳар бир персонажнинг ўз ҳаёт йўли, тақомили, характери, бетақдор хусусиятлари жонли, аниқ чизилган. Ёзувчи етакчи персонажларнинг руҳий оламиға чуқур кириб боради, қалб торининг нозик оҳанглариини сўз қудрати билан чиғади.

Трилогия — хусусиятиға кўра синтетик жанр. Саид Аҳмад жанрнинг шу имкониятларидан келиб чиқиб, ўзбек адабиёти тажрибаларига таянган ҳолда, М. Горький, М. Шолохов, А. Толстой, М. Азевос сингари эпик тасвир усталари аъёнларини давом эттириб, «Уфқ»да хилма-хил тасвирий воситаларни қўллади; нафис лирик, кўтаринки романтик, энгил, қувноқ юмористик, масхарали сатирик, осойишта эпик, кескин драматик тасвирнинг бир асарда кенг қўламда ёндош келиши — Саид Аҳмаднинг бу борадаги тажрибаси, бизнингча, насримиз истиқболи учун ғоят қадрли, бу тажриба социалистик реализм поэтикаси имкониятларини намойиш этувчи бир факт сифатида ҳам ардоқлидир.

«Уфқ» ўзбек ва рус тилларида бир неча бор нашр этилди, қўлдан қўлга ўтиб ўқиладиган севимли асарлардан бириға айланди, 1977 йили шу асари учун авторға Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти берилди. «Уфқ» фақат ёзувчининг ютуғи бўлиб қолмай, «Ғолиблар», «Чинор», «Наврўз», «Меъмор», «Бинафша атри», «Улуғбек хазинаси», «Диёнат», «Юлдузли тунлар» каби 60—70-йиллар ўзбек насрининг камоли ва жамолини кўрсатувчи асарлар қаторида туради.

Бу муваффақиятларнинг барчасини Саид Аҳмад аввало туғма таланти, ҳалол меҳнати, қолаверса, социалистик жамият барпо этган қулай шартшароит, халқ ҳаёти билан мустақкам алоқа, устозлар мадади, қаламқаш дўстлар далдаси туйғули қўлга киритди. Ижоддаги устозлар ҳақида сўз борганда Саид Аҳмад ҳаммадан олдин Ҳамза ва Абдулла Қодирий номини ҳурмат билан тилға олади. Саид Аҳмаднинг ёзувчи бўлиб етишувида Фафур Гулом билан Абдулла Қаҳҳорнинг бевосита таъсири катта бўлди.

«Куни кеча бир даста «Муштум»ни қўлтиқлаб, менинг уйимдан Абдулла Қаҳҳорниқига, унқикдан мениқига қатнаб, бирор жўяли маслаҳат қидириб юрган Саид Аҳмад бугун бақувват сатирик, юморист ёзувчимиз бўлиб етишди», деб ёзган эди Фафур Гулом «Адабий оила» мақоласида.

Саид Аҳмаднинг ўзи ҳам Фафур Гулом билан Абдулла Қаҳҳор кўрсатган кучли таъсирини мамнуният билан эътироф этади: «Аслида мени ҳажв йўлиға Фафур Гулом бошлаб кирган. Маълумки, Фафур ака ўттизинчи йилларда ҳажв жанрида баракали ижод қилди. Ихчам, кулгили ҳикояларнинг жуда яхши намуналарини яратди. Мен шу ҳикоялар таъсирида адабиётға кирганман. Кейинчалик бу буюк ёзувчи билан яқиндан танишим, ундан расмана ижодий таълим олишим ҳажва бўлган интилишимда жуда катта ёрдам берди. Ундан кейин Абдулла Қаҳҳор ҳикояларидаги сиқиклик, сўзини исроф қилмаслик, тағдор гап айтиш санъати мен учун бир дарслик хизматини ўтади».

Саид Аҳмаднинг ижодий тақдирида яна бир ижодкор — ҳассос шоира, моҳир прозаик Саида Зуннунованинг ролини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Саида Зуннунова Саид Аҳмаднинг турмуш ўртоғи эди, Фафур Гулом бу икки ижодкорнинг ҳаётий иттифоқини адабиёт тарихида кўп учрайдиган «Маъқул жуфтликнинг намунаси», деб атаган, «Кичкинагина, самимий бу оила баҳамжиҳат адабий ижодкорлик хусусияти билан кўпчиликнинг таважжуҳини ўзига тортган заҳматкаш бир ячейкадир», деган эди. Дарҳақиқат, Саида Зуннунова саранжом-саришта уй бекаси, вафодор ёр бўлиш билан баробар, Саид Аҳмад учун ижодда ҳамкор, маслаҳатгўй дўст эди. Саид Аҳмад мана шу ижодий ҳамкорлик йилларини чуқур эҳтиром билан эслайди: «Саидахон умр бўйи ўзидан кўра менинг ижодий тақдирим ҳақида кўпроқ ўйларди, мени доимо тергаб, ёзишға рағбатлантириб турарди. Қаламим остидан чиққан ҳар бир саҳифанинг илк ўқувчиси ҳам, илк танқидчиси ҳам шу Саидахон эди».

Саид Аҳмад олтиш ёшға кирди. Юзида ажин, сочида оқ тошалар хийла кўпайди, лекин ўзи ўша-ўша: аввалгидек навқирон, кўнгли лирик тароналар билан лиммо-лим, у бўлган давраларда кулги, қаҳқаҳа авжида; адиб одағдагидек одамлар, марди майдонлар орасиға, олис уфқларға талпинади. У ҳамон йўлда. Унинг ижод йўлидаги изланишлари давом этмоқда. Умид қиламизки, у ўзининг янгидан-янги имкониятларини ҳормай-толмай намойиш этишда давом қилади.

Умарали НОРМАТОВ,  
филология фанлари доктори



РИФ МАҲМУД ўғли Гулханий Самарқандий 1879 йили Самарқанд шаҳрининг Ҳўжақишлоқ маҳалласида тутилди. Отаси камбағал қосиб эди. Беш яшарлиғида оқила онаси уни мактабға берди. Ориф дастлаб Улуғбек ва Шердор мадрасаларида, кейинчалик Бухорода таҳсил кўрди. Мадраса программаси билан қаноатланмасдан, Шарқ класи адабиётининг улкан сиймолари — Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Навоий, Фзулий ва Бедил асарларини иштиёқ билан мутулаа қилди. Бухоронинг Аҳмад Дониш бошлиқ илғор фикрли зиёлилари суҳбатидан баҳраманд бўлиб, ўзи ҳам ўзбек ва тожик тилларида ғазаллар, мухаммаслар ёзди.

Она шаҳри Самарқандға қайтгач, Ориф шоир Васлий бошчилиғидаги адабий ҳаракатға қатнашиб, ижодий гурунларда кўпгина шоир ва санъаткорлар билан танишди. Тез орада шеър мухлисларига Гулханий номи билан танилди.

Улуғ Октябрь инқилоби ғалаба қозонганда у илғор зиёлилар сафида эди. Маҳаллий большевиклардан Миржамолов, Раҳимов сингари партия активлари таъсирида совет ташкилотлари ишиға ёрдам бера бошладди, уезд ижроия комитетининг топшириғиға биноан муаллимлар, муллавақчалар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйди. Кекса коммунист, пенсионер Абдуғани Раҳмоновнинг хотирлашчида, Гулханий дастлаб Улуғбек мадрасасида, кейин бошқа мадрасалардаги ёшларға мурожаат қилиб, инқилоб ғалаба қилгани муносабати билан маҳаллий зиёлилар ва ёшлар олдида янги, масъулиятли вазифалар турганини тўшунтирарди. Унинг суҳбатидан кейин илмли ёшлар совет мактаб-маорифи ва вақтли матбуот ишиға сафарбар этилар эдилар.

1918 йили ёзган бир ғазалида шоирнинг бу вақтлардаги ғоявий мавқеи равшан ифодаланган:

Еришди зулмат ичра инқилоб  
тонги, боқинг, дўстлар.  
Анинг нури-ла бундъат кулбасиға  
ўт ёқинг, дўстлар.  
Саводсизнинг кўзи кўрдир, кўрар  
бўлса-да бенурдир,  
Олиб дафтар-қалам зинҳор алиф-  
бони ўқинг, дўстлар!

У ижтимоий ва ижодий иш билан бирға, оила бошлиғи сифатида ҳам ҳамиша банд, заводда оддий ишчи бўлиб ишлар, бир парча ерда деҳқончилик ҳам қилар эди.

Улуғ Ватан уруши йиллари давр масъулиятини ҳис этган шоир катта йиғинларда нутқ сўзлаб, халқни ёвуз душманға қарши аёвсиз курашға даъват этди. Мудоффа фондиға маблағ йиғиш, Қизил Армия жангчилари учун иссиқ кийим тўплашда ташаббус кўрсатди, ўшанда «Ленин йўли» газетаси Олий Бош Қўмондон-

нинг Ориф Гулханий Маҳмудов номиға йўллаган раҳматномасини эълон қилган эди.

Шеър ёзишни Октябрь революциясидан олдин бошлаган Гулханий Самарқандий ижоди асосан совет ҳокимияти йилларида раванқ топди. Қаҳрамон совет халқи қўлга киритаётган оламшумул муваффақиятлардан руҳланиб, қайта яшарган шоир айниқса 30—40-йилларда баракали ижод қилди. Унинг В. И. Ленин, Коммунистик партия ва Ватан шаъниға, халқ меҳнатини шарафлаб ёзган асарлари тез тарқалиб, шеърят мухлисларига манзур бўлди.

Шоир архивида 200 га яқин шеърнинг қўлёзмаси бор. Уларни варақлаганда нуруний, тамкин, зукко шоир қиёфаси гавдаланиб, шеърларининг шўх жаранги қулоққа баралла чалинади. Гулханийнинг инқилобдан олдинги ижоди асосан машқ шеърлардан иборат бўлганиға қарамай, уларда ўша замон руҳи, илғор фикрлар ифодаланган. 1911 йили ёзган бир ғазалида шоир:

Гулханий эрдим, агарчанд аҳли  
донишдон, бироқ,  
Эътиборе топмадим, иқбол имдод  
этмади,—

деб нолийди. Муқимий ғазалиға ўхшашма тарзида ёзган «Бир келиб кетсун» радиопли ғазали раван, содда мисралари билан мафтун этади:

Сабо, еткур бу оқшом моҳи  
тобон бир келиб кетсун,  
Бошимға юз туман кулфатни  
солгон бир келиб кетсун...  
Анго айтар каломим бор, ширин  
сўзим — каломим бор,  
Этиб кулбамни равшан, топса  
имкон, бир келиб кетсун.

Шоир арузининг турли баҳрларида ғазаллар, мухаммаслар битишини инқилобдан кейин ҳам давом эттирди. Ибн Сино, Хусрав Деҳлавий, Навоий, Бедил, Фазлий Намангоний, Муқимий шеърларига пайравлик қилиб, тазминлар яратди. Кейинчалик, айниқса, 40-йилларда, совет халқларининг қайноқ ҳаётида рўй берган тўб ўзгартишларни ўз кўзи билан кўрган, кўп воқеаларнинг актив иштирокчиси бўлган шоир ижоди ғоявий-бадий жиҳатдан анча мукамал шеърлар, қўшиқлар билан бойиди. Гулханийнинг ҳофизлар ижросида кенг тарқалган «Севар ёрим, дилдорим», «Ор айлама», «Танҳою зорман» каби ғазалларини журналхонлар яхши биладилар.

Нигорим, эл ичинда меҳнатинг-ла  
эътибор топдинг,  
Фаровондир ҳаётинг, яшнаган  
гулбоғ — диёр топдинг,—

дея баралла куйлаган кекса шоир Самарқанд адабий муҳитида истеъдодли ёшлар билан ижодий ҳамкорлик қилиб, самарали ижод этди.

Шоирнинг бир тукум шеърларида пролетариатнинг улуғ доҳийси В. И.





Гулханий САМАРҚАНДИЙ

## Дўстларга

Еришди зулмат ичра инқилоб тонги, боқинг, дўстлар,  
Анинг нури-ла бидъат кулбасига ўт ёқинг, дўстлар.  
Саводсизнинг кўзи кўрдир, кўрар бўлса-да бенурдир,  
Олиб дафтар-қалам зинҳор алифбодин ўқинг, дўстлар.  
Неча авлоду аждодлар белин букди боёнларга,  
Замон келди, аларнинг бошида ёнғоқ чақинг, дўстлар.  
Опа-сингил, хотин-қизлар, шабистон ичра юлдузлар,  
Этиб поймол хурофотни саводдин гул тақинг, дўстлар.  
Табиат сирини билмоқ — эшонлар қалбини тилмоқ,  
Қиз-ўғлонга муносибдир, дабистонга<sup>1</sup> оқинг, дўстлар.  
Ҳаёт энди фаровондир, элу юрт мисли бўстондир,  
Билиб дер Гулханий сизга: «Маориф тарқатинг, дўстлар!»

<sup>1</sup> Мактаб.

## Агар жанг бўлса

Аё дўстлар, совет даври ажаб бир даври даврондир,  
Элу юртда фаровонлик, халойиқ шоду хандондир.  
Улуғ Ленин бўлиб раҳбар, неча қавму қариндошлар  
Қуришди тер тўкиб маскан — бузилмас кучли кўрғондир.  
Ани шум ёв кўролмайдди, бироқ раҳна солормайдди,  
Негаки, паҳлавон лашкар туну кун анга посбондир.  
Туганмасдир Ватан ишқи, гўзал боғу чаман ишқи,  
Неча гулбоғ аро машъал — бизим ҳур Ўзбекистондир.  
Агар душман хуруж қилса, ёвузларча юруш қилса,  
Этармиз ер билан яксон, бу — бизнинг аҳду паймондир.  
Қизил байроқ тагида Гулханий ҳам бир қизил аскар,  
Агар жанг бўлса, майдонда қаҳр бирла намоёндир.

Ленин, шонли Коммунистик партия раҳнамолиги васф этилади. «В. И. Ленинга» шеъри муҳаммас жанрида, «Ба Ленини муаззам» шеъри ғазал жанрида ёзилган бўлиб, уларда буюқ доҳийнинг олижаноб инсоний фазилатлари таърифланган. Улардаги мисраларда совет кишисининг ғурури барқ уриб туради:

«Тиконсиз лолазор қайда?»,  
десаңг бил, бизнинг ошёндин,  
«Дахлсиз ул диёр қайда?», дебон  
сўрсаңг, шу кўрғондир.  
Совет тупроғида инсон ҳамиша  
бахтли инсондир,  
Негаким, Ленин авлоди азалдин  
аҳли виждондир,  
Қувонгил, Гулханий, дунёда жан-  
натдек маконим бор!

Гулханий поэтик ижодига хос фазилатлар ҳақида гап борар экан, шуни эслатиб ўтиш керакки, у ўзбек ва тожик классик шеърини анъанасига содиқ қолиб, деярли ҳамма шеърларини аруз вазида ёзди. Узининг бу анъанасига содиқлиги рамзи сифатида улуғ Навоий ҳурмати асарлар бағишлади. 1939 йили ёзилган «Алишер Навоийга» шеърини да шоирнинг ўзига мурожаат шаклида баён этган мулоҳазалари китобхонни XV аср воқеалари ичига олиб кирадиган иборалар, тасвирий воситаларга бой, улар Навоийнинг улуғ шоирлигини, халқпарвар гуманист

эканлигини таъкидлашга хизмат қилдирилган:

Эй, улуғ шоир Навоий, азми  
ижод айладинг,  
Аҳли маъни даврасини хурраму  
шод айладинг.  
Дурру гавҳар риштасига бир неча  
дурдоналар  
Тиздингу адлу адолат измин  
иршод айладинг.

«Агар жанг бўлса...» ғазали арузнинг ҳазажки мусаммани солим баҳрида ёзилган. Бироқ энди шоир лирик қаҳрамон тилидан совет даврининг «ажаб бир даври даврон» эканини, «элу юртда фаровонлик», халқ ҳаётида шод-хуррамлик ҳукмрон бўлганини таърифлайди. Буларнинг ҳаммаси бизнинг Ватанимизда улуғ Ленин раҳбарлигида, қардош халқларнинг ҳормай-толмай меҳнат қилиши туфайли қўлга киритилганини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам, борди-ю шум ниятли душман хуруж қилиб, ёвузларча юриш бошласа, барча совет кишилари қатори ўзининг ҳам «қизил байроқ тагидаги бир қизил аскар» сифатида ҳарбу зарбининг олдинги сафида бўлажанини зўр кўтаринки оҳангда баён этади:

Туганмасдир Ватан ишқи, гўзал  
боғу чаман ишқи,  
Неча гулбоғ аро машъал — бизим  
ҳур Ўзбекистондир.

## Ленинга

Муаззам доҳий Лениндек азизим, қадрдоним бор,  
Гўзал бўстондин ортиқ яшнаган гулбоғ маконим бор,  
Совет давронида шавкатли элдурмиз, нишоним бор,  
Нишоним шулки, ҳурлик даврию қувноқ замоним бор,  
Жаҳонда тинч яшаймиз, Партиямдек меҳрибоним бор.  
Қуёшдек нур сочиб оламни равшан этди ул шаҳбоз,  
Етимга ҳур яшаш йўлин очиб, бўлди дағи ҳамроз,  
Жаҳон халқини(нг) ғамхори, ҳамиша мушфиқу мумтоз,  
Бутун жабру жафодин элни озод айлаган устоз,  
Бошимизда сипар янглиғ туну кун соябоним бор.  
Ўзи сарвар, сўзи гавҳар юзи хуршеди оламдир,  
Сифотин минг забон-ла таъриф этганда тагин камдир,  
Буюқ алломанинг илми маёқдек биз-ла ҳамдамдир,  
Совет даврида барча ишчи-деҳқон шоду хуррамдир,  
Этарман васфини такрор танимда токи жоним бор.  
«Тиконсиз лолазор қайда?», десаңг, бил, бизнинг ошёндин,  
«Дахлсиз ул диёр қайда?», дебон сўрсаңг, шу кўрғондир,  
Совет тупроғида инсон ҳамиша бахтли инсондир,  
Негаким, Ленин авлоди азалдин аҳли виждондир,  
Қувонгил, Гулханий, дунёда жаннатдек маконим бор.

## Ўзбекистон

Ўзбекистон ССРнинг 15 йиллигига

Ўзбекистон, азиз юртим, ўтмишда хор эдинг сен,  
Етим-есир бечорага тикилган дор<sup>1</sup> эдинг сен,  
Қайғу-алам ботқоғида инграб туну кун мудом,  
Мудрар эдинг, гоҳ уйқуда, гоҳи бедор эдинг сен.  
Мустабидлар неча йиллар ёнғоқ чақди бошингда,  
Шайх-муллалар хурофот-ла заҳар қўшди ошингда.  
Нечун сенга олий ҳиммат бир қаҳрамон боқмади?  
Билмам, нега бошинг силаб бир меҳрибон боқмади?  
Ёки ўзинг золим қисмат азобин истабмидинг?  
Ахир нечун замонга сен, сенга замон боқмади?  
Бардош бериб зулм тиғи қийноғи-азобига,  
Неча аср сузиб юрдинг мусибат гирдобига.  
Яхши ҳамки, Русияда гумбурлади инқилоб,  
Шоҳга қарши бир талпиниб кўтарилди шайху шоб<sup>2</sup>,  
Шунда сен ҳам қон-қардошлар билан юрдинг ёнма-ён,  
Жангга кирдинг, ёвни қирдинг, бўлди ағёр бениқоб.  
Шаҳид бўлди жондан азиз довлорак ўғлонларинг.  
Ёруғ бўлди юзинг янглиғ отар чоғи тонларинг.  
Ўзбекистон, азиз юртим, энди эркин, озодсан,  
Қардошларинг каби сен ҳам гўзал гулбоғ, ободсан,  
Чунки бизга йўлбошчилик қилар шонли Партия,  
Тенгқурларинг даврасида қувнаб яшайсан, шодсан.  
Гулханий ҳам бахтиёрдир, қувонч билан яшайди,  
Эртанги кун порлаб боқар, ишонч билан яшайди.

<sup>1</sup> Муқимийнинг «Саёҳатнома»сидаги «Дунё қурилган дор экан» иборасига ишора.

<sup>2</sup> Каттаю кичик.

Агар душман хуруж қилса, ёвузларча юруш қилса,  
Этармиз ер билан яксон, бу —  
бизнинг аҳду паймондир.  
Қизил байроқ тагида Гулханий  
ҳам бир қизил аскар.  
Агар жанг бўлса, майдонда қаҳр  
бирла намоёндир!

Шоирнинг Улуғ Ватан уруши кезларидаги ва ундан кейинги давр ижоди тематик кенглиги, фикр тарафлиги ва бадиянинг анча юксаклиги билан ажралиб туради. Бу шеърларда граждонлик пафоси устун. Совет жангчиларининг жанг майдонидаги матонатини таъкидлаш мақсадида, уларнинг «ёвни Брест ёнида танг қилганлиги», Украина боғларида, Эльбрус довоида, белорус ўрмонларида жонга жон, қонга қон олаётганини бирма-бир санаб, катта реалистик панорама яратишга интилади. Шоир китобхон диққатини мамлакат ичкарисидаги воқеалар гафсилотига — меҳнат майдонида матонат кўрсатаётган ишчилар, колхозчи деҳқонлар қаҳрамонлигига жалб этади.

Урушдан кейинги давр халқаро миқёсда тинчлик ва демократия учун кураш масаласини кун тартибига қўйди. Бу империалистик доираларнинг босқинчилиги, урушқоқлик сиёсати қарши совет давлати бошлиқ социалистик мамлакатларнинг баҳамжиҳат курашга бел боғлашини

тақозо қилди. Табиийки, тинчлик ва озодликнинг нақадар катта қурбонлар эвазига қўлга киритилганини яхши тушунган Ориф Гулханий «СССР — тинчлик таянчи» каби шеърларини ана шу муҳим масалага бағишлади. Шоир энди тинчликсевар, бунёдкор совет халқи номидан гапирди, социалистик тузумни, совет ҳукуматининг оқилона ва одилона ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлайди. Шоир тасвирига кўра, мамлакатимиз — тирик бир вужуд, улкан ва енгилмас қудратга эга бўлган олам! Гулханий Самарқандий умрининг сўнги йилларида йирик поэтик асарларда ҳам куч синаб кўрди. Унинг шахсий архивида сақланаётган «Волга-Дон», «Туркман канали» ҳамда «Алишер Навоий» дostonларининг тугалланмаган боблари шундан да лолат беради. Бу асарларда шоирнинг ғоявий-бадий камолоти яққол кўринди.

Гулханий ўз асарларини газета ва журналларда кам эълон қилган. Шунга қарамасдан унинг ғазал, муҳаммаслари, айниқса, халқ кўшиқларига ўхшаш содда шеърлари кенг тарқалган. Гулханий Самарқандий ижодига бўлган қизиқиш унинг туғилганига 100 йил тўлиши муносабати билан янада кучаймоқда.

Раҳим МУҚИМОВ,  
филология фанлари доктори



# ЯЙЛОВ, ҚУРА, ЧҶУПОН...

**Н**УРОТА — тоғлар ўлкаси. Унинг Фозилмон ота чўққисидан тортиб, Қизилқум этакларигача чўзилган кенг даралари кичикроқ область ерича келади. Ана шу пастбаланд даралар, тоғу тош, зумрад булоқлар, қулундай шўх сойлар бағридаги кўм-кўк яйловларда серқуёш республикамизнинг икки забардаст қоракўлчилик райони — Нурота ва Қўшработнинг минг-минглаб қўй-қўзиси, йилқилари боқилади.

Авлод-аждоди чорвадор ўтган ҳар икки район меҳнаткашлари «Ортимиз дарёдан узоқда, бир ёнимиз тоғу тош, бир ёнимиз саҳрога туташ», деб хотиржам юрмаганлар. Улар ободончилиқни ўйлаб, қўйчиликни ривожлантириб, кенг яйловлар яратишни орзу қилганлар. Ям-яшил ўтлоқлар, яхлит бедазорлар барпо этиш учун текис майдонларга сув чиқарганлар.

## Аҳмад бобо ҳикояси

**Б**УНДАН ўн олти йилча аввал Қўшработ районининг Эргаш Жуманбулбул ўғли номидаги совхозига қарашли Оҳчоб қишлоғида салкам бир аср умр кўрган бобо яшарди. Уни Нурота воҳасида танимаган киши йўқ. Ҳамама Аҳмад бобо деб ҳурмат билан маслаҳатга келарди. Хат-саводи бўлмаса ҳам ўтмишни яхши биларди у киши. Тенгдошлари кучли хотирасига ишора қилиб «қумқулоқ» деб ҳазиллашганлар. Не бахтки, мен ҳам бобомизнинг суҳбатларини, ўтмиш ҳақидаги ҳикояларини унча-мунча эшитганман. Кунлардан бир кун у киши қўйлар, яйловлар тўғрисида сўз бошлаб қолди:

— Қадимда ҳам ота-боболаримиз қўй ортидан қий санаб юриб кун кўрган, бўтам. Жилдир этиб оққан сувнинг олдини тўсиб, чоғатларга тош қалаб, ариқ ўтказганмиз, дўнгликдаги текисликларга сув чиқариб ўт экканмиз. Тоғ ёнбағирларида коризлар қазиб, ер остидан бир-бирига туташтириб, беш-олти чақирим наридан сув олиб келганмиз. Биз-ку билмаймиз, ота-боболаримиз сал-пал эслаб қолган: ҳозирги Нурота атрофида 350 га яқин кориз бўлган экан. Мاستон деган коризнинг ўзи уч юз қудуқнинг сувини берган. Бошидаги биринчи қудуқнинг чуқурлиги ўн тўрт қулоқ экан. Коризларнинг этегида, уч-тўрт чақирим нарида пайкал-пайкал бедаялар сув ичган. У коризлар бу юртга Искандар Зулқарнайн босиб келмасдан илгари қазилган эмиш...

...Кейин Бухорода Абдуллахон деган шайбонийзода хон ўтган. У зоқ бир юртдан — жангдан қайтиб келаятганида Оҳчобда тўхтаган. Оҳчобликлар ундан ялиниб-ёлвориб ёрдам сўраганлар. Хон Аҳмадали Найман деганга одам бериб, Бекларсойда сув омбори қурдирган. Кейин баландликка сув чиқарилиб, анча жойлар обод бўлган... Даврлар ўтиб, уларнинг ҳаммаси ҳозир йўқ бўлиб кетган. Харобалари, излари бор....

## Сув

**А**ҲМАД бобо Расулов ҳикоя қилган Нуротанинг қадимги коризлари, XVI асрнинг 80-йилларида қурилган Оҳчоб сув омбори тўғрисида тарих ҳам гувоҳлик беради. Буларнинг ҳаммаси Нурота воҳасидагиларнинг авлод-аждодлари минг йиллар оша сув учун

курашиб келганидан далолатдир. Улар қор-ёмғир сувларини тўплаб, селхоналар қурганлар, кориз ва қудуқлар қазиб, булоқларнинг кўзини очиб, кўкариб турган ажирик осларини чуқур кавлаб сув чиқарганлар. Бунинг учун меҳнаткаш халқ қанча тер тўкиб, қанча заҳмат чекмаган дейсиз! Қанча тошу қум-шағал чиқармаган дейсиз! Чорвани, қўйчиликни деб, яйловларни деб қилинган бу ишлар.

Ҳар жиҳатдан илгарилаб бораётган ҳозирги давримиз бу соҳада жуда дадил қадамлар ташлашни тақозо этади. Қудуқлар, коризлар, бандлар, селхоналар бугунги чорва яйлови учун кифоя қилмайди. Эндиликда катта тўғонлар, сув омборлари керак. Улар илгаригидек кетмон, белкурак, чўкки ва замбиллар билан эмас, қудратли экскаваторлар, бульдозерлар, юз ва ундан ортиқ от кучига эга бўлган паҳлавон моторлар ёрдамида барпо этилади.

Савол туғилади: ҳўш, Нурота ва Қўшработ районлари тоғ ораликларидан тўғонлар ва омборлар қуриш учун сув манбалари борми?

Бор! 1957—1962 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг Маҳондарё археологик отряди томонидан текширилганда, Нурота тоғ тизмаларидаги Оҳчобсой, Синробсой, Чашмасой, Пангатсой, Чуясой сингари бир қанча дараларда сув омборлари қуриш учун шароит борлиги аниқланган. Агар шу жойларда тўғонлар қурилиб, оқин ва сел сувлари йилнинг октябрь — май ойлари давомида тўпланса, ҳар бирида 15—20 миллион куб метрдан сув жамғариш имконияти бор. Бу сув билан эса бир неча ўн минг гектар майдонни сугориш мумкин. Аниқ маълумотларга кўра, Ўрта Осиё Пахтачилик сув ишоотлари қурилишини лойиҳалаш институти геологик ва гидрогеологик жиҳатдан жуда қулай бўлган Оҳчобсойдаги қадимий Абдуллахон банди ўрнида янгидан 15 миллион кубметр оби ҳаёт тўпланадиган сув омбори қуришни режалаштирган. Бирок неча ўн йиллар ўтиб кетса ҳамки, бу иш ҳамон амалий тус олгани йўқ. Соиларнинг суви бехудага кўмга сингиб кетмоқда. Бундан икки-уч йил олдин «Нурота» совхозига сув

омбори қуриш ҳақида фикр бор эди. «Қизилча» совхозига Арнасой сувидан фойдаланиб, қўшимча 500 гектар ер ўзлаштириш тadbирлари белгиланган эди. Чордара сув омборининг тошиши туфайли ҳосил бўлган улкан Ҳайдарқўл сувини насос билан чиқариб, Нуротанинг саҳрога туташ, шўрламайдиган ерларида чорвабоп озуқалар етиштириш мўлжалланган эди. Афсуски, ўша яхши ниятлар ҳалигача қоғозда қолиб келмоқда. Қўшработ районидан тикланаётган Тўсинбой сув омборининг қурилиш суръати ҳам кўнгилдагидек эмас. Ишчи кучи, қурилиш материаллари етишмай, ишоот қаддини ростлай олмаётир.

Тўғри, воҳадаги ҳар икки қоракўлчилик районининг барча хўжаликларида тоғ этаклари, чуллар бағрида сувли экинзорлар барпо этишга интилиш бор. Соиларга ўрнатилган насослар билан катта-катта қир, адир, даштларга сув чиқарилмоқда, бир неча ўнлаб қудуқлар пармаланаётир. Нуротадаги Ленин номи совхозда 28 артезиан қудуғи қазилиб 730 гектар ер сугорилди. 1973 йили ташкил этилган Суғориш тармоқлари бошқармаси томонидан 1620 гектар ер ўзлаштирилди. Аммо ҳозиргача қилинган ишлар кўзда тутилган режаларга нисбатан денгиздан томчи, холос. Қолаверса, бу ишлар — ҳар икки район ўртасидаги ер остидан сув чиқарувчи махсус механизмлашган кўчма колоннанинг қувватигагина яраша. Давр эса бу соҳада катта қадамлар ташлашни, чорвадорларни табиат эҳсонига кўз тикиб областдаги қўшни районлардан янтоқ, хас-хашак йиғиб юришдан, кези келганда тилаб олишдан қўтқизишни, оқибат натижада 16-18 сўмга тушаётган бир центнер хас-хашакнинг таннархини пландаги 5 сўмга туширишни талаб қилмоқда.

КПСС XXV съезди белгилаб берган ўнинчи беш йилликнинг асосий йўналишларида республикамизда 1,5 миллион гектар яйловга сув чиқариш ишлари амалга оширилсин, дейилган. Бу илҳомбахш кўрсатмалардан нуроталик ва қўшработлик чорвадорлар қувонган эдилар. Улар воҳадаги табиий сув омборларини қуриш, мавжуд оқин сувлардан тўла фойдаланиш ва янги яйловлар бар-

по этиш ишларининг тезлаштирилишини кутган эдилар.

Ҳўш, область ва республика мутасадди ташкилотларининг, аввало, ЎзССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг бу масалаларда фикри қандай?

Чорвадорлар амалий ёрдам кутмоқдалар.

## Изенъ ҳам бўлсин, шувоқ ҳам

**Х**АР ГАЛ яйловларда бўлиб, кенг шувоқзорларни кўрсам, бобомнинг яна бир ҳикояси эсимга тушади:

— Анча йил бўлиб кетди,— дея бошларди у ҳикоясини. Қурғоқчиликдан чорванинг ҳоли танг бўлди. Қарши томоннинг қўйларини Нуротага ҳайдаб келишди. Беш-олти ой ичида ҳар бир қўй бузоқдай бўлиб семирб кетди. Чўпонлари хурсанд, «Нурнинг шувоғи арпадан зўр экан», деб шувоғимизга ихлос қўйган эдилар.

Бобом «Ҳар бир қўй бузоқдай-бузоқдай семирб кетди», деб муболаға қиларди, албатта. Лекин бу гапнинг замирида ҳақиқат бор: илгарилари ҳар бир қўй 50—60 килограммгача гўшт қилгани рост. Очиғини айтиш керак, бундан ўн-ўн беш йил илгарисёқ қўйларнинг умри (қиш чилласининг қаҳратон кунларини ҳисобга олмаганда) асосан яйловда — шувоқзорларда ўтарди. Йил қуруқ келган пайтлари ота-боболаримиз: «Осингга солинган пўстакни шувоқзорда бир қадам судра, агар унга хас-чўп илинса, демак, ерда молга озиқ бор, шувоқнинг илдизи қўй-қўзига кони фойда», деб бежиз айтмаганлар. Улар қоракўл териларнинг юқори сифатли бўлиши ва сур териларнинг кўпайишида ҳам шувоқнинг аҳамияти катталигини эътироф этганлар.

Нурота ва Қўшработ районларида юзлаб гектар шувоқзорлар бор. Уларнинг бекиёс фойдеси ҳақида фанда кўплаб илмий-амалий ишлар қилинган. Бироқ кейинги йилларда мазкур районлардаги шувоқзорларга кам эътибор берилаятганлиги кишини ажаблантиради.

Тўғри, сўнгги пайтларда чорвачилик хўжаликлари яйловларни маданийлаштириш учун кенг изензорлар барпо қилишга катта эътибор бермоқдалар. Чунончи, Самарқанд областида бундай майдонлар ҳозир 65 минг гектарни ташкил этади. Фоят фойдали ва тўйимли бу ўсимлик шувоқ, янтоқ, каррак сингари табиий ўтларга нисбатан анча қимамли ва серҳосилдир. Изенъ экилган майдонлар ҳар йили бир марта бороналиб, икки марта (май, октябрь ойларида) ўриб турилса, 15—17 центнергача ҳосил бериши мумкин. Бордию, ўрилмаса, эски паялар янги куртакларга халал бериб, ўсимликнинг тез қаришига сабаб бўлади.

Нурота ва Қўшработ районларидаги яйловларда ҳозир 30 минг гектардан зиёд изензор бор. Келажакда бу майдонлар 90 минг гектарга кўпайиши кўзда тутилмоқда. Бироқ шуниси ачинарлики, атрофи симли говлар билан ўралган 400—500 гектарли яйлов майдонлари Нурота шароитида ҳозирча ўзини оқлай олгани йўқ. Биринчидан, уларнинг ҳар бирига қувурлар орқали ёки қудуқлар қазиб сув олиб бориш муаммоси ҳал этилмаган. Иккинчидан, қаҳратон совуқларда сурувларни ичкарига олиш ва рацион асосида озиқлантириш учун механизмлашган йирик қўйчилик комплекслари, улар ёнида



саккиз-ўн, лоақал тўрт-беш квартиралари замонавий уйлар қуриш ҳақида қайғурилгани йўқ. Бунинг учун маблағ, материал керак.

Ана шу нарсалар билан таъминлашни давлат ўз зиммасига олади, албатта. Лекин ихтисослаштирилган кўчма колонналар қани? Нуротадаги «Фозгон» совхозининг 2-бўлимида 1000 гектарга яқин яйлов ғовли майдон системасига айлантирилганига кўп бўлгани йўқ. Бироқ бу ердаги сим ғовларнинг қарийб учдан бир қисми ҳозирданоқ узук-юлуқ, қаровсиз ҳолга келиб қолди, устунлар йиқилиб, очилиб ётибди.

Масаланинг яна бошқа жиддий томони бор. Изензорларни кўпайтириш шубҳасиз чорвачиликда қатта аҳамиятга эга. Қолаверса, у фанда ва амалиётда янгилик, ҳаёт тақозоси. Лекин уни Нурота, Қўшрабат ва яна республикамизнинг бошқа йирик чорвачилик районларидаги сингарии шувоқзорлар ўрнига экиш мақсадга мувофиқмикан? Изензорлар деб минглаб гектар серҳосил табиий ўтлоқлардан, хосияти чексиз шувоқзорлардан воз кечиш керакми?

Бизнингча, изензорлар барпо қилиб, сим тўсиқлар билан ўралган ўрама яйловларни ташкил қилишдан — кам ўт яйловларни серўт қилиш, майдонлардан навбати билан фойдаланиш, чўпон-чўлиқлар сонини қисқартириб, бир қатор ишларни автоматлар, механизмлар гарданига юклаш сингари юксак самарали ишлар кўзда тутилган. Шундай экан, изензорларни табиий ўтлар ғоят кам, қақроқ, чўпонлар тили билан айтганда, «бахил» ерларда ташкил этиш керак, токи у жойларга сув чиқарилиб, яйловлар чинакамига кенгайсин. Шундагина қўйчиликда ҳақиқий ривожланиш бўлади, хўжаликларда самарадорлик ошади. Нурота ва Қўшрабат районларида эса сув олиб бориш имкониятлари бўлган кенг, текис, айна пайтада қақроқ майдонлар минглаб гектарларни ташкил этади. Шувоқзорлар эса сақланиши керак. Бу ҳақда ЎзССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Ўзбекистон Қоракўлчилик бош бошқармаси ва бошқа нуфузли ташкилотлар жиддий ўйлаб кўрар ва матбуотда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар, деган умидамиз.

## Лоийҳадаги қўралар қани?

**Б**УНДАН беш йил муқаддам Нурота район партия комитетининг собиқ биринчи секретари Азимжон Тиллаев билан учрашган эдик. Тошкентга муҳим масалалар билан келган экан. Чой устида айтилган «муҳим масалалар»нинг бири — чорвачилик районларида намунали қўралар қуриш муаммоси эди.

— Районимиз коммунистлари, — деб ҳикоя қилди Азимжон Абдурахмонович, — чорвадорларнинг истакларидан келиб чиқиб, қўраларни қайтадан қуриш, улар ёнида ёрдамчи бинолар барпо этишни тақлиф қилдилар. Чунки ҳозир бундай бинолар майдаланган: хашак, аралаш озуқалар ва бошқа емлар тайёрлаш учун жуда зарур. Масалани район партия комитетида етарлича ўйлашиб, муҳокама қилдик. «Қўралар қандай бўлиши керак?» деган мавзуда муҳокама ўтказдик. Учрашувга хўжаликларнинг раҳбарларини, мутахассисларни, илғор чўпонларни, Ўзбекистон Қишлоқ қурилишини лойиҳалаш илмий-текшириш институтининг Самарқанд филиали ва область совхозлар трести-

нинг капитал қурилиш бўлими вакилларини тақлиф қилдик. Учрашув жуда қизиқарли ўтди, баҳслар бўлди. Қоракўлчи мутахассислар бўлажак намунали қўраларнинг турли хомакни лойиҳаларини тақлиф этдилар. Лекин орадан икки йил ўтиб кетди, ҳалигача на лойиҳадан, на жавобдан дарак бор. Институт лойиҳачилари ҳам, совхозлар трести раҳбарлари ҳам бу ҳақда лом-мим демаётирлар. Яқинда суриштирган эдик, институт филиалидагилар: «Чизмалар бор, трестдагиларга айтинглар, ўзларига маъқулни танлаб берсин, қурадиган улар, ахир», деб жавоб бердилар. Трестдагилар эса: «Бу чизмалар бўйича курсак, жуда қимматга тушади, совхозларга оғир келмасмикан?» деб баҳона қилдилар. Хуллас, улар бир-бирлари билан келишолмаётирлар, биз эса... кўриб турибсиз, охири Тошкентга келишга мажбур бўлдик...

Беш йил илгари бўлиб ўтган қисқа суҳбатимизнинг мазмуни шундай. Бу орада район раҳбарлари ўзгарди. Район иккига бўлинди. Институтда ҳам, трестда ҳам унча-мунча ўзгаришлар бўлди. Намунали қўралар қуриш муаммоси эса муаммолигича қолаверди. Чорвадорлар ҳамон ёрдам кутмоқдалар. Эҳтимол, бу масалани Ўзбекистон Қишлоқ қурилишини лойиҳалаш институти филиали ходимлари ва Совхозлар трести раҳбарлари ҳал қилар.

## Чўпон таёғи ерда қолмасин

**Н**УРОТАДА район партия комитетининг биринчи секретари Ҳожиқул Худойқулов билан учрашдик. Ҳали анча ёш бўлса-да, ўзининг мулоҳазакорлиги, сезгирлиги ва дилкашлиги билан ажралиб турувчи секретарь мақсадимизни тушунди-да, ортиқча савол бериб ўтирмай, гапга тушиб кетди. Унинг гапларидан Нурота ва Қўшрабат районлари олдидагина эмас, балки республикамизнинг барча чорвачилик хўжаликлари олдида ҳам шундай муаммолар борлигини ҳис қилдик.

— Ғовли яйлов системаси, шубҳасиз, афзалликка эга. Масалан, ҳозир 600—800 бош кўй ёки кўздан иборат бир ўтарни уч-тўрт киши, қиш кунлари эса беш-олти киши боқаётган бўлса, чегараланган зоналарда бу ишни бир ёки икки киши бажаради. 3—3,5 минг бош кўйни боқишга нари борса етти-ўн киши жалб этилиши мумкин. Чунки бундай усулда қўйчилик комплексларидаги кўпгина ишлар механизмлар зиммасига тушади.

Лекин бу ерда бошқа гап бор. Асосий ишларни бажариши керак бўлган ана шу механизмларни ишлата биладиган кадрлар керак. Ҳозир ҳамма соҳада, айнақса, чорвачиликда кадрлар бош масала бўлиб турибди. Бунинг ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида, партия Марказий Комитети пленумларида қайта-қайта таъкидлади.

— Нима, ота-бобоси чорвадор ўтган районингизда кадрлар етишмайдими? — деган саволимизга секретарь:

— Йў-ўқ, — деди, — айтмоқчиманки, ҳозирги кунда чорва механизмларидан самарали фойдалана оладиган, зооветеринариядан хабардор, ҳисоб-китобга уста, одамлар билан муомала қила биладиган ихтисосли кадрлар керак. Ҳозир районимиздаги 1400 чўпондан атиги 20 киши ўрта маълумотли мутахассис. 400 га яқини тўлиқсиз ўрта ва ўрта маълумотли. Шундай экан, уларга бояги айтилган талабларни қўйиб бўлмайди.

— Наҳотки, районда ёки қўшни районлар оралиғида чорвачилик учун кадрлар тайёрлайдиган ҳунар-техника билим юртини очиш мумкин эмас?

— Сиз айтган 60-ҳунар-техника билим юрти ишлаб турибди. Бироқ, билмадик, бошда кимнинг тақлифи билан бўлган, унда фақат чорвадор механизаторларгина тайёрланади. Битираётган ёшлар зооветеринария қондаларидан, чўпонлик сир-асроридан мутлақо хабарсиз бўлиб чиқмоқдалар. Пировардида, сўнгги ўн-ўн беш йил мобайнида бобокалон чорва орқасидан нон еган чорвадор районимизда ёшлардан бирортаси ота изидан бориб, чўпон таёғини олганини эслолмаймиз. Баъзан ўйлаб кўрсам — алам қилади. Чўпонлик шарафли касб! Унга иштиёқ керак, маҳорат керак, тажриба, тадбиркорлик керак. Бугунги кун талаби билан айтсак, катта билим керак... Бизда ёки қўшни районлар оралиғида Самарқанддаги Зооветеринария техникумининг филиали ташкил этилса, унда фан билимларидан ташқари, кекса, тадбиркор, номи бутун республикага таниқли чўпонларимизнинг илғор тажрибалари кенг ўрганилса, деган истакда эдик. Буни қайси ташкилот ёки министрликка айтишни ҳозирча аниқ билмаймиз, лекин шундай қилinsa, айна мударра бўларди.

## Ён дафтардаги тақлифлар

**Э**РКИН Эргашев билан Тошкент Олий партия мактабида учрашган эдик. Ушанда у бу ерга райком секретарларининг бир ойлик курсига ўқишга келган эди. Суҳбатимиз қизиқ кетди. У бир вақт стол устидаги қизил муқовали дафтарчасини қўлимга тутқазиб: «Бемалол ўқиб кўринг, чорвачиликка оид айрим мулоҳазаларимни ёзиб юраман», деб қолди. Дафтарчадаги мулоҳазаларни диққат билан ўқиб чиқдим. Дафтарча эгаси айтганидек, улар чиндан ҳам чорвачилик тараққиётига оид шахсий мулоҳазалар, истак ва тақлифлар экан. Мана, улардан айримлари: «Кўзини сўйиш, терисини шилиш, тузлаш, қуритиш ва саралаш — чорвачиликда муҳим иш. Эсимда, 1975 йилнинг кузида Самарқандда Жаҳон қоракўлчиларининг III халқаро симпозиуми ўтказилган эди. Ушанда қоракўлшунос олимлардан бири сўзга чиқиб, Қозоғистон чорвадорларининг илғор иш усуллари ҳақида мамнун бўлиб гапирди. Олимнинг айтишича, қозоғистонлик чорвадорлар қоракўл тери тайёрлаш ишларини механизмлар ёрдамида амалга ошираётган эканлар. Соатига 40 ва ундан ҳам зиёд тери юқори сифат билан тайёрланар экан. Қандай соз! Самара ҳам, сифат ҳам кўнгилдагидек! Хўш, бу усулни нега бизда жорий қилиб бўлмайди?»

...Биз раҳбарларда ҳам айб бор. Совлиқлардан эгиз кўзи олишга берилиб кетган чўпон-чўлиқларни гоҳо қўллаб-қувватлаб, елкасига қоқиб қўйганимизни билмай қолмоқдамиз. «Ҳар бошига фалонтадан эгиз берсанг бўлгани», деб бия қонидан тайёрланган зардобга билиб-билмай чексиз йўл очмоқдамиз. Оқибатда ҳар ким ўз билганича иш тутиб, қўйларнинг семиз-ориқлигига, ёш-қариллигига қарамай СЖК дозасини ғоят ошириб юбормоқда — насл ва тери сифати бузилиб, чорвачилик зарар кўрмоқда. Бу масалани «Гулистон» журналнинг 1978 йил 5-сонида мутахассис олимлар тўғри кўтариб чиқдилар.

...Аҳвол шу тарзда кетаверса, чор-

вачиликнинг эртаси нима бўлишини бир тасаввур қилинг: насл ёмон, тери бир қарич, жун бир тутам... Бир қарич тери ичига қанча эт битарди! Алломалар, табиийлик деганда биологик жараёнларнигина тан олганлар. Зотан, табиий серпущликка СЖК эмас, фақат ирсият қонунларигина жавоб бера олади. Ҳозир олимлар, журналистлар ва кенг жамоатчилик СЖКни чеклаш ҳақида илмий, амалий фикр ва истаклар билан чиқмоқдалар... Жуда тўғри ташаббус. Астойдил қўллаш керак.

Чорвачилик хўжаликлариде йилкичиликни ривожлантириш лозим. Тоғу тошда машинадан кўра от кўпроқ асқотади. Айнақса киши ва лойгарчилик пайтларда отга не етсин! «Шатак»ка олмайсиз, «Бензин йўқ», деб ўтирмайсиз. Ҳар кун икки-уч килограмм ем-хашак бўлса, бас! Бизнинг тизма тоғлар шароитида манзилга машинадан кўра отда тез етиб борилади. Машинага равон йўл керак, отга эса доволларни тўғри кесиб ўтган сўқмоқлар ҳам бўлаверади.

Районимизда биячилик совхозии бор. Хўжалик йил сайин ривожланиб бормоқда. Гўшт ҳам мўл, қимиз ҳам! Биз келгусида ана шу совхозда етиштирилган отлар ҳисобидан ҳар бир ўтарга зарур пайтда транспорт ўрнида фойдаланиш учун отлар бериб қўйишни режалаштирмоқдамиз... Бу ҳам бир тажриба.

...Кейинги йилларда чорвачилик районларида қоракўл териларнинг сифати анча яхшиланган бўлса-да, бу ҳали талаб даражасида эмас. Шу сабабдан район хўжаликларини қоракўл териларнинг рангига, турига қараб ихтисослаштиришни ҳам ўйлаб кўриш вақти етди. Масалан, бир совхоз қора рангли, бошқа бир совхоз сур, яна бири кўк-қора тери етиштиришга ихтисослаштирилса, шубҳасиз, фойдадан холи бўлмайди. Бунинг учун энг аввало хўжаликларда наслчилик ишлари тубдан яхшиланиши, қўй ва қўчқорлар зотиға, тусига қараб сараланиши лозим. Чорвадорлар бу борада Бутуниттифоқ Қоракўлчилик илмий-текшириш институти ходимларининг ёрдамига муҳтож, деб ўйлайман».

Бу тақлиф ва истаклар, мулоҳазалар тақдири, ижроси турли министрлик ва идораларга боғлиқ, албатта. Булар эртами-кечми ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар. Шу сабабдан ҳам уларни журналхонлар эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.

Халқимизда «Гап эгасини топиб олади», деган матал бор. Шояд, Қўшрабат район партия комитетининг биринчи секретари Эркин Эргашевнинг ён дафтаридеги бу тақлифлар ҳам ўз адресини топса!..

## Мутахассис таҳлили

**Б**ОБОҚУЛ ака Усмонов Қўшрабат районидаги Эргаш Жуманбулбул ўғли номили совхозда кўзга кўринган чорвачилик мутахассисларидан. Тажрибали зоотехник, 6-бўлимга бошлиқ. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор. Ҳар гал Қўшрабатда бўлганимда, у билан учрашаман.

— Бўлимимизда 5 минг 409 бош совлиқ бор, — деган эди Бобоқул ака, — уларни қишлоқдан омон олиб чиқиб, ҳар 100 бошидан 140 тадан кўзи олишга аҳд қилганмиз. Урғочи кўзиларни ўстиришга қолдириб, қолганларини тери ҳисобига топширамиз. Мақсадимиз — бир ўтар қўйни икки ўтар қилиш. Бундай яхши ният қўлига чўпон таёғи тутган ҳар бир



# БУЮК МУРАББИЙ ЎГИТЛАРИ

чорвадорнинг доимий йўлдоши. Аммо масаланинг бошқа томони бор. Чорва туёғи, шубҳасиз, йил сайин кўпаяверади, маҳсулот харид қилиш тобора ортади. Партия ва ҳукуматимизнинг талаби ҳам шу. Яйловлар-чи? Чорва туёғининг кўпайиб бориши аввало, яйловга, озуқага боғлиқ. Чорвачилик маҳсулотларининг таннархи арзонлашиши учун уларга сарфланаётган харажат арзонлашиб бориши керак-ку? Акс ҳолда, ҳужалик давлат олдида қарздор бўлиб қолаверади. 1978 йилдан районимиздаги аксарият ҳўжаликлар қарз билан чиқдилар. Битта қоракўл тери учун пландаги 17—18 сўм ўрнига ўртача 21—22 сўм маблағ сарфланди. Йил чорва учун жуда қулай келди. Ут-ўлан мўл бўлди. Моллар нобудгарчилиги кескин камайди. Шунга қарамай,

маҳсулот таннархи давлат планларида белгиланганидан анча ошиб кетди. Бунинг асосий сабабларидан бири — ҳўжаликларда озуқа базасининг етарли ва мустаҳкам эмаслигидир. Яйловлардан навбатма-навбат фойдаланиш, табиати муҳофазат қилиш, ер экологияси қонуниятларига кўра иш тутишга етарли эътибор берилмаёттир. Маълумки, экологик жараёнлар бузилса, табиат мувозанатига ҳам путур етади. Ер юзининг айрим районларида табиий муҳит, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўзгаради. Назаримда, бизнинг Қўшработ ва қўшни Нурота районлари яйловларида ана шундай «ўзгариш»ларнинг айрим кўринишлари сезилиб қолмоқда. Тўғри, кўпчилик кишилар сўнгги йилларда яйловларда кетма-кет рўй бераётган озуқа танқислигига об-ҳавонинг қурғоқ келишини ваҳ қилиб кўрсатмоқдалар. Бу — субъектив сабаб, ҳолос. Масалага илмий нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, яйловларнинг унумсизланиши объектив сабабларидан бири — чорва молларининг тўёқ сонига нисбатан фойдали яйлов майдонларининг торлик қилаётганидир. Мутахассисларнинг фикрича, чўл ва ярим чўл зоналарида ҳар бош қўй учун 2—2,5 гектар яйлов зарур. Бизда эса ҳар бош қўй учун атиги 1—1,2 гектар яйлов тўғри келади, ҳолос. Бу шундан далолат берадики, район яйловларига 1—1,5 баравар кўп юк тушмоқда. Қолаверса, аҳолининг шахсий моллари ҳам худди шу яйловларда боқилади. Оқибатда чорва туёғи кўпая бориб, яйловлар топалавериб, кўп йиллик ўт-ўланларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳатто уларнинг баъзи хиллари йўқолиб кетмоқда. Бу ҳол ўз навбатида тупроқ эрозиясини кучайтириб юборади. Эрозияга учраган тупроқда эса нам камайиб, ер ости сувлари пастлаб кетади. Болалигимизда кўрган-билган ёзин-қишин бирдек манзаралар — баркут тусли қирларимизнинг бугунги кунда яланғоч бўлиб қолганининг, ям-яшил далаларимизнинг бир қадар қашшоқлашиб кетганлигининг боиси шунда эмасмикан?

Дарвоқе, тадбиркор чорвадор Бобоқул ака Усмоновнинг гап-сўзларида ҳақиқат бор. Нурота ва Қўшработ районларида атроф-муҳитни, табиатни, хусусан, яйловларни муҳофазат қилиш, уларни кенгайтириш бугунги кун талаблари даражасидами? «Табиатдан ҳар хил фойдаланиш мумкин», деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида қилган докладыда. — Уни унумсиз, ҳаёти-сиз, инсонга зарар келтирадиган бўшлиққа айлантириб қўйиш ҳам мумкин — инсоният тарихида бундай мисоллар кўп учрайди. Бироқ табиатнинг саховатини ошириш, унинг ҳаётий кучларини тўлароқ намоён этишга ёрдам бериш мумкин ва лозим».

Ажойиб гаплар. Бу доно сўзларга амал қилиш, уларни тўла-тўқис ҳаётга татбиқ этиш биринчи даражали ва-зифамиздир.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

Абу Али ибн Синонинг таълим-тарбия, ахлоқ соҳасидаги бой мероси ҳамма даврларда жаҳолатга қарши курашда муҳим аҳамият касб этиб келди. Буюк ватандошимизнинг ҳозиргача ўз қийматини йўқотмаган асарларини олим ва педагоглар изчил ўрганмоқдалар, ҳаётга татбиқ этмоқдалар. Бундай китоблар жумласига алломанинг «Тиб қонунлари», «Манзил тадбири», «Инсоф китоби», «Ёшлик тўғрисида рисола», «Донолик — кўрувчанлик», «Аҳд рисоласи», «Тўғри йўл топиш китоби», «Ахлоқ тўғрисида рисола», «Бадан тарбияси ҳақида рисола», «Яхшилик ва гуноҳ китоби», «Нафси покиза тутиш ҳақида мақола» каби асарларини киритиш мумкин.

Олимнинг бола тарбияси тўғрисидаги кўпгина фикрлари шу кунда ҳам ота-оналар, тарбиячилар ва педагогларни қизиқтирмоқда. Ибн Сино боланинг энг дастлабки тарбиячиси ота-она деб билади. Ота-онанинг болага тарбия беришдаги биринчи вазифаси — гўдакни жисмоний чиқаришдан иборат, деб таъкидлайди. Болани туғилгандан то оёққа тургунгача қандай ўстириш зарурлигини батафсил тушунтиради. Бу даврдаги тарбиянинг, бола вужудини чиқаришнинг илмий асосланган қоидалари системасини тавсия этади. Чунончи, қақалоқнинг бадани жуда нозик, унга теварак-атрофдаги ҳар қандай нарсалар қаттиқ ва совуқ бўлиб туюлади. Худди шунинг учун ҳам уни ташқи муҳитга аста-секин кўнктириб бориш лозим.

Буюк мураббий ўз вақтида овқатланиш, уйқу, мунтазам жисмоний машқларга жисмоний чиқаришнинг асосий шарти деб қарайди. Болани қоида бўйича йўргаклаш унинг барча аъзоларининг тўғри ўсишини таъминлаши, йўргаклаш вақтида боланинг бўғинларини оҳиста силаб қўйиш унинг қаддини яхшилашни англатиб, оналарга маслаҳат беради.

Маълумки, уйқу сарф қилинган кучни қайта тиклаш ва баданнинг тўла дам олишида жуда муҳимдир. Шунинг учун уйқусизликдан сақланиш, шу билан бирга ортиқча ухлай-вермаслик ҳам керак. Акс ҳолда мия ва асаб ортиқча бўшади, оқибатда турли касалликларга чалиниш мумкин. Киши уйғонгач, ўз ўрнида у ёқдан-бу ёққа ағанаб ётавериши ҳам зарарлидир. Бу кишини ялқов қилиб қўяди, иродасини бўшаптириб юборади, хусусан, ёш болаларнинг хулқида салбий таъсир этади, ўжар бўлишига олиб келади.

Ибн Сино болани ҳар хил дўқ-пўписа, кўрқитиш, мажбур қилиш билан овқатлантириш унинг нормал ўсишига салбий таъсир этишини уқтиради. Олимнинг фикрича, «овқатланишда одатдаги кун тартибига риоя қилиш керак». Шунда иштаҳа ҳамма вақт жойида бўлади, иштаҳа бўлгандагина овқатланиш киши вужудининг нормал тараққиш этишига ёрдам беради. Буни ҳозирги замон медицинаси тўла тасдиқлайди.

Болани эмизгандан кейин белан-чакда қаттиқ тебратмаслик керак, бу

гўдак қорнида сут чайқалиб, унинг ҳазм бўлишига ҳалап беради. Олим болани жисмоний чиқариш ва руҳий камолотга етиштириш учун унга оҳиста алла айтиш, секин тебратиш фойдали эканини таъкидлайди. Ота-оналар ва энагаларга болалар руҳини тетиклаштириш учун табиат эҳсонларидан, айниқса, сув, ҳаво ва қуёшдан фойдаланиш борасида ҳам бир қанча қимматли маслаҳатлар беради.

Жисмоний тарбияда оддий машқлардан мураккабларига қарата кўпайтира бориш боланинг улғайишида муҳим ўрин тутаяди. Усмирлик чоғида бола учун эса оғирроқ жисмоний машқлар фойдаландир. Чунончи, тортишиш, тез юриш, сакраб осилиш, бир оёқлаб иргишлаш, от миниб ва ҳоказолар. Ибн Сино болаларни жисмоний бақувват, соғлом ўстириш йўлларини кўрсатибгина қолмай, уларга ақлий ва ахлоқий тарбия бериш, малакаларини ошира бориш зарурлигини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб беради. Унинг хизмати шундаки, маънавий ва жисмоний тарбиянинг билимларни эгаллаш билан узвий боғлиқ ҳолда бўлишини эътироф этади, инсонни ҳар томонлама камолот топишга давват қилади.

Буюк мутафаккир ёшларни билим эгаллашга, маърифатга чорлайди. «Манзил тадбири» асаридан биринчи навбатда барча болаларни мактабга жалб этиш масаласига тўхталади. Болаларни оилада якка тартибда ўқитиш ва тарбиялашни маъқул топмайди, уларнинг мактабда жамоа бўлиб ўқишларини ёқлайди. Жамоа бўлиб ўқиш болаларнинг билимларини чўқур эгаллашларига катта таъсир этади, деган фикрнинг илгари суради. Бола олти ёшга тўлиши биланоқ муаллимга топширилиши керак, деб тавсия қилади.

Ибн Сино муаллимнинг ростгўй, доно, одил, озода, хушмуомала бўлиши, тарбия усулларини пухта эгаллашига катта аҳамият беради. Аллома «Ахлоқ тўғрисида рисола» ва «Ахлоқ илми» асарларида кишидаги фазилатларнинг юзага келиши, уларнинг яхши ва ёмонга бўлиши сабаблари ҳақида ажойиб фикрларни олға сурди. Кишилик маънавий дунёсига ижтимоий шароит, давлат, ҳукумат аҳлининг катта таъсирини ёрқин далилларда исбот қилиб беради.

Ибн Сино ўзининг ахлоқ ва ахлоқий тарбия бобидаги қарашлари билан замонамизга ҳамнафасдир. У этика соҳасидаги фикрларини амалий жиҳатдан исботлайди. Олимнинг фикрича, яхшилик ва ёмонлик ҳамма даврлар учун хос, лекин эзгуликнинг ёвузлик устидан тантана қилишига қаттиқ ишонши керак. Ўзаро аҳил, дўстона яшашга, дўстликнинг қадрига етишга қақиради. Ҳақиқий дўст ўз дўстини энг оғир дамларда ҳам ташлаб кетмайди, деб таъкидлайди.

Бу жиҳатдан Ибн Синонинг «Қуш рисоласи» характерлидир. Бу асарда ҳақиқий ва самимий дўстлик ҳақида диққатга сазовор мулоҳазалар ўртага ташланади. Айниқса, унинг: «Эй би-

родарлар! Бир-бирларингиз билан самимий дўст бўлиб, ҳақиқат эшигини очинглар!», деган даъвати бугунги ёшларимизни юксак идеаллар руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Асар мажозий услубда ёзилган бўлиб, «персонаж»лари қушлардир. Улар самимий, иноқ ва оға-ини бўлиб ҳаёт кечирадилар, ёвга қарши ҳам-жиҳат курашадилар. «Қуш рисоласи»даги образлар замирида реал ҳаёт воқеалари, аниқ давр ва конкрет шахслар ифодаланган. Бу асар кўплаб адибларнинг ижодий йўналишига таъсир кўрсатди. Фариддин Атторнинг «Мантик ут-тайр», Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр», Гулханийнинг «Зарбулмасал» асарлари «Қуш рисоласи» таъсиридан холи эмасдир.

Ибн Сино барча жамият аъзоларининг меҳнат билан банд бўлишини талаб этади. Хунарманд, деҳқон меҳнатини улуглайди ва жамиятга моддий ҳам маънавий зарар етказадиган қиморбоз, судхўр, савдогарларни қоралайди. Хусусан, ўз болаларини жисмоний меҳнатга нафрат руҳида тарбиялайдиган, бойлик орттиришга ҳирс қўйган оилаларни танқид қилади. Ибн Синонинг ёзишича, меҳнатсиз ҳаёт кечириб кишини жисмонан ва руҳан эзади. Олим бундай ҳаёт кечирибнинг оқибати ёмон бўлишини тушунтириб, ота-оналарни ўз болаларига ёшлигидан меҳнат тарбияси беришга ундайди. Болага касб-хўнар ўргатиш масаласи ҳам унинг диққат марказида туради. Бола касб-хўнарни маълум даражада ўзлаштириб бўлганидан кейин, уни мустақил ҳаёт кечириб ўргатиш лозим, деб таъкидлайди. «Бола ўз меҳнати билан ўзини боқиш қурбига эга бўлгандан кейингина отанинг ўғлига берган тарбияси яқунланган ҳисобланади», деб жуда ҳаққоний хулоса чиқаради олим. Ибн Синонинг меҳнат тарбияси тўғрисидаги фикрлари шахсининг ҳар томонлама камол топишида жуда катта аҳамиятга эга.

Мутафаккирнинг «Саламон ва Ибсол кассаси»да дўстлик, самимийлик, ҳалоллик улуғланади, ҳийла-найранг ва жоҳилликдан ҳам қайтмайдиган фарзали, тубан шахслар фож этилади.

Ибн Синонинг фалсафий шеър ва рубоийларида ҳам адолатсизлик, тенгсизлик ва майга берилиш қаттиқ қораланади.

Буюк юртдошимиз Абу Али Ибн Сино мураккаб тарихий шароитда яшаб ижод этган. У даврда диний-мистик қарашлар ҳукм сурарди. Инсоннинг қобилияти ва кучига ишонилмас эди. Ибн Сино ҳаётга бошқача қаради, инсоннинг ақл-заковатини улуглади. Кишиларни бахт-саодат учун курашга ундади, инсоний муқаббатни, ақлий камолотни, ахлоқий поклик ва жисмоний тетикликни қадрлади.

С. РАҲИМОВ,  
педагогика фанлари кандидати.

Н. РАҲАБОВ,  
филология фанлари кандидати.



Олов селин уфуриб офтоб ғамгин ботди,  
Масжидлар гумбазиди ҳилол ўроқдек қотди.  
Ҳей-ей, катта шаҳарга ҳаёлим нигоҳ отди,  
Бағрига сиғмай кўкка ўрлар ташвиш ғубори.  
Орада Баҳри муҳит. Бунда арк, тим, кўчалар,  
Тимларда рўдаподек судралишар нечалар,  
Қай бирин дили хира, хоҳ кундуз, хоҳ кечалар  
Адашган тупроғининг бўлиб юрар хумори.

# САФАР ШЕЪРЛАРИ

— Қиш бўлмаган ерлар борми?  
— Ҳа, олисда бор;  
Турфа боғлар кучоғидан аримас баҳор.  
— Инсон зоти қорни қўмсаб қолса нетади?  
— Назаримда, беҳиштни ҳам ташлаб кетади.  
— Ёз бўлмаган ерлар борми?

\* \* \*  
Сен унда қўш наҳр аро нақ бир чимдим майсадай,  
Майса не, боғлар аро кўшлар дурри байзодай,  
Музайян миноралар осмон бўйи найзадай,  
Оқ хирмонлар боз баланд худди тоғларнинг қори.  
Шу муқаддас заминнинг бармоқдай пучмоғида  
Оташ бўлиб кўрининг офтоб кучоғида  
Кунлик йўлсан Туларнинг товушдай учмоғида  
Эй, мен кўз очган дунё — Ўзбекистон диёри!..

\* \* \*  
— Ҳа, олисда бор;  
Қишин-ёзин оқ кўрпадек қоплаб ётар қор.  
— Инсон гулли, рангни қўмсаб қолса нетади?  
— Эҳтимолки, юртини ҳам ташлаб кетади.  
Мени сендан айирмасин, сен маним, маним,  
Сен ранг-баранг фаслларга ошно, Ватаним!

# «ОҚ ҚОҒОЗНИНГ ЮЗИГА ҚАРАБ...»



Шоир дўстим менга янги китоби-ни тақдим этаркан, унга шундай дастхат ёзиб берди: «Уқигинг кел-маса ёки ўқиганингда ёқмаса, жа-вонингдаги ҳеч ким кўрмайдиган би-рор жойга тиқиб кўярсан».

Бу гап менга ёқди. «Мана, бошлаб ёзиб ташладик, хоҳласанг ҳам, ҳоҳ-ламасанг ҳам ўқийсан!», дейдиган-лардан худо сақласин.

Китобнинг номи — «Оқ кўйла-клар»<sup>1</sup>, автори — Муҳаммад Солиҳ. Муҳаммад Солиҳ — изланувчан,

<sup>1</sup> Муҳаммад Солиҳ. Оқ кўй-лаклар. Гафур Ғулом номидаги Ада-биёт ва санъат нашриёти, Тош-кент — 1980.

янгиликка ўч, ўзига ҳам, қаламкаш дўстларига ҳам талабчан шоир. Унинг илк тўплами — «Бешинчи фасл»ни ҳамда бошқа бир талай шеърларини ўқиганман ва ҳозирданоқ айтиб кўяй: бу шоир шеърларининг фикр-чанлиги, ўзига ҳос ифода йўсини, оҳорли образларга, ташбеҳ, куза-тишларга бойлиги билан менга ёқа-ди. У фикрни аниқ, лўнда ифодалай-ди, ортиқча бўяб-бежашдан, биров-лардан андоза олишдан қочади; поэзиянинг бизда ҳали унча расм бўлмаган жиҳатларига кўпроқ диқ-қат қилиб, рус ва жаҳон шеърятин-нинг ана шундай илғор намуналари-дан ўрганишга интилади.

Муҳаммад Солиҳ шеърларининг лирик қахрамони ростгўй, доно суҳ-

батдошни эслатади. «Оқ қоғознинг юзига қараб Фақат ҳақиқатни сўз-ламоқ» — унинг шиори. У кураш, во-қеликка фаол аралашиб тарафдори, «атир ҳиди анқиб турган ҳаёт» уни қониқтирмайди. Самимият, ҳаққо-ният борасида у ўзини ҳам, сизни ҳам аямайди: «Қоғоз — кўзгу, титра-майсанми Ногоҳ пайдо бўлса ўз аксинг?»

Китобдаги кўпчилик шеърлар ли-рик қахрамоннинг оддий кундалик кечинмалари тасвирига бағишланган. Бироқ диққат қилсангиз, ана шу од-дий кечинмалар замирида мураккаб воқеликка фаол муносабат ётганини ва бу умуминсоний ўйларга тутшиб, ижтимоий мазмун касб этишини кў-расиз.

Тўпламнинг умумий руҳини белги-лайдиган ундаги биринчи шеърда шундай сатрлар бор:

Мен сўзларни зўрга енгиб  
...Уларни айтма бир иложин

Лаззатлана бил,  
Айтмай, чидаб яшаганингда...  
«Булар-чи?», дейсанми?  
Бу сўзлар — мени енгган сўзлар,  
Илож йўқ...

Демак, тўпламдаги шеърлар — шоирни «енган сўзлар». Бу жара-ён — шоирнинг сўзлардан «енгили-ши» шеърларида қай даража акс эт-ган?

Шоир инсоннинг ҳар бир хатти-

ҳаракати, интилишларидан маъно қи-дириб, кўпинча аҳамиятсиздек тую-ладиган ҳолатлар, манзаралар, туй-ғуларни шеърга солади, уларни энг аниқ сўзларда, иложи борича их-чам ифодалашга уринади. Мана, бир мисол:

Тўнка қимир этмас,  
Нафасини ичига ютар!..  
Унинг ясси елкасида  
Бир қушча ўлтирар  
Осоишта.

Бу жажжигина шеърда айтилмоқчи бўлган гапни унинг сарлавҳаси ой-динлаштиради: «Бахт». Нозик куза-тишдан келиб чиққан фикр, бадиий ҳулоса. Ёки шунга ўхшаш бошқа бир шеърда шоир ёлғизликни ўзи-га хос бундай ифодалади:

Қўлини чўнтагига тиқиб  
Сесканиб кетар у —  
Куйдириб юборар бармоқларини  
Кимсасиз уйининг муздай қалити!

Шоир таъсирчанликни оширишда инсонга хос хусусиятларни жонсиз предметларга кўчиришни — жонлан-тириш воситасини аниқса кўп қўл-лайди: «Тоғлар чўкиб кетган бу ер-да — Оёғимни чўққилар тирнар»; «Боғда, уйқу бермай ҳеч кимга «тўп-тўп», Олмалар тун бўйи юриб чиқади»; «Ҳеч нарсани тушунтирол-мади менга Овози бўғилиб қолган сариқ куз»; «Ана, пайкалларда Кўк-ка анграяр Деҳқон панжасидай бўм-бўш чаноқлар!»

# макриз

# НИЯТ ЭЗГУ, АММО...

Сўнгги йилларда медицина мута-хассисларидан ташқари, кенг китоб-хонлар орасида ҳам ўзбек тилида медицина терминлари луғатига, ай-ниқса, кўп тилли луғатларга катта эҳтиёж сезилмоқда. Медицина ўқув юртлари талабалари ва ўқитувчилари, тиббий илмий тадиқот инсти-тутларининг ходимларига мўлжал-лаб ЎзССР «Медицина» нашриёти чиқарган «Русча — лотинча — ўз-бекча медицина луғати»<sup>1</sup> маълум

<sup>1</sup> Русча — лотинча — ўзбекча ме-дицина луғати. Тузувчи-авторлар С. Ёқубова, Ф. Тўлаганов. ЎзССР «Ме-дицина» нашриёти. Тошкент — 1978.

РУССКО-  
ЛАТИНСКО-  
УЗБЕКСКИЙ  
МЕДИЦИНСКИЙ  
СЛОВАРЬ

РУСЧА-  
ЛАТИНЧА-  
ЎЗБЕКЧА  
МЕДИЦИНА  
ЛУҒАТИ

даражада ана шу талабни қонди-ришга интилишдир.

Маълумки, кўп тилли луғатлар ту-зиш — анча қийин иш. Бундан илгари «Медицина» нашриётида шу йў-налишда фақат бир китоб — А. Ас-қаров ва Ҳ. Зоҳидовнинг «Лотин-ча — ўзбекча нормал анатомия лу-ғати» нашр этилган эди. Биз сўз юритмоқчи бўлган луғатда, лотин алфавитининг ўзига хос хусусиятла-ри билан кўпчилик таниш эмаслиги-ни ҳисобга олиб, лотинча ҳарфлар-нинг ёзилиши, номи, русча ва ўз-бекча талаффузи ҳам берилган. Шу-нингдек, айрим келишлар, шахс-лар, белгилар, терминологиялар ҳақида тушунтиришлар ҳам бор.

Аввал русча терминлар келти-рилганини эътиборга олиб, автор-лар луғатни рус алфавити тартиби-да тузганлар ва мумкин қадар со-да, ихчам изоҳда ўша терминлар-нинг туб маъносини сақлаб қолиш-га интиланлар. Айни бир вақтда, русча терминларнинг ўзбекча му-қобилларини танлашда терминолог-ияда илғор усул ҳисобланган мини-мал тафовутларга амал қилиб, тар-жимада муқобили бўлмаган кўпги-на терминларни ўз ҳолича олган-лар: «абазия» — «абазия», «иллю-зия», — «иллюзия», «клизма» — «клизма», «лейколиз» — «лейко-лиз» ва бошқалар. Шунингдек, рус-ча-интернационал терминларнинг маъноларига ҳалал етказмасдан, ўз-бек тилидан мос атамалар топиб қўйганлар.

Луғат тўғрисида кўп ижобий гап-лар айтиш мумкин. Лекин авторлар келгуси ишларида эътиборга оли-шар деган умидда, китобнинг баъ-зи нуқсонлари устида тўхталмоқчи-миз. Аввало, алфавит тартибига эътибор берилмаганини эслатиш ке-рак. Масалан, 40-бетда «гастроудо-денит» сўзидан кейин «гастроско-пия» сўзи берилган. Ваҳоланки, ички алфавит тартибига кўра, мазкур сўздан кейин келадиган «гастроудо-

деностомия» ва «гастроптез» сўз-лари анча қуйроқда, «гастроно-мия» сўзидан кейин келтирилган. Китобнинг ўттиз уч бетида ана шу-нақа хатолар учрайди.

Бирмунча сўзларнинг номланиши ҳам, изоҳи ҳам шубҳа уйғотади. Жумладан, 13-бетдаги «адамово яб-локо» ибораси «одам олмаси» деб изоҳланади. Биринчидан, ўзбек ти-лида «одам олмаси» атамаси уму-ман йўқ. Иккинчидан, бу сўз бирик-маси ўзбекчада бирор лексик маъ-но англатмайди. Шу каби ғалати ва ноаниқ, чала изоҳланган сўзлар лу-ғатнинг 50-, 54-, 63-бетларида ҳам учрайди.

Луғатхон баъзи бир сўзларнинг на ўзбекчаси, на русчасининг тўғри-лигини билолмай мушкул аҳволда қолади. Масалан, 41-бетдаги «гель-минтози» сўзининг ўзбекчадаги му-қобили «гем», 101-бетдаги «мор-фин» сўзининг изоҳи русчада «мор-фин — главный алкалоид опия, со-держанийся в нем в виде солей мекановой молочной и серной кис-лот в количестве от 3 до 23% (в среднем 10%)» дейилгани ҳолда, ўзбекчасида: «морфин — афюн (қора дори)нинг асосий алкалоиди, унда мекон, сут ва сульфат кислоталар тузлари ҳолида бўлиб, миқдори



# Нақш олмалар

Турк қизининг ёноғидай  
Нақш олмалар, нақш олмалар,  
Кўзни лов-лов ёндиради  
Боқсанг ҳузурбахш олмалар.

Хушбўй бўлиб, анқиб турар  
Сават тўла, раста-раста.  
Чўққисоқол баққоллари  
Пул санайди даста-даста.

О, азизлар, бу дастурхон  
Ҳамма учун, демоқ йўқдир.

Жаннат деса жаннатку-я,  
Кўрмоқ бору емоқ йўқдир.

Турк қизининг ёноғидай,  
Боғлар аро нақш олмалар.  
Кўзни лов-лов ёндиради  
Нечоғ ҳузурбахш олмалар.

Кимларнингдир боши узра  
Тегиб турар яқин, алҳол,  
Кимларнингдир дасти етмас —  
Бу олмалар — юлдуз мисол.

Муҳаммад Солиҳ шеърда мураккаб образлар билан иш қуришга қизиқади. Бир қарашда унинг баъзи мисралари ғайри табиийдек, қовушмаганроқдек туюлса-да, фавқулодде теранлиги, жозибаси билан ўйлантириб қўяди: «Кафтдай текис... Бу ерда баландлик — қўрқинчли жардай», дейди шоир бир шеърда. Ёки: «Кўзинг томирлари оқимни тўсган Атлант мускулидай қабарар...»

Тўпلامда ижод машаққатлари ҳақидаги «Сўз дарди», «Шеър», умр интиҳосидан баҳс этувчи «Эшикнинг олдида...», икки авлод тақдири, ўйлари тиник, ўзига хос ифодаланган «Сиз ўрик тагида...», туғилган юрт билан хайрлашув онларига бағишланган «Поездга чиқасан...», шунингдек, «Оқшом кўрган туши...», «Куз таъқиб этади...», «Агар орзулардан чарчасанг...», «Севгининг беш бармоғи» каби мукамал шеърлар орасида «Ваҳима», «Портрет», «Қушчага», «Қайтасан уйинга...» сингари энгилроқ ёзилган, мавҳум шеърлар ҳам учрайди. Буларда автор гоҳо ўзи айтган «қорни тўк, боши бўш, мешчан сўзлар»га суянади, уларни «айтмаслик лаззати»ни унутиб қўяди. Баъзи шеърларида «Чўян тизза чаноқларида Чайқалиб кетади лим тўла қудрат!..», «Кўзларининг чоки шошиб сўкилар!», «Мен бўлса бу ерда шафқатсиз ёшман», «Йўқ, энди учмайсан, Майли, зое кетсин бу осмон» каби ғализ, тўмтоқ, қовушмаган сўз ва иборалар ҳам учрай-

дики, «Шоир атай оригиналликка интилмаяптимикан?», деб ўйлайсиз.

Тўпلامдаги айрим шеърлар эса, биттагина поэтик образ ёки ҳолат тасвиридан иборат бўлиб, тугалланмаган шеърдан парчадек таассурот қолдиради. Тўғри, шеър ҳар хил бўлади, маълум қонун-қоидалар йиғиндисини четга қўйиб, ҳар бир шеърга алоҳида ёндашиш лозим. Лекин у бари бир мукамал асар сифатида китобхонни қаноатлантириши шарт. Шунингдек, шоир шеърларида интим, оний ҳолатлар, манзаралар, туйғулар тасвирини йирикрок, ижтимоий салмоқли фикрларга омухта қилса жуда соз бўларди.

Яна бир мулоҳаза: тўпلامдаги шеърларнинг аксарияти сарбаст вазнда ёзилган, бу гоҳо ўзини оқлаган бўлса, гоҳо оқламаган. Бинобарин, шоирнинг ўзи айтганидек — «Қофиялар тугаб қолмайди бир кун»... Баъзи шеърлари икки-уч бор ўқиганда ҳам мағзини чақиш қийиндек, изоҳга эҳтиёж сезасиз. Ҳолбуки, шеър ўқиш жумбоқ ечиш эмас, лаззат олиш бўлиши керак.

Шоир бир шеърда: «Айвон оддий бўлса — бўлмаса тўри, Ундан ҳам оддийроқ бўлса дўстларинг», дейди. Унинг ёзганда ҳам ана шу оддий дўстларидан узоқлаб кетмасликни ўйлаб кўришига ишонамиз. Зеро, «Умид — эшик қоқиб турган ўспирин».

Эркин АЪЗАМОВ

## мақриз

8—25% (ўртача 10%) ташкил этади», дейилган. Бу сўз изоҳидаги рақамлар чалқашлиги устига, мазмуни ҳам ноаниқ бўлиб қолган.

Гарчи авторлар луғат тузилиши ҳақида «рус ва ўзбек сўзлари ўртасидаги бир хиллик принципага риоя қилинган» десалар-да, бу кўп ҳолларда бузилган. Жумладан, рус тилида бош сўз тарзида келтирилган атамалар ўзбек тилида ҳам айнан ўша тарзда берилиши ўрнига, уларнинг қавс ичида изоҳланган маънодошлари бош сўз ўрнида берилган ёки аксинча бўлган. Масалан: «эпидемический паротит (свинка) — тепки, эпидемик паротит». Баъзан авторлар ўзбек тили лексикасидаги айрим атамаларнинг амалда қандай қўлланилишига эътибор бермайдилар. Масалан. 37-бетда «соч», «сочлар» сўзлари берилган бўлиб, улар қуйидагича изоҳланган: «Соч, сочлар — тахминан (?) бутун тери юзасини қоплайдиган терининг (?) шохланган ипсимон эпителиал (?) ортиғи (?)». Бу изоҳдан бирор жўяли маъно уқиб олиш амримаҳол. Қолаверса, соч бошда бўлади, бошқа туқларнинг соқол, мўйлаб, мўй, жун, деган номлари бор. Хайвонлар терисини қоплаган қилларни кўпроқ жун деймиз. Авторлар тилнинг ана

шу хусусиятларига эътибор бермаганлари ҳолда, рус тилидаги «волосы» сўзини «соч», «сочлар» тарзида бериб, осон ва кулгили йўлни танлаганлар.

Луғатдаги барча нуқсонларни фақат авторлар гарданига юклаб бўлмайди, албатта. Бунда редакторларнинг ҳам айби бор. Улар ўзлари босмага тайёрлаётган китоб сифатига жиддий аҳамият бермаганлар. Оқибатда 43-, 70-, 74-, 77-, 111-, 123-, 144-, 148-, 167-, 171- ва бошқа саҳифаларда кўплаб илмовий хато-ларга ҳам йўл қўйилган. 155-саҳифадан кейинги бет 165 деб рақамланган. Баъзи русча, ўзбекча ёки лотинча сўзлар изоҳи билан алмашиб кетган.


Биз луғатнинг айрим нуқсонларининг айтиб ўтдик. Бироқ мазкур уч тилли медицина луғатининг илк дафъа чиқарилаётгани қувончли ҳодисадир. Китоб полиграфик жиҳатдан ҳам анча дуруст ишланган.

Ҳозирги пайтда медицинага 40 минг касаллик маълум. Унинг миллионлаб аломатлари бор. Шунга кўра, кўп тилли медицина луғатлари ҳозиргидек умумий тарзда эмас, маълум соҳалар бўйича тузилса янада мақсадга мувофиқ бўларди.

Абдусалом ҲУСАНОВ

# Нақш олмалар

Фарҳод МУСАЖОНОВ



Дам олиш кунни эди. Тонг ёришиб қолганига қарамай, Салимхўжа ўрнида чўзилиб ётарди. Хотини кириб телефонга чақиришаётганини айтди. Салимхўжа эриниб ўрнидан турди, бориб трубкани олди.

— Алло, Салимхўжа?— деган янгроқ овоз эшитилди трубкадан.— Беговта қилмадимми, уйғонганмидилар?

— Э, ассалому алайкум, Кўчқор ака,— деди Салимхўжа бошлигининг овозини таниб.— Турганимга бир соат бўлди.

— Менга қаранг, ҳозир аргумоқни мниб, бизниқига етиб келсангиз. Зарур иш чиқиб қолди.

— Бир оғиз сўзингиз!  
— Режалаштириб қўйган бошқа ишларингиз йўқмиди ўзи?

— Ҳеч қандай режа йўқ. Лекин минг йилдан бери юракда сақлаб юрган битта армон бор эди...

— Қандай армон?  
— Қани энди, бир кунмас-бир кун Кўчқор акамизнинг бизга ҳам ишлари тушиб қолсаю хизматларида бўлсак, деб юрардим.

— Нозик жойидан оласиз-да,— дея шарақлаб кулди Кўчқор Эрматович.— Хўп, ем-чи, еми етарлими тойчоқнинг? Сўраётганимнинг боиси — кўп юраимиз.

— Ғам еманг, бак тўла. Ҳозир етиб бораман.

Салимхўжа трубкани илди, саволчан қараб турган хотинига бир оз гердайиб, деди:

— Бошлиқ йўқлаяпти. Жиндак хизмати бор экан. Дам олиш кунни ҳам менсиз яшолмайди.

— Вой, майли, боринг. Биринчи марта иши тушиши шекилли.  
— Ҳа-да, бугун машинаси ишга чиқмаган. Шунанга пайтда кунига ярамасам, қачон ярайман?..

Салимхўжа тезда ювиниб, кийиниб гаражга югурди. «Жигули»сига ўтириб бошлигиникига йўл олди. Кўчқор Эрматович эшик тагида сигарета тутатиб кутиб турган экан, дарҳол машинага чиқдию бир оғизгина сўрашиб, «Бозорга ҳайданг», деди. У алланечук беговта эди.

— Нима гап ўзи, Кўчқор ака?— деб сўради Салимхўжа.

— Шеф курортга кетяпти, Палангага.

— Э, ҳа... Қайси бирлари?

— Ия, нечта шефимиз бор? Шоғулом акамиз-да!— деди Кўчқор Эрматович энсаси қотиб.— Трест бошлиғи Шоғулом Шорасулов деган одамни танийсизми, эшон?

— Энди эшитишим,— дея ҳазил билан жавоб берди Салимхўжа.

— Кеча кечқурун телефон қилиб, кетяпман, деб қолди. Самолётнинг рейсига, учадиган вақтигача айтди. Бежиз бўлмаса керак.— Кўчқор Эрматович негадир Салимхўжа билан худди ўз тенгидек сўзлашар, ўзини оддий тутар эди.

— Ҳа, албатта! Кузатиб қўйгин, демоқчи бўлгандир-да.

— Лекин ўзини яқин олиб телефон қилганидан кўнглим кўтарилди.— Кўчқор Эрматовичнинг хурсандлиги овозидан сезилиб турарди.

— Ия, бўлмаса-чи! Ҳаммага ҳам телефон қилаверармидилар, сизга ихлослари баланд!

— У ерларда ҳўл мева жуда асқатади. Бозордан майда-чуйда олиб кузатиб қўйсак. Нима дедингиз?

— Жуда тўғри ўйлабсиз.

Шу ерга келганда гап суюқлашиб кетаётганини иккалалари ҳам сезиб қолишди. Кўчқор Эрматович мавзунини ўзгартирди:

— Аргумоқ зўр-ку, елдек учади-я! — Ҳа, ҳозирча кунимизга яраб турибди...

Бозорда харажат ўртада бўлди. Ҳўл меванинг ҳам, қовун-тарвузнинг ҳам асили олинди. Бозордан чиқиб, аэропортга жўнадилар.

Омадни қарангки, ҳамкасабалар аэропорт яқинида — машиналар тўхтайдиган маҳсул жойда «Жигули»дан тушишлари билан дарахт соясида турган Шоғулом акага дуч келдилар. Ёнида рафиқаси билан ўн ёшлардаги ўғилчаси.

Ҳамкасабалар ўқувчи болалардек беравар салом беришди.

— Ия, келинлар,— дея жилмайиб қарши олди уларни бошлиқ.— Бу кишини ҳам беговта қилибсиз-да, Кўчқоржон?

— Сизнинг кетишингизни эшитиб, йўқ деганимга қарамасдан эргашиб



келавердилар,— деб кулди Кўчқор Эрматович.

— Яхши муовинлар ўзи шунақа бўлади, бошлиқдан бир қадам нари жилмайди,— дея кулиб қўйди Шоғуллом ака.

Икки бошлиқнинг тилига тушганидан мамнун бўлган Салимхўжа хижолатомуз ерга қаради:

— Яхшига яқин юрсанг шарофати тегади, дейишади-ку!

— Ҳа, дуруст, дуруст,— деди Шоғуллом ака виқор билан.— Бундай муовинга суянса бўлади.

Кўчқор Эрматович яна дарров мавзунни ўзгартирди:

— Ўғилчани ҳам олиб кетяпсизларми, Шоғуллом ака?

— Э, бу биздан ҳеч ажралмайди. Қаёққа борсак — бирга. Бизнинг муовинимиз шу-да!

Шоғуллом ака хушфеъл, ёқимтой одам. Ўзи новчадан келган, семириб, қорни чиқиб кетгани учун гавдаси бамисоли нокка ўхшайди. Кулиши ажойиб, худди ёш болаларга ўхшаб қалқиб-қалқиб кулади. Хотини эса бутунлай унинг тескариси. Гарчи одоб юзасидан жилмайиб турган бўлса ҳам кўзлари қаттиқгина, ўзига яраша пишиқ ва ҳукмфармо аёл.

— Регистрациядан хабар олдингизми, Шоғуллом ака?— Кўчқор Эрматович ўзини жуда хушхол ва тетик тугарди.

— Шофёр ўша ерда. Регистрация бошланса, чакиради.

— Капалак...— деб Тўлқинжон катталарнинг гапини бўлди. Ҳамма унга қаради. Кўчқор Эрматович билан Салимхўжа унга сермулозимат илжайишди. Бола буларга сўзи ўтишини тушуниб, эркалик қилди:

— Капалак! Тутиб беринглари! Теварак-атроф чаманзор, турфа гуллар устида чиройли капалак учиб юрар эди.

— Тутиб беринглари!— дея ер тепинди Тўлқинжон.

— Ана холос, капалакни тутиш осон экан-да сенга!— деб кулди Шоғуллом ака. Тилида шундай деб турса ҳам ўғилнинг ўжарлиги унга ёқарди.— Кенжатоилар ўзи шунақа эрка бўларканми, айтганини қилдирмай қўймайди зумраша.

Кўчқор Эрматович бу гапни «Капалакни тутиб берарсизлар энди», деб тушунди.

— Э, битта капалак экан-ку, ҳозир тутиб берамиз,— деди у. Буни атайин айтди— Шоғуллом ака: «Кўйинг, ёш боланинг кўнглига қараб ўтирасизми?», деса керак, деб ўйлаган эди. Аммо бошлиқ эътироз билдирмади, аксинча:

— Гапингизга қараганда, ёшликда роса капалакларни қийратганга ўхшайсиз-а?— деди.

— Э, капалак тутишининг пири эдик,— Кўчқор Эрматович учун унинг сўзини тасдиқлашдан бошқа илж қолмаган эди, болага қараб илжайди:— Ҳозир тутамиз, укажон!

У оёқ учида юриб, секин гулзорга кирди. Худди якка чўп устидан ўтаётгандек қадамни эҳтиёткорлик билан босар, қалқиб кетишдан қўрққан-

дек икки қўлини қанот қилиб мувозанат сақлар эди. Ниҳоят, капалак кўнган гул бутоғига яқинлашди. Қўлини чўзиб, энди ушлайман деганида капалак учиб кетди, бориб бошқа гулга кўнди.

Тўлқинжон ва катталар уни қизиқиш билан кузатиб турар эдилар.

— Ҳозир, ҳозир,— деди Кўчқор Эрматович уларга қараб. Шу пайт кўзи Салимхўжага тушди. Муовини бир қадам юрди — у бошлиқига ёрдам беролмаётгани учун ўзини ноқулай сезарди. Кўчқор Эрматович Салимхўжанинг мақсадини тушунди. Унинг юзида: «Аралашманг», деган ифода қалқди.

Салимхўжа турган жойида қотди... Кўчқор Эрматович энди чўккалади, бир фурсат худди сичқонни пойлаган мушукдек пусиб турди, кейин капалакка аста яқинлаша бошлади. Ҳаёт-мамоти тарози шайинида тургандек эҳтиёткорлик билан қўлини капалак томон чўзди. Панжалари унга тегай-тегай деганда, қурмагур яна учди-кетди. Кўчқор аканинг қўли ҳавода муаллақ қолди. У бирпас капалакнинг ортидан кузатиб турди. Бу гал капалак гулзорни тарк этиб, кўздан ғойиб бўлди. Кўчқор Эрматович илжайиб уэр сўради:

— Илгариги эпчиллигим қолмабди.

— Э, қанақасиз ўзи, битта капалакни тутолмадингиз-а!— деб лабини бурди Тўлқинжон.

— Э, э, ўздан каттага ҳам шунақа дейдими?— деб уни койиган бўлди Шоғуллом ака. Аммо овозида шартки ўғилдан фахрланаётгани аён сезилиб турарди.— Жуда бетгачопарда бу!

— Кўп ҳаддингдан ошаверма!— деб ранжиган бўлди онаси.

Бироқ Кўчқор Эрматович ўзи туйфайли боланинг панд ейишини истамасди.

— Капалак тутолмаганимиз эвазига полвонга мороженое олиб берамиз. Бўптими?— деди у.

— Майли,— деди бола қийшанглаб.

Шу пайт Кўчқор Эрматовичнинг кўзи яна Салимхўжага тушди. Унинг қарашидан «Мен бориб кела қолай», деган маънони ўқди. Энсаси қотди: нуқул ўзини тикиштиради. Ахир, боланинг олдида Кўчқор ака ўзининг кадр-кимматини тиклаб олиши керак-ку, наҳотки шуну тушунмаса?!

Кўчқор Эрматович ярим бекат наридан мороженое топиб келди. Тўлқинжоннинг оғзи қулоғида эди.

— Мороженое келди!— деди у талтайиб. Кун иссиқлигидан мороженое эриб, қоғозининг атрофидан чакчак томарди.

— Вой, қўя қолинг, амакиси, бутун кийимини расво қилади,— дея гапга аралашди онаси. Бола онасининг гапини иккита қилолмас эканми:

— Энди ўзингиз енг!— деди зарда билан.

— Бунинг кўнглига қараб, шунақа тантиқ қилиб юборганмиз,— деди Шоғуллом ака. Кейин сезилар-сезилмас ғурур билан қўшиб қўйди:— Ҳаммага сўзини ўтказади зумраша.

Бу гапни Кўчқор Эрматович «Мороженое энди ўзинг ейсан», деб тушунди.

— Аммо эриган мороженое жуда ейишли бўлади,— деди у аянчли, хокисор жилмайиб. Яхши ҳамки, шу пайт узоқдан шофёрнинг: «Шоғуллом ака, келаверинглари, регистрация бошланди», дегани эшитилдию Кўчқор аканинг жонига ора кирди. Ҳамма типирчилаб қолди. Кўчқор Эрматович Тўлқинжоннинг кўзини шамғалат қилиб, мороженое секин гулнинг тагига иргитди-да, илдам бориб «Жигули»нинг юкхонасини очди. Қутини ўзи олди, қовунларни Салимхўжага кўтартирди.

— Ия, ия, нима қилиб овора бўлиб юрибсизлар?— дея шунчаки эътироз билдирди Шоғуллом ака.

— Э, арзимаган нарса,— деди Кўчқор Эрматович.— У тарафларда Узбекистоннинг меваси тансиқ.

Шоғуллом ака Кўчқор Эрматовичнинг гапини эшитмаганга олди.

Юкларни топшириб, билетни қайд қилдирдилар. Энди самолётга чиққунча пича фурсат бор эди. Шоғуллом ака Кўчқор Эрматович билан Салимхўжа Асилхўжаевични четроққа бошлаб чиқди.

— Хўш, квартал плани қалай?— деб сўради у жиддий оҳангда.

— Очиғини айтсак, чатоқроқ, Шоғуллом ака,— деди Кўчқор Эрматович.— Ёз эмасми, ходимларнинг ҳали униси отпусқада, ҳали буниси.

— Бўлмаса, бу галчалик квартални очиқ қолдириб, ҳисоботни йил охирида ярим йилликка қўшиб тайёрлай қолинглар.

— Раҳмат, Шоғуллом ака, агар руҳсат берсангиз, жуда зўр бўларди,— дея қўлини кўксига қўйди Кўчқор Эрматович. Сўнгра сал эркаланиб, сал ёлбориб сўради:— Шоғуллом ака, анави илтимосимиз нима бўлди, ҳали ҳам ишқаллигича ётибдими?

— Ҳа, уми? Тўғрилаймиз уни. Мен қайтиб келая, бир гап қиламиз,— деди бошлиқ юпатган оҳангда.

Кўчқор Эрматович эшилиб кетди:— Раҳмат, Шоғуллом ака, катта раҳмат.

Диктор йўловчиларни самолётга таклиф қилди. Ҳамкасабалар Шоғуллом акага ва оиласига яхши дам олиб келишни тилаб, икки букилганча таъзим қилиб қолдилар.

...Кўчқор Эрматович машинага чиқиши билан ўзини ўриндиқнинг суянчигига беҳол ташлади-да:

— Аммо яхши бўлди, хурсанд қилиб юбордиг-а?— деди енгил тортиб.


— Э, бопладингиз!— деди Салимхўжа.

У бошлиғини бугун биринчи марта шу аҳволда кўриши. Кўчқор Эрматовичда ишхонадаги савлатдан, кибру ҳаводан асар ҳам йўқ эди.

— Боплаймиз-да!— деб керилди Кўчқор Эрматович. Кейин муовинига қараб кўзини қисди:— Борсин, дам олсин. Биз ҳам бу ерда бир оз яйрайлик.

— Шунини айтинг,— деб жилмайди Салимхўжа ва машинага газ берди.

## БИР УЙЛАНИШ ТАРИХИ



Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган



## МУЛОЗИМАТ





СССР спорт мастери  
М. МУХИДДИНОВ  
таҳрири остида

ҳисобни 5:2 га етказди. Яна бир ўйиндан сўнг у ғолиб, деб топилди. Матчининг эттинчи учрашуви шундай давом этди.

Полугаевский — Таль: 1. Кf3 Кf6 2. c4d6 3. Кс3 Cd7 4. e4 d6 5. d4 0-0 6. Ce2 e5 7. 0-0 Кс6 8. d5 Ke7. 9. Ke1 Kd7 10. Kd3 f5. 11. Cd2 Kf6 12. f3 f4.

Тахтада эски ҳинд ҳимоясининг мураккаб вариантларидан бири ву-жудга келди: оқлар фарзин қанотида, қоралар эса шоҳ қанотида фаол ҳаракат қила бошладилар. Бунда ким ўзиб кетса марра ўшаники.

13. c5 d5 14. Лс1 Kg6 15. Cd cd 16. Kb5 Лf7 17. Фс2 Ke8 18. a4 h5 19. Kf2 Cf8.

Оқлар d5 — d4 га йўл қўймай оқ филига йўл очаётган бўлса, қоралар уни амалга оширишга интилоқда. 20. h3 Лd7 21. a5 Cd7 22. Фb3 Kh4 23. Ce1 Ce7.

Охириги юриш олдидан Таль бир соатча ўйланиб, дурустроқ режа топа олмади.


24. Лс3 Cf8 25. Лс2 Kph7 26. Лс3 Kph8.

Таль шу ерда рақибига дуранг таклиф этди, оқлар бунга кўнмади.

27. Фd1 a6 28. Ка3 Ф:a5 29. Лс8 Ф:e1 30. Л:a8 қоралар фарзинни қурбон этсалар-да, рақиб бошқача йўл тутди. Акс ҳолда, Таль учун дуруст имкониятлар туғиларди.

30... Фb4 31. Кс4 Фс5 32. Фd2 a5 33. b4 Фс4 34. Ка5 Фb6 35. Кс6 Лd8 36. Лa1 С:c6 37. dc Ф:c6 38. Л1:a6 Фd7 39. Лb7 Фс6 40. Фd5 Фс1 ± 41. Cf1 d4.

Ўйин шу вазиятда кечиктирилди ва эртасига Таль уни давом эттирмасдан таслим бўлганини айтди. Яна бир дурангдан сўнг Полугаевский чорак финал ғолиби деб топилди.



Диаграммадаги вазиятда оқлар уч юришда мот қилади. Қандай йўл орқали? Шунинг топинг. Масала автори Л. Куббель.

## «Шоҳ»лигу «малика»ликни кўзлаб...


Жаҳон чемпиони Анатолий Карпов билан Майя Чибурданидзе энг юксак поғоналарни ишғол қилганликларига икки йилгина бўлди. Шу орада уларнинг рақиблари аниқланай деб қолди. Эркаклар ва аёллар ўртасида зоналар ҳамда зоналараро турнирлар бўлиб ўтди.

Биз асосан жаҳон биринчилиги учун тож талабгорлари ўртасида бўлиб ўтган чорак финаллар ҳақида қисқача фикр юритамиз.


Роберт Хюбнер (ГФР) билан Анд-раш Адорьян (Венгрия) иккалалари Австрияда куч синашдилар. Кураш бамисоли маълум бир программа асосида давом этди: 5,5:4,5 ҳисобида Хюбнер ғолиб чиқди; В. Корчной, Т. Петросяндан устун келди. Олма-отада икки совет гроссмейстери: Л. Полугаевский ва М. Таль куч синашдилар. Кўпчилик, собиқ жаҳон чемпиони Талнинг қўли баланд келса керак, деган фикрда эди. Аммо бунинг акси бўлди. Дастлабки икки ўйинда омади келган Полугаевский

## Кучингизни синаб кўринг

1-диаграмма шarti: уч юришда мот.



2-диаграмма шarti: тўрт юришда мот.



Адиба ҚОДИРОВА

\* \* \*

Чак-чак томар япроқдан томчи,  
Бир томчики, товланар нурда.  
Чак-чак томар киприкдан томчи,  
Бир томчики, азоби дилда.  
Ухлломмаган узун тунларим  
Онам каби аллалар томчи.  
Маст уйқудан уйғотар баъзан  
Қалбдан сирққан аламли томчи.  
Чак-чак томар ҳар икки томчи —  
Бу оламнинг ғами, қувончи.


\* \* \*

Бирга яшаш керак бўлса,  
Севги ўлса ҳам;  
Дашномлардан руҳинг сўлса,

Кўзларда-чи — нам;  
Бирга яшаш керак бўлса,  
Боғласа фарзанд,  
Сабр косаси лим-лим тўлса,  
Таъм бермаса қанд;  
Яшаш эса керак бўлса —  
Ёнибди умринг!

\* \* \*

Оқшом... қуёш ғарб ёстиғига  
Шошиб қўйди ҳорғин бошини.  
Алвон рангда товланиб шафақ,  
Тақиб олди тиллақошини.  
Номозшомгул очиб анжуман,  
Бошлаб берди суҳбат маромин.  
Райҳон иси билан маст бўлиб,  
Деҳқон бобо олар оромин.



## КРОССВОРД

Энига: 1. Усимлик. 4. Бошпана. 10. Авиация иншооти. 11. Темир «қо-бирга». 12. Қуршов. 13. Тўтининг бир тури. 14. Замбиядаги шаҳар. 15. Африкадаги давлат. 16. Инглиз ёзувчиси. 17. Табиат ҳодисаси. 20. Қу-рол. 24. Тасвирий асар. 27. Америка қитъасидаги давлат пойтахти. 28. «Номус ва муҳаббат» драмаси қаҳрамони. 29. Охота денгизидаги вулкан орол. 30. Кимёвий элемент атомларининг ҳар хил тури. 31. Омонат фой-даланиш. 33. Физик олим. 34. Австралиядаги порт. 35. Пойга автомобили. 36. Вақт бирлиги.

Бўйига: 2. Сабзавот. 3. Атоқли ўзбек геологи. 4. Машҳур ёш қаҳра-монлар шаҳри. 5. Кимёвий элемент. 6. Томон. 7. Автомобиль. 8. От. 9. Жонивор. 18. Қадимги грек афсонаси қаҳрамони. 19. Едгорлик. 21. Но-дир тош. 22. Гул. 23. Классик итальян шоири. 24. Ҳарбий машқ ўткази-ладиган майдон. 25. Сув ости снаряди. 26. Фан. 29. Ёқилги. 32. Ширинлик.

К. МИРЗАЕВ

Фаргона

### 5-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 1. Домкрат. 4. Асфальт. 8. Металлургия. 12. Клуб. 13. Пайванд. 15. Шеър. 18. Ногора. 19. Херсон. 20. Ионосфера. 23. Апогей. 24. Минора. 27. Това. 28. Гладков. 29. Цирк. 32. Неандарталь. 33. Адвокат. 34. Ер-ма-тов.

Бўйига: 2. Киев. 3. Ананас. 5. Сирень. 6. Айиқ. 7. Секунд. 9. Тарона. 10. Турғунбоева. 11. Сейсмология. 14. Велосипед. 16. Архимед. 17. Тера-пия. 21. «Наштар». 22. Пайкал. 25. Глинка. 26. Монтёр. 30. Дефо. 31. Олма.



# ГЎЗАЛЛИККА ПОСБОНМИЗ

Қашқадарёнинг водий қисмида Китоб районининг бахмал далалари ястаниб ётибди. Табиатнинг бу фусункор гўшасида бир вақтнинг ўзида тўрт фаслни кўриш мумкин. Нигоҳингиз олисдаги икки жуфт қорли чўққини, кўм-кўк осмондаги патила-патилла булутларни, чинорзорлар пойидаги хазонларни илғаб олади. Саховатли даштларида эса жануб қуёшининг тафтидан қочиб соя-салқин қидирасиз. Чармгар маҳалласида олча пишганда, тоғ қишлоғи — Баширда бодом гуллаган бўлади.

Китоб ўрмонлари ўзларининг мафтункор қучоғи, диловар сойликлари, беғубор ҳавоси, мевазорлари, ҳайвонот дунёси, турна кўз булоқлари, ноёб манзаралари, камёб наботот олами билан қадрли ва бебаҳодир. Китоб район ўрмон хўжалиги мамлакатимизда табиат муҳофазаси кун тартибига чиққан, экологик муносабатларга ҳар қачонгидан кўра зўр эътибор берилаётган бир пайтда ташкил топди. Хўжаликнинг 65 минг гектардан зиёд майдонидаги хазинани асраб-авайлаш йўлида ўрмончилар астойдил заҳмат чекмоқдалар.

Ўрмон хўжалиги директори Тошмамат ака Ниёзов тажрибали ўрмончилардан саналади.

— Ўрмон — инсониятнинг яшил бешиги, — дейди Тошмамат ака. — У инсон учун хизмат қилади. Шунинг учун ҳам яшил хазинани кўз қорачиғидай авайлашга интиламиз. Хўжалик ташкил топгандан буён ўтган беш йил ичида талай ишларни амалга оширдик. Беш йиллик режамизда 170

гектар майдонга ихота кўчатлари ўтказиш кўзда тутилган эди. Бу вазифани уч йилдаёқ бажардик. Коллективимиз қисқа вақтда 5 миллион ўрнига 8 миллион туп кўчат етиштирди. Учинчи беш йилликнинг сўнги йилида бу рақамни 13 миллионга етказамиз. Асосан, чинор, қайрағоч, жийда, бодом, ёнғоқ, заранг, қора қайрағоч, арвуғон каби дарахт кўчатлари ўстирамиз. Бундан ташқари ҳар йили мўл-кўл доривор гиёҳлар, асал, пиёзи анзур, дўлана, наъматак, андиз тайёрлаб бермоқдамиз. Бир йиллик соф даромад 400 минг сўмни ташкил этмоқда. Коллективимиз эришган ютуқлари учун СССР Ўрмон хўжалиги Давлат комитети ва Ўрмон-ёғоч-созлик саноати касаба союзлари марказий комитетининг Фахрий дипломи билан тақдирланди. Биз Хайридин Қамаридинов, Ҳамид Бобомуродов, Жўракул Ҳакимов, Маматкул Сафаров, Азиз Одинаев, Бобомурод Жўраев, Жаббор Султоновга ўхшаш меҳнаткаш ва серғайрат ўрмончиларимиз билан фахрланамиз.

Ҳа, Тошмамат ака бундай ўрмончилар билан фахрланса арзийди, негаки, улар мавжуд дов-дарахтларни парваришlash ва муҳофаза қилиш билангина кифояланиб қолмай, балки бутунлай йўқолиб ёки камайиб кетаётган мевали ўсимликларни кўпайтириш борасида ҳам жонбозлик кўрсатмоқдалар. Биргина мисол. Ўз касбини жон-дилдан севган серғайрат ўрмончилар камёб ва шифобахш шотут кўчатини кўпайтиришга астойдил бел боғладилар. Аввалига Китоб,

Шаҳрисабз ва Яккабоғ районларида мавжуд шотутлар сўраб-суриштирилиб, рўйхатдан ўтказилди. Хонадонлардаги шотутлардан эгаларининг розилиги билан қаламчалар олинди. 1977 йилнинг ўзидаёқ 1000 тупдан ортиқ хашаки тутга шотут пайванд қилинди. Уша йили атиги 170 туп тутдаги пайванд тутди. Синчковлик билан иш олиб бориш натижасида масала ойдинлашди — пайванд солишда хатога йўл қўйилибди: 10—15 сантиметр узунликдаги пайвандтагларга пайванд солиш кифоя қилмас экан.

Шунинг учун ўрмончилар янги мавсумда тадбиркорлик билан иш тутиб, пайвандтагларнинг узунлигини бир неча баробар оширдилар. Ернинг ишловига эътибор кучайтирилди. Натижада қўтилган самарага эришилди. 5500 туп пайванддан қарийб 4000 тупи тутди. Ривожни эса баравж бўлди.

4000 шотут! Бу район қишлоқлари — Сумакдан 2 туп, Қайнарбулоқдан 2 туп, Сурумдан 3 туп олинган пайвандлар самараси эди. Улар яна уч йилдан сўнг ҳосилга кирди. Демак, уч йилдан сўнг салмоғи бир неча центнерга етадиган шифобахш шотут мева қила бошлайди.

Хўжаликнинг бош ўрмончиси Бердимурод Холиёровнинг айтишича, шотутлар фарқ пишган майдонлар беш йилликнинг охирида 500 гектардан ошади. Енгил эпкинда навозиш қилиб турган шотут майдонларини кўриб, йўқолиб кетиш хавфи туғилган бу камёб ўсимликнинг ўз вақтида асраб қолинганига амин бўлдик.

Ўрмон хўжалигида ёнғоқ, бодом, pista, дўлана сингари бебаҳо мевали дарахтларни кўпайтириш тадбирлари ҳам изчил амалга оширилмоқда.

Хўжаликнинг саҳий оғушида яна бир неъмат — шифобахш гиёҳлар ўсади. Ҳозирча шифобахш гиёҳлардан йилга беш-олти тонна йиғиб олинмоқда. Утган йили ярим тоннача чой ўти, бир неча центнер тоғ райҳони, зубтурум, зирк, наъматак ва бошқа гиёҳлар йиғиштирилиб, дорихона ҳамда енгил саноат корхоналарига етказиб берилди. Равоч, пиёзи анзур, андиз каби илдизли ўсимликлар ҳам мўл-кўл йиғиб олинмоқда.

— Ютуқларимиз ўзимизникию, — дейди Тошмамат ака Ниёзов, — лекин бизни ранжитадиган ҳодисалар ҳам учраб туради. Ўрмонзорларимиз баҳор ва ёз ойларида дам олувчилар билан гавжум бўлади. Кўпинча ноёб дарахтларимизга шикаст етказиш, дарёлардаги балиқларни заҳарли дорилар билан овлаш, чинорлар шохига «сдалик ёзувлари» қолдириш, майсаларни пайхон қилишдек кўнгилсиз-

ликларга дуч келямиз. Менинча, матбуотда ҳам, давраларда ҳам, оилавий суҳбатларда ҳам асосий мавзулардан бири — табиатни муҳофаза қилиш муаммолари эканини ёддан чиқармаслик керак. Табиатга завол етказадиган масъулиятсиз кимсаларга танбеҳ бериш ҳар бир замондошимизнинг бурчи. Ахир, табиат инсоннинг меҳр ва муруватига муҳтожд.

Бундай ҳақли мулоҳазани табиатга меҳр қўйган, ҳар қандай одамнинг айтиши табиий, албатта.

Урни келганда шунини айтиш керакки, равоч, пиёзи анзур ва андиз ҳосилини қабул пунктларига топширишда бирмунча қийинчиликларга дуч келинмоқда. Утган мавсумда Шаҳрисабздаги Консерва заводи билан равоч реализация қилиш бўйича келишилган эди. Ишчи кучларини сафарбар қилиб, 10 тонна равоч тўпланди. Афсуски, маҳсулотни завод қабул қилмади. Бунга заводда равочдан консерва ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилмагани сабаб бўлди.

Пиёзи анзурни йиғиб олишда баъзан ноаниқликка йўл қўйилмоқда. Ҳосил пишганда консерва заводидаги ўртоклар ўзбошимчалик билан ишчи кучи ёллаб, пиёзи анзур йиғишга кирishaдилар. Таажжубки, улар ўрмон хўжалиги етказиб бераётган маҳсулотга қаноат қилмайдилар. Негадир келгусида пиёзи анзур етиштириш изидан чиқиб қолишини асло ўйламайдилар. Бугунги план ва топшириқлар келажак учун хизмат қилиши зарурлигини айрим раҳбар ўртоклар унутиб қўядилар, шекилли.

Улуғвор ва кўкка бош урган азим чинорлар, ер юзида яққаю ягона энг «мўйсафид» бўйчан pista, қуюқ арчазорлар, тоғ булбули — какликларнинг хуш овози, шўх ва ўйноқи сойлар, Музбулоқ, Гавҳарбулоқ, Шўхбулоқ, Тирсбулоқ, Шашқаторбулоқ, Ойдинбулоқ каби жўшқин ва исми жисмига мос булоқлар, жаҳон олимларининг диққатини тортган Хўжақўрғон экзотикаси — барчаси инсон меҳри ва меҳнати билан гўзал. Ана шунини чуқур ҳис этиб она табиатни ардоқлаётган гўзаллик посбонлари — серташвиш ўрмончилар табиат неъматларидан фойдаланишда маълум меъёр ва мувозанатга амал қилишга интилоқдалар. Чунки наботот олами ҳам асраб-авайлашни, беҳуда увол қилмасликни тақозо этади.

**Зебо РАҲИМОВА,**  
ТошДУ журналистика факультетининг студенти

## МУҚОВАДА

Биринчи бет: Салом, қуёш. (Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 140-болалар боғчасида тарбияланувчи Гулчеҳра Муҳиддинова.)

**А. ЖДАНОВ** фотоси

Тўртинчи бет: Тошкент Тўқимачилик комбинати Сайқаллаш фабрикасининг контроль-кузатиш цехи комсомол-ёшлар бригадасининг аъзолари сифат ва самарадорлик учун курашнинг олдинги сафида бормоқдалар.

**Н. ШАРИПОВ** фотоси

1. Китоб ўрмон хўжалиги директори Т. Ниёзов (чапда) Ҳазрат Башир ўрмончилик бўлими бошлиғи М. Сафаров билан чинор ниҳолларини кўздан кечирмоқда.

2. Мана бу бодом дарахти дунёда энг улкан ва баланд деб топилди.

3. Азим чинор тагидан жўшиб чиқадиган Қорабулоқ суви танга роҳат бағишлайди.

4. Жўшқин Қашқадарё соҳиллари ҳамиша сўлим.

5. Ўрмон ишчиси Ҳ. Бобомуродов ўз тракторини ўнгиру қирларда маҳорат билан бошқаради.

**Ж. ТУРАЕВ** фотолари

Бош редактор **Асқад МУХТОР**  
Редколлегия: Чингиз **АҲМАРОВ**, Абдулла **БОБОХОНОВ**, Воҳид **ЗОҲИДОВ**, Наримон **ИБРОҲИМОВ**, Ваҳоб **РУЗИМАТОВ** (бош редактор ўринбосари), Самд **ШЕРМУҲАМЕДОВ**, Комил **ЯШИН**, Ислидин **ҲАЙДАРОВ**.

«Гулистон» («Цветущий сад») — ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).  
Техредактор **А. САИДУМАРОВ** Корректор **Н. ПУЛДОШЕВА**  
Адресимиз: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41. Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; адабиёт ва санъат бўлими — 33-36-02; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмаҳонага туширилди 21.04.80 й. Босишга рухсат этилди 22.05.80 й. Р — 02995. Қоғоз 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Ботиқ усулда босилди. Шарт.и босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 265590. Вуяртма 3080. Нашр А — 101.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси, 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.






1



2



3



4



5











